

✓ **ВАЗИРЛИК БИНОСИЗ ЙИГИНЛАР МУАММОСИНИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТМОҚЧИ?** 4.

✓ **ҲОКИМ АЁЛЛАР БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ЎЗГАРТИРА ОЛАДИ** 5.

✓ **ҚИШЛОҚЛАР ҚАЧОН ИНТЕРНЕТ БИЛАН ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛИНАДИ?** 17.

МАҲАЛЛА — ADOLAT TAROZISI



# Маҳалла

№ 11 (1884-1887) 2020 йил 12 — 19 март ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

**ҲУҚУҚ 6:**

Халқаро ҳуқуқ бўйича Гаага конференциясига қўшилиш Ўзбекистонга нима беради?

**ЯНГИ ТАРТИБ 7:**

Биометрик паспорт ўрнини ID-карта эгаллайдими?

**ТАМОЙИЛ 9:**

«Электрон парламент» депутатларни одамларга қанчалик яқинлаштиради?

**БУГУННИНГ ГАПИ 10:**

«UzAuto Motors»: нархни ошириш ягона чорами?

**БОР ГАП 12:**

Дорихоналарда тиббиёт ниқоблари нега тақчил?

**ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ 28:**

Коронавирус муолажаси Суннатга амал қилишдадир

**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ** 2.



**2020 ЙИЛ 14-15 МАРТ КУНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА «ОБОД ЮРТ» УМУМХАЛҚ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ЎТКАЗИЛАДИ**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиши ўтказди.**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича устувор вазифалар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда таъкидланганидек, юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олишдан кўра уларни даволашга кўпроқ эътибор қаратилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот 10 фоизни, ирсий омиллар 15 фоизни, атроф-муҳитнинг ҳолати 20 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, инсоннинг турмуш тарзи (жисмоний фаоллик, овқатланиш, зарarli одатлар) унинг саломатлигига 55 фоизгача таъсир кўрсатар экан.

Шу сабабдан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясига илгор хорижий тажриба асосида аҳоли саломатлигини яхшилаш, одамларнинг мизини соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳоли саломатлиги профилактикаси, аввало, кишлоқлардан бошланиши ва бунга жавоб берадиган яхлит тизим бўлиши кераклиги қайд этилди. Масалан, сувнинг ифлосланиши буйрак, ошқозон-ичак

хасталиқларига, атмосферадаги радиация, озик-овқат маҳсулотларида кимёвий воситаларнинг кўплиги онкологик, нотўғри турмуш тарзи кон-томир, юрак, эндокрин, асаб касалликларига сабаб бўлмоқда.

Бу масалаларни чуқур таҳлил қилиб, аниқ дастурлар асосида жойларда манзилли иш ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Хозирда жаҳон бўйлаб कोरोनाвирус инфекциясининг (COVID-19) тарқалиши юртимиз аҳолисини ҳам маълум маънода хавотирга солмоқда. Дунёда жамоат саломатлиги тизимини, гўёки, синовдан ўтказайтган ушбу хасталиқнинг Ўзбекистонга кириб келмаслигини таъминлаш, аввало, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, профилактика ишларини янада юқори даражага кўтаришни тақозо этади, деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига бу борала кўрилайтган карантин ва профилактика чоралари бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Бунда, энг аввало, халқаро тажриба асосида Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига Аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш марказини бириктириб, Агентлик салоҳиятини ушбу вазифаларни самарали ташкил этишга қаратиш кераклиги таъкидланди.

Агентликнинг вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарларда

алоҳида марказлари ташкил этилади. Кишлоқ поликлиникаларида бу ишларни самарали йўлга қўйиш учун учтагача мутахассислар ажратилади. Улар кишлоқ аҳолиси ўртасида тўғри овқатланиш, гигиенага риоя қилишни тарғиб этади, онкологик, юрак кон-томир касалликларига мийил бўлганларни барвақт аниқлаш билан шуғулланади.

Кишлоқ врачлик пунктлари аҳолини юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар бўйича мақсадли тиббий кўрик ва сўровдан ўтказишни ташкил этиши зарурлиги айтиб ўтилди. Масалан, 40 ёшдан ўтганда инфаркт, инсульт, диабетга, 35 ёшдан ошган аёлларда эса саратонга мийиллик пайдо бўлади.

Шунингдек, Агентлик ходимлари хар бир хонадон, таълим муассасалари ва ташкилотларга бориб, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш, дам олиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ишларини ташкиллаштиради.

Президентимиз ушбу соҳада фанни ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасаларини қўллаб-қувватлаш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Мазкур муассасалар ҳудудлардаги касаллик омиллари ва шунинг хар бири бўйича тавсиялар қабул қилиши ва ҳокимликлар билан ижросини ташкил этиши лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, илмий-тадқиқот муассасаларининг ҳозирги аҳоли бу ишларни ташкил этишга тайёр эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Овқатланиш, меҳнат, ўсимирлар гигиенаси билан шуғулланадиган, санитар меъёр ва қондаларни ишлаб чиқувчи илмий-тадқиқот институтига атиги 13,5 та штат мавжуд.

Шунингдек, ёш болалар ўртасида паразитар, рахит ва дистрофия касалликлари хавфи катта бўлса-да, уларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали тизими йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, ушбу хасталиқлар болаларнинг иммун тизимини ишдан чиқариб, бошқа дардларга мийиллигини кучайтиради.

Шу сабабли, Самарқанддаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти клиникаси Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти билан бириктирилади. Улар негизда Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар республика илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, даволаш жараёни илм билан бирга амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди – хасталик омилларини таҳлил қилиб, даволовчи шифокорларга профилактика йўналишида асосланган тавсия берадиган мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Н.И.Пирогов номидаги Россия тиббиёт илмий-тадқиқот университети ҳамда Туркиянинг Баҳчешехир университети филиал ва клиникаларини очиш ишларини жадаллаштириш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни барвақт аниқлаш, ҳисобини юриштириш, таҳлил ва статистикасини

тўғри йўлга қўйиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Масалан, 2018 йилда 24 мингтага яқин аниқланган хавфли ўсма касалликларининг 55 фоизи 3 ва 4-босқичда аниқланган. Бу хар иккинчи беморнинг даволашига умид йўқлигини аналтади.

Шу муносабат билан, касалликларнинг олдини олишда содда, лекин замонавий ва самарали услубларни қўллаш, уларни жорий этиш қўламлигини кенгайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Мисол учун, оддийгина вазн, бўй, бел айланаси, кон босимини ўлчаб, турмуш тарзини сўраб-суриштириб, инсонда инфаркт, инсульт, диабет, гипертония каби қўлаб касалликларни барвақт аниқлаш мумкин.

Йиғилишда аҳоли саломатлигини назорат қилиш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилмаган, дейишга асослар етарли. Мисол учун, уларнинг таркибиде техник нальма мийининг ишлатилиши қатъиян тақиқланган, лекин буни аниқлайдиган механизмлар йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, ушбу маҳсулот инсон организмни учун гоъят зарarli бўлиб, хаётини муҳим органларни ишдан чиқариши билан бирга, онкологик касалликларга сабаб бўлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА

## Бирдамлик, эзгулик, ободлик ва аҳиллик ифодаси

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИГА БИНОАН, 2020 ЙИЛ 14-15 МАРТ КУНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА «ОБОД ЮРТ» УМУМХАЛҚ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Халқимиз азалдан тўю тантана, байрам ва шодиёналар арафасида ён-атрофни тартибга келтириш, кўчалар, хиёбон ва сайилгоҳларни, табаррук қадамжоларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратган. Аждодларимиздан мерос бу эзгу қадрият айна дамларда ҳам бутун бўй-басти билан яққол намоён бўлмоқда.**

Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга кизгин тайёрларик кўрилайтган айна кунларда мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилайтган ушбу анъанавий умумхалқ хайрия ҳашари, аввало, миллий урф-одат ва қадриятларимизнинг ажралмас қисми — меҳр-оқибат, хайру саховат, ўзгалар парварнишига муҳтож кишилар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олишдек эзгу мақсадларни ифода этади.

Бу йилги хайрия ҳашарида бажа-

рилиши кўзда тутилган вазифалар ҳукуватимиз фармойишида алоҳида белгиланган. Жумладан, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари умумхалқ ҳашари ўтказиладиган кунлари ўз ҳудудларида даракт ва гул кўчатлари экиб, боғ ва гўлзорлар яратиб, маҳаллалар, таълим муассасалари, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва



### ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

кабристонларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш ишларига боп-қош бўлади.

Шунингдек, ҳашар кунлари ижтимоий химояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қўмаклашилади. Бундан ташқари, умумхалқ хайрия ҳашари доирасида 14 март куни республика миқёсида ёшлар иштирокида экологик акциялар ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

Бу йилги ҳашарга алоҳида ном берилди — «Обод юрт». Демак, кимки Ватан ободлигига муносиб ҳисса қўшишни истаса, уларни умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тадбирларида фаол иштирок этишга чорлаб қоламиз.

**Элмурод ҚАРШИЕВ,**  
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

«Олий Даражали Дўстлик» ордени таъсис этилди.

# КАСБГА ЎҚИТИШ:

## ҚАЧОН, ҚАНДАЙ, КИМ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

КАМБАҒАЛ ОДАМ ЎЗ-ЎЗИДАН ЎЗГАРМАЙДИ, ҚУРУҚ ДАЪВАТ БИЛАН МУАММОЛАРНИ ЕНГИБ ЎТА ОЛМАЙДИ. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ УНГА ЁРДАМ ҚЎЛИНИ УЗАТИШИ, ИМКОНИЯТ ЯРАТИБ БЕРИШИ ЛОЗИМ

**М**аълумотларга қўра, мамлакатимизда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқори. Шу билан бирга, бугунги кунда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, энгил санаотда 46 минг мутахассисга эҳтиёж мавжуд.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, аҳолини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, айрим йўналишларда кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, шу орқали бандликни таъминлаш олдимизда муҳим вазифа сифатида турибди. Бундан ташқари, ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш орқали уларнинг ҳунар эгаллашига кўмаклашиш камбағалликни камайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, юртимизда кўп йиллар давомида «ёпик мавзў» бўлиб келган камбағаллик ҳақида давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида очик-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Аини жиҳатдан «Илм, маърифат ва рақамли иктисодий ривожлантириш

аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак», дея таъкидлади.

Хўш, аҳолини касбга ўқитиш қандай амалга оширилади? Бу билан ҳақиқатда камбағалликни камайтириб бўладими? Бунда биринчи гадаги вазифалар нималардан иборат? Аини жараёнда маҳаллаларнинг ўрни қандай?

### Қуруқ даъват билан муаммони енгиб бўлмайди

Халқимизда: «Камбағаллик айб эмас», деган нақл бор. Қўлиқалталик ҳеч кимга ҳавас эмас, албатта. Бироқ унутмаслик керакки, камбағаллик биргина ўша оиланинг муаммоси эмас, у ўша ҳудуддаги масъул ташкилотларнинг ҳам айбидир. Негаки, жамият қайсидир вазиятда уларни қўллаб-қувватлашда суесткашликка йўл қўйган, улар доимий назоратда бўлмаган,

берилган маблағлар мақсадли ишлатилмаган, оқибатда бундай тоифадаги оилалар вужудга келган.

Камбағал одам ўз-ўзидан ўзгармайди, қуруқ даъват билан муаммоларни енгиб ўта олмайди. Давлат ва жамият унга ёрдам қўлини узатиши, имконият яратиб бериши лозим. Аини жиҳатдан ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги иш-

ларни самарали амалга ошириш мақсадида янги тузилма — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. «Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика» даражасида масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

— Эндиликда маҳаллаларда камбағаллик даражасидаги оилалар билан алоҳида ёндашув асосида иш олиб борилади, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиги Дилшод Юсунов. — Бунда уларнинг ҳар бири билан индивидуал сўхбатлашилди, муаммолари, ечимини кутаётган масалалари ўрганилиб, ташхил қилинди. Камбағалликни келтириб чиқараётган сабаблар аниқланиб, бундай оилалар рўйхати шакллантирилади. Шунингдек, «Маҳалла гузарарида касбга ўқитиш дастури» асосида йиғин идораларида касбга ўргатиш курслари ташкил этилади. Эндиликда ҳар битта ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки кам таъминланган фуқарони қўллаб-қувватлаб, керак бўлса, уларни ўқитиб, кўмак бериб, камбағаллик даражасидан чиқариш чоралари қўрилади.

### Тайёр лойиҳа таклиф этиладими?

Дарҳақиқат, аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади. Шу маънода эндиликда кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик санаот зоналари ташкил этилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгаллик ҳуқуқи билан сотилади.

— Бундан бунён оилавий тадбиркорлик дастурлари доира-

сидаги маблағларнинг 70 фоизи камбағал аҳолига иш ўрни яратишни назарда тутувчи кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зафар Худойбердиев. — Камбағал кишини ишга олган корхоналарга банк кредитлари бўйича қулайликлар берилади. Яна бир муҳим ташаббус — эндиликда содда тилда тайёр бизнес лойиҳалари ишлаб чиқилиб, одамларга таклиф этиш тизими йўлга қўйилди. Бу бизнес лойиҳаларда ҳаражат ва даромад билан боғлиқ барча ҳисоб-китоблар, ишлаб чиқариш қувватлари, маҳсулот миқдори каби масалалар «иптидан-иғнасиғача» аниқ бўлади.

**Касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп фарзандли аёллар, ишсизлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган ҳунарлар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишларда касбга ўргатиш курслари ташкил этилади. Бунинг учун маҳалла идоралари ёки ҳудуддаги бинолардан жой ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланади.**

### Мономарказлар қандай самара беради?

2020 йилги Давлат дастурида ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларини тадбиркорлик ва касбга ўқитиш мақсадида 30

та коллеж базасида ҳамда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камид биттадан «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказлари ташкил этилиши белгиланди. Хўш, бундай марказлар самара берадими?

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат бозориди талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида эксперимент тарзида «Ишга марҳамат» мономаркази ташкил этилган. Бу ерда аҳоли 3 ой давомида 22 та йўналиш бўйича касбга ўқитилди. Давлатимиз раҳбари 28 февраль куни Яшнобод туманига ташрифи чоғида мазкур марказда бўлиб, уни «Яшнобод тажрибаси» сифатида бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш зарурлигини қайд этди.

— Марказимизга келган одамга, аввало, бандлик масалалари бўйича маслаҳат хизмати кўрсатилади, — дейди мономарказ директори Нодира Умарова. — Доимий ишга эга бўлмаса, бундан иш ўрнилари таклиф этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож мурожаатчилар доимий квотали иш билан таъминланиши ҳам мумкин. Касбий малака талаб этилади-ган ишни таплаганлар шу ердаги ўқув курсига жалб қилинади. Бошқа мамлакатда ишлаш истagini билдирган фуқароларга эса бу борадаги қўниқма ва хорижий тиллар ўргатилади. Бунинг учун марказда инглиз, турк, япон, хитой, корей ва рус тиллари ўқитиш бўйича қисқа муддатли курслар факультет юртимқода.

Қайд этиш керак, бундай марказлар одамларнинг талаб юқори бўлган касбларни тезда ўрганиб, ўз ишини топиши учун жуда муҳим. Аини жиҳат ҳисобга олиниб, эндиликда бўш турган коллеж ва бошқа бинолар таъмирланиб, Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани ва барча вилоятларда шундай муассасалар ташкил этилади. Шунингдек, касб-ҳунар йўналишлари шу ихтисосликдаги ўқув юрларига бириктирилиб, юқори малакали ўқитувчилар жалб этилади, кечки сабоқлар йўлга қўйлади.

\*\*\*

Қонунларимизга қўра, ҳар қим меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун зарур шароитларни яратиш эса давлат миқёсидаги масала. Демак, эндиликда юқоридаги ўзгаришлар билан олис кишлоғу маҳаллаларда яшаётган минглаб одамларнинг касб-ҳунарли бўлиши, бу билан ўз оиласи, пировардида жамият фаровонлигини таъминлашига янада кенг имкониятлар яратилади. Ўз навбатида, бу билан тадбиркорликнинг ривожланиши, камбағалликнинг қисқаришига ҳам эришилади.

Санжар ИСМАТОВ  
«Mahalla»



йили) Давлат дастурида ҳам камбағалликни камайтириш, аҳолини касбга ўқитиш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Президентимиз 27 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бу ҳақда яна бир бор сўз юритди: «Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало,



**А**гар кўчамиз бошига кимдир чиқинди ташлаб кетган бўлса, жигибийрон бўлиб: «Бу нима аҳвол, маҳалла қаерга қараяпти?», деймиз. Ё бўлмаса, кўшнимиз уйда тўполон кўтарилса, бир-икки нафар ўсмир ўғирликка қўл урса, ёш оила ажрашса, хуллас, ҳудуддаги ҳар қандай муаммони кўрсак, дарров маҳалла фаолларини ишламаганликда айблаймиз. Тўғри, маҳалла — ватан ичра кичик бир ватан. Маҳалла раислари эса ўша ҳудуднинг ободлиги, тинчлиги, фаровонлигига масъул шахс ҳисобланади. Уларнинг зиммасида оилалардаги нотинчликни бартараф этиш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабардор бўлиш, ҳудудлардаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш каби бир қатор залворли вазифалар турибди.



### ДАРВОҚЕ...

Сўнгги уч йилда 624 та маҳалла идораси янгидан қурилиб, 2 минг 265 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди. 102 та туман ва шаҳар марказида «Маҳалла маркази» мажмуалари барпо этилди. Хар бир фуқаролар йиғинида «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари, 4 мингдан зиёд маҳалла биноларида кутубхона ташкил қилинди.

## Вазирлик биносиз йиғинлар муаммосини қандай ҳал этмоқчи?

ҚАЙСИДИР МАҲАЛЛАНИНГ БИНОСИ ЙЎҚ, БИНОСИ БОРИДА ЭСА КЕРАКЛИ ТЕХНИКА, ЖИҲОЗЛАР ЕТИШМАЙДИ, Ё БЎЛМАСА, УЛАР ЎЗ ИШИ ҚОЛИБ, ҲОКИМ ВА БОШҚА МУТАСАДДИЛАРНИНГ МАЖЛИСУ ТАДБИРЛАРИДА ЎТИРИШ, БУЙРУҚЛАРИНИ БАЖАРИШГА МАЖБУР БЎЛИБ КЕЛАДИ. ЭНДИ ЎЗИНГИЗ АЙТИНГ, ЎЗ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТОЛМАЁТГАН ТАШКИЛОТ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АҲОЛИ, ХАЛҚ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТА ОЛАДИ?

### Янги тизим эски муаммоларни ҳал этадими?

Тан олиш керак, шу пайтгача айрим маҳаллалар ўз муаммоларини тўлиқ ҳал қила олмай келаётганди.

Масалан, қайсидир маҳалланинг биноси йўқ, биноси борида эса керакли техника, жиҳозлар етишмайди, ё бўлмаса, улар ўз иши қолиб, ҳоким ва бошқа мутасаддиларнинг мажлису тадбирларида ўтириш, буйруқларини бажаришга мажбур бўлиб келарди. Энди ўзингиз айтинг, ўз муаммоларини ҳал этолмаётган ташкилот қандай қилиб аҳоли, халқ муаммоларини бартараф эта оларди?

Шу боис Президентимиз раислигида жорий йилнинг 12 февраль куни ўтказилган маҳалла тизimini такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳа танқидий-таҳлилий равишда кўриб чиқилиб, уни ривожлантириш борасида таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Хусусан, видеоселекторда маҳаллаларда тўланиб қолган муаммо ва камчиликларга самарали ечим топиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш шартлиги таъкидланди. Ушбу улкан соҳага масъул алоҳида давлат идораси — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш таклифи билдирилди. Кўп ўтмай, аниқроғи, 18 февраль куни давлатимиз раҳбарининг аниқ мақсадга қаратилган тегишли фармон ва қарори қабул қилинди.

### Кўнимсиз маҳалланинг қурби ҳеч нарсага етмайди

Ҳужжатларда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини кучайтириш вазифалари ҳам белгилаб берилди. Бу эса, албатта, соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини, маҳалла раисларининг ўз иши билан шуғулланишига етарлича шарт-шароитлар ҳозирланишини билдиради.

### Фуқаро муаммосини айтиш, дардига дармон истаб, энг аввало, қайси ташкилотга мурожаат қилади? Албатта, у йиғин идорасининг эшигини қоқди. Аммо маҳалла раисининг доимий иш фаолиятини олиб бориши учун муқим жойи, ўз биноси бўлмаса-чи?

Ҳа, ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бир-бирдан гўзал маҳалла марказлари, гузарлар барпо этилди. Аммо, афсуски, бутунги кунда ҳам ўз биносига эга бўлмаган маҳаллалар кам эмас. Уларнинг базилари турли ташкилотлар ёки тадбиркорларга тегишли биноларда, кўшн маҳалла гузаридики тикилиб ўтирган бўлса, айримлари ўз уйда фаолият олиб бораёттир.

— *Статистик маълумотларга қўра, бугунги кунда 3 091 та фуқаролар йиғини ўз биносига эга эмас, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев.* — Жумладан,

улар орасидан 1234 таси қоржона, ташкилот ва хусусий тадбиркорлар балансидаги бинода, 48 таси маҳалла раисининг хонадонидики фаолият юритмоқда. Шунингдек, 48 таси авария ҳолатидаги биноларда бўлса, бошқалари кўшни маҳалла биносига ёки ҳудудлардаги таълим, тиббиёт муассасаларида фаолият юритиб келмоқда. Бу рақамлар айрим жойларда Давлат дастурларининг тўлақонли бажарилмагани, маҳаллаларни жой бино таъминлаш бўйича аниқ, самарадор механизм ишлаб чиқилмаганини билдиради. Маҳалла биноларини барпо этишда жойлардаги тадбиркор ва ишбилармон қатламнинг имкониятларига таяниб қолганини етарлича натижадорликни бермаганини исботлайди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридики эса бу масалани аниқ таклиф ва ечимлар илгари сурилди. Хусусан, қарорга биноан, ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни фаол жалб қилиш ҳисобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини давлат хусусий шериклик шартлари асосида қуриш белгиланди.

Бундан ташқари, қарорда инвестор бўлмаган тақдирда, ҳар бир маҳаллада комплекс қурилиши маҳаллий бюджетларнинг кўшимча манбалари ҳисобидан ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Бу эса тез орада барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз биносига тўлақонли эга бўлиши учун қонуний асос яратилди, деганидир.

— *Ўтган йиллар давомида*

маҳалла фаоллари жойдан-жойга, ташкилотдан-ташкилотга кўчиб, фаолият юритиб келаётган эди, — дейди *Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутахассиси Фарҳод Эшмўминов.* — *Ўтган йили май ойида маҳалла раиси бўлиб сайланганидан сўнг туман ҳокимлигига бино қуриш бора-сида мурожаат билан чиқдим. Ҳокимлик вакиллари мурожаатимни ўрганиб чиқишди ва биро учун ер-эсоя ажратадиган бўлди. Айни пайтда зарурий ҳужжатлар тайёрланапти. Президентимизнинг юқоридаги қарори эса маҳалла биносининг тез кунда қад ростлашига замин яратувчи қонуний асос бўлди.*

### Маҳалла марказлари тадбиркорлик билан шуғулланади

Маҳалла марказлари тўлиқ бинолар билан таъминлангач, яна бир масала юзга чиқади. Бу — йиғин ходимларини керакли жиҳозлар ва компьютер технологиялари билан тўлиқ таъминлашдир. Қарорда бу масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилиб, тегишли ташкилотларга фуқаролар йиғинларини керакли жиҳозлар ва узлуксиз глобал тармоқ билан таъминлаш бўйича топшириқ берилди. Аммо маиший ва электротехника воситалари тез бузилиши ҳамда интернет тармоғи, электр энергияси ва бошқа манбаларнинг коммунал тўловларини тўлаб бориш талаб этилади. Моддий маблағ орттирмайдиган ташкилотларда бу доимо муаммо бўлиб келган.

— *2019 йил якунларига қўра, республикамиз бўйлаб маҳалла идораларига комму-*

нал хизматлар учун жами 1 миллиард 692 миллион сўмдан ортқ қарздорлик ҳисобланган, — дейди *Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутахассиси Фарҳод Эшмўминов.* — *Жойларда йиғин биноларига қўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловлар ҳамийлик асосида, ё бўлмаса, ҳокимликлар бюджетидан тўлаб берилмоқда. Аммо бу борада ягона тизим йўлга қўйилмагани сабабли қарздорлик йилдан-йилга ошиб борапти.*

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қароридики масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, фаолият давомида юзга келадиган харажатларни қоплай олгани учун фуқаролар йиғинларига тадбиркорлик билан шуғулланиш имконияти тақдим этиляпти. Хусусан, қарорда маҳаллаларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан, «Хар бир оила — тадбиркор», «Хунармандчиликни ривожлантириш», «Yoshlar — kelajagimiz» дастурлари асосида имтиёзли кредит ажратилиши белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизда: «Иш қулолинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган нақл бор. Ростдан ҳам, ишлаш учун етарлича шарт-шароит, моддий-техник база яратиш берилмас экан, ташкилотлар фаолиятдан самара қутиш нотўғри. Юқоридаги қарорда белгиланган вазифалар тўлақонли бажарилиб, фуқаролар йиғинларида етарлича моддий-техник база шакллантирилса, тез орада уларнинг иш фаолияти янада унумдор бўлиши, шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»

Судларда ишлар автоматлаштирилган тизим орқали тақсимланади.

# ҲОКИМ АЁЛЛАР БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ЎЗГАРТИРА ОЛАДИ

## ЮРТИМИЗДА АЁЛЛАРНИ РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАЙИНЛАШ АМАЛИЁТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**М**амлакатимизда аёл ҳокимлар сони 6 кишига етди. Аслида раҳбарликка кўпроқ эркаклар лойиқ, дейдиганлар талайгина. Аммо дунё сиёсати ва бизнес майдонида ўзининг ташкилотчилик қобилияти, кенг билими ва тафаккури, юқори даражали бошқарувчилик малакаси билан шуҳрат қозонган хотин-қизлар сони оз эмас. Замонавий дунёда бошқарувнинг аънавий усулларидан воз кечиладиган айти кунларда мамлакатимиз ҳаётида ҳам раҳбар аёллар сафи кенгаймоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан пойтахтимизда ўтказилган тантанали тадбирда раҳбарлик лавозимларига аёлларни тайинлаш амалиёти давом эттирилиши ҳақида алоҳида таъкидлади. Бухоро вилояти Олот тумани ҳокими Наргиза Нейматова билан суҳбатимиз ҳам мазкур ислоҳот моҳияти хусусида бўлди.



### Инвестиция ва саноат — кутқарувчи омиллардир

— *Аёл юрдошларимизнинг ҳокимлик рутбасига муносиб кўриладигани эътирофга, таҳсинга лойиқ. Аммо тизимли бошқарув энди шаклланиб келаятган, ўтмишдаги стереотиплардан тўлиқ халос бўлишга интиладиган Ўзбекистон шароитида аёл раҳбарларга осон бўлмаслиги аниқ. Айтиш-чи, ушбу масъуляти вазифани удалашда асосий эътиборни нималарга қаратмасиз?*

— Ўзбекистонлик хотин-қизларнинг сиёсат оламида ўз сўзи ва ўрни бор, уларнинг ташкилотчилик маданияти, ижтимоий жавобгарлиги кучайиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам биз, аёлларга катта ишонч билдиришмоқда. Ҳокимликка тайинланган, худудга инвестициялар оқими кучайтириши ва саноатни ривожлантириши ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйдим.

Олот тумани Туркманistonининг Лебав вилояти билан чегарадош. Хулуд асосан қишлоқ хўжалигига мослаштирилган. Вилоят марказидан анча чеккада. Шу боис саноатни ривожлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлашнинг мўлжаллаб турибмиз. Саноатни ривожлантириш учун



нима қилиш керак? Бунинг учун фермерларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш ўринли. Негаки, фермерлар бугун етиштирилган маҳсулотларини қайта ишлашмаяпти. Агар улар ғўшт ёки сутни қайта ишлашни йўлга қўйишса, янги ишчи ўринлари яратилади, даромад ортади, нарх-наво барқарорлашади.

Инвестицияни ривожлантиришга доир ғояларим кўп. Шулардан бирига алақачон тамал тошини қўйдик. Қиймати бир миллион АҚШ долларидек замонавий хусусий клиника барпо этмоқдамиз. Марказдан анча олис бўлганимиз боис одамларга тиббий кўриқдан ўтиш қийинчилик туғдирар ва бу кўп ҳолларда оғир оқибатларга олиб келарди. Узим шифокор бўлганим сабабли одамларни ўртаётган ушбу муаммони теран ҳис қиламан. Янги муассаса аҳолига замонавий сифатли тиббий хизмат кўрсатиб, касалликларни эрта аниқлаш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, давлатимиз раҳбари қўшни давлатлар билан чегараларни очиб берганлари боис мазкур клиникадан Туркманiston фуқаролари ҳам фойдаланишини инobatга оласак, юртимизга катта маблағ ҳам кириб келади. Чунки Туркманistonда оддий лапароскопик амалиётлар, жумладан, кўпчиликда учрайдиган холециститомия ҳам бажарилмайди, бунинг учун туркманлар Туркияга ёки бошқа давлатларга боришади. Агар шу клиника фаолиятини йўлга қўйсак, малакали мутахассисларимиз кучидан унумли фойдаланган ҳамда инвестиция киришини таъминлаган бўлаемиз.

### Дард ҳам, дармон ҳам ўзимизда

— *Туман бошқарувини қабул қилиб олдингиз, худуднинг энг оғриқли муаммоларини ҳам, албатта...*

— Муаммолар оз эмас. Камбағалликни қисқартириш, одамларни (боқимандалик кайфиятида юрганларни, албатта) фойдали меҳнатга, тадбиркорликка жалб этиш доимо мени ўйлантиради. Бунинг уддасини қилиш йўллари ҳам йўқ эмас. Мисол учун, томорқаларда иссиқхоналар барпо этишга кўмаклашсак, тез даромад топиладиган паррандачилик, кўнчилик каби тармоқларга уларни ўргатсак, ҳам бандлик таъминланади, ҳам оилалар мустаҳкамланади.

Мени ўртайдиган яна бир муаммо — мактабга таълим соҳасидаги аҳволимиздир. Очиғи, бу борада вилоят бўйича орқадамиз. Бола тарбиясида етти ёшга бўлган даврнинг аҳамияти муҳим. Шу боис айти пайтда мактабга таълим муассасалари бивосини реконструкциялаш, қайта қуриш ва жиҳозлаш, малакали кадрлар масаласига кўпроқ эътиборни қаратяемиз.

Яна бир оғриқли муаммомиз — бизда канализация тизими мавжуд эмас. Шифокор сифатида бу мени жуда ташвишга солади. Шу пайтгача канализация муаммосини ҳал қилишда менда имконият йўқ эди. Президентимиз шараф яратиб берди. Маҳаллий бюджет, кўшимча солиқ тушумлари ўзимизга қолади ва муаммони қисқа фурсатларда бартараф этаемиз.

### Бир нарсдан кўрққанман...

— *Ҳокимият тизимини кўпроқ тасаввур қилиб ўргандик. Аёл ҳокимларнинг бундай қаттиқликни юмишатиб, қаҳр ўрнини меҳр ва адолатга алмаштиришини бутун халқ кутяпти. Айтиш-чи, чегарадаги тумани бошқаришда аёл киши эканингиз панд бермасмикин?*

— Очиғини айтсам, аёл ҳокими одамлар қандай қабул қилишаркан, аиниқса, эркаклар учун ҳоким аёл бошқару-

### ДАРВОҚЕ...

Шу пайтгача Андихон вилоятининг Бўстон туманига Садбархон Мамитова, Бухоро вилоятининг Олот туманига Наргиза Нейматова, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманига Зулайхо Маҳқамова, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрига Гавҳар Алимova, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига Дилфуза Ўролова, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига Маҳсуда Мустафоева ҳоким этиб тайинланди.

ви эриш туюлмасмикан, деб кўрққанман. Ушбу лавозимга тайинланганимдан кейин, мана икки ҳафта ўтятипки, учрашувлар, сайёр қабулларда одамларни кузатишман, ҳавотирим асосиз чикди, улар бу янгиликни яхши қабул қилишди. Президентимизнинг мазкур сиёсатини маъқуллашди. Одамлар билан мулоқотда қийналмайман, деб аниқ айта оламан. Ўтган йиллар мобайнида уйма-уй, кўчама-кўча юравериб, мен халқни яхши таниб қолдим, одамлар эса мени.

Раҳбар хузурига келган одамнинг ҳафсаласини пир қилиб қайтармаслиги керак. Ваъда бериб, уни бажармаса ҳам раҳбар обрўсизланади, одамларнинг ишончи сўнса, бундай етакчи ҳеч қачон муваффақият қозонолмайди. Қолаверса, раҳбарнинг бирор муаммони «бу менинг вазифамга кирмайди», деб рад қилишга ҳам ҳақки йўқ. Мақсадим — халқимизни рози қилиш орқали Президент ишончини оқлаш.

### Профилактика инспекторлари ўз ўрни ва сўзига эга бўлиши керак

— *Янги тизим асосида маҳаллаларнинг барқарор ишлаб кетиши учун туманда қандай ишларни йўлга қўйиш керак деб ўйлайсиз?*

— Президентимиз ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғинлари эндиликда факатгина ўз ваколати доирасидаги вазифаларни бажаради, ортиқча юктамалар олиб ташланади. Маҳаллаларимиз мутасаддилари ҳам айти кунларда оилаларнинг иктисодини кўтариш, одамлар бандлигини таъминлаш, маънавий муҳитни соғломлаштириш каби ишларни бажаришаётир. Мен тумандаги ҳар бир маҳалла раисининг ҳар томонлама: ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий жиҳатдан кучли бўлишини таъминлашга интиламан. Ҳаёт тажрибасига, етакчилик қобилиятига эга инсонларни маҳалла ишига танлашимиз ва уларнинг му-

ваффақиятли ишлаши учун кўмаклашимиз керак.

Айрим профилактика инспекторлари фаолиятдан асло қоникмайман. Бирор низоли вазиятни муҳокама қилаётсак, профилактика инспекторлари боришга-ку боради, аммо ҳеч нарсга демасдан бир чеккада ўтиришганига кўп гувоҳ бўлганман. Ўз вазифасига нисбатан бундай совуқ муносабатга доимо муросасиз бўлиш керак. Маҳалланинг ҳар бир ходими салоҳиятли бўлса, кўзланган мақсадлар, албатта, амалга ошади. Ҳозир фуқаролар йиғинлари кадрлари масаласига эътибор қаратиб, уларни ўрганиб чиқяемиз. Уларнинг малакасини ошириш, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий билимларини кучайтириш учун барча имкониятларни ишга соламиз. Тушунчасиз одам раҳбар бўлса, бундан биринчи навбатда, одамлар жабр чекади. Олдий мисол, моддий техникани мустаҳкамлаганингиз, компьютер олиб берганингиз билан уни ишлатолмас, маблағ ажратсангиз, уни сарфлашни билмас, саводи ҳаминқадар бўлса, бундай ходим билан қайқка ҳам борардик?! Шунинг учун маҳалла ишига виждонан ва ҳалол ишлайдиган кадрларни топиб қўйиш керак. Бир сўз билан айтганда, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаш учун барча камчилик ва муаммоларга қарши қатъият билан курашаман. Янги ғоялар учун очиб бўлиб, ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакдаги имкониятларга кўра иш тутаман.


Лидер аёллар дунёни ўзгартира олади: раҳбар сифатида, она сифатида, аёл сифатида. Бунга тарихда мисоллар бисёр. Ўзбекистонда ҳоким аёллар эндигина ишга киришди. Залворли вазифани удалашларида нафақат профессионал маҳорат, балки оқилликлари, қалблари, меҳру муҳаббати ҳам асқатишга ишончимиз қомил.

Юлдуз ҲОЖИЕВА  
суҳбатлашди.

Пластик карта шаклида янги шарафат паспорти жорий этилмоқда.



тган ҳафта адлия вазири Русланбек Давлетов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Нидерландиянинг Гаага шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси (ХХХГК)га аъзо бўлиши жараёнининг якунланиши ва ташкилотга тўлақонли расмий аъзо бўлиш билан боғлиқ ташкилий ишларни якунига етказди. 2 март кунини эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунни имзолади. 4 мартдан бошлаб юртимиз ушбу ташкилотга расман аъзо сифатида кўшилди. Хўш, Ўзбекистон ташкилотга нима учун аъзо бўлди ва бу халқимизга нима беради? Мавзу юзасидан Адлия вазирлигининг Халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси раҳбари Нодир Жуманиёзов билан сўхбатлашдик.



## Халқаро ҳуқуқ бўйича Гаага конференциясига кўшилиш Ўзбекистонга нима беради?



### Давлат чегарасидан ташқаридаги ҳуқуқий масалалар

— Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси шу кунгача ўзида 83 иштирокчини жамлаган бўлиб, булардан 82 таси Европа иттифоқи аъзолари ҳисобланади, — дейди Н.Жуманиёзов. — Эндликда Доминикан ва Ўзбекистон Республикалари ҳам мазкур келишувларга аъзо бўлиши ва аъзолар сони 85 тага етди. Бунинг сабаблари сифатида глобализация даврида кўнгина ҳуқуқий масалалар миллий чегаралардан чиқиб, халқаро тус олаётганини айтиб ўтиш лозим. Яъни турли мамлакатлар қонунчилигидаги турлича жиҳатлар ўрни келса бир инсон тақдирини кесиб, айрим ўринларда зиддиятларни келтириб чиқаряпти. Масалан, бир давлатда берилган ҳужжатнинг бошқа бир давлатда таъминини таъминлаш, маълум мамлакатда тугилган гўдакни бошқа

юртга фарзанд қилиб олиб кетиш ёки фуқаро фарзандини она Ватанида эмас, мусофирчиликда дунёга келтириши ҳолатлари кўпайиб учраяпти. Бунда ҳуқуқий масалаларнинг ортқича зиддиятлар ва бюрократиясиз ҳал этилиши ҳам инсонларга, ҳам давлатларга фойдалидир. Шу сабабли эжазоннинг кўпайиб мамлакатлари ўзаро келишиб, турли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро ташкилотлар фаолияти орқали ҳамкорлик қиладилар ҳамда ўзаро ҳуқуқий мувофиқлаштирув ҳаракатларини амалга оширадидилар. ХХХГК айнан шундай ташкилотлар жумласидандир.

### Мигрантлар ҳуқуқи халқаро майдонда ҳимояланадими?

Шу пайтгача ХХХГК доирасида 40 дан ортик конвенциялар имзоланган бўлиб, болаларни халқаро ҳимоя қилиш, оилавий ва мулкий муносабатлар, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик ва низо-ларни бартараф этиш, халқаро тижорат

ва молиявий ҳуқуқ каби соҳалар шулар жумласига қиради. Халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрларини бир хиллаштириш Ўзбекистон учун ўта долзарб масала экани шубҳасиз. Чунки миграциянинг шиддат билан ўсиши, турли соҳаларда хорижий унсурга эга фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг кўпайиши туфайли зудлик билан ечилиши лозим бўлган масалалар юзга келмоқда. Шунга кўра, Гаага конференцияси доирасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган нормалар халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига сезиларли ижобий таъсир ўтказиши кутилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон учун Гаага конвенциялари янгилик эмас, шу кунгача биз улардан учтасига аъзо бўлганмиз. Хусусан, Фуқаролик жараёни масалалари бўйича конвенция (1954), Чет эл расмий ҳужжатларини легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (1961), Халқаро болаларни ўғирлашнинг фуқаролик жиҳатлари бўйича конвенция (1980).

### Бу аъзолик бизга нима беради?

— Ўзбекистон учун, хусусан, унинг фуқаролари учун ХХХГКга аъзо бўлиш катор имкониятлар йўлини очади. Жумладан, халқаро-ҳуқуқий ёрдам тизими соддалашади ва осонлашади, Халқаро-ҳуқуқий ёрдам эҳтиёжига учраган фуқароларга кенгрок имкониятлар яратилади. Фуқаролик-ҳуқуқий соҳага оид халқаро низолар самарали, тез ва кам харажат билан бартараф этилади. Бу жаҳон майдонида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига ижобий таъсир ўтказиши. Булар билан бир қаторда, мазкур халқаро ташкилот фаолиятида Ўзбекистоннинг тўлақонли аъзо сифатидаги фаолияти келажакда қабул қилинадиган халқаро ҳужжатларда бизнинг миллий манфаатларимизни ҳам акс эттириши имконини яратади.

Улугбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Россияда Ўзбекистон фуқаролари миграция ҳисобининг асосий кўрсаткичлари 2016-2019 йиллардаги динамика



Бирламчи ҳисобга кўйиш фактлари

Йил	шу жумладан, сафар мақсадлари бўйича			
	туризм	таълим олиш	ишлаш	хусусий
2016	1 755 000	19 277	24 623	1 433 557
2017	2 178 483	14 702	28 960	1 822 933
2018	2 393 886	12 876	34 203	2 007 407
2019	2 584 207	22 035	50 080	2 107 302

### ДАРВОҚЕ...


#### ХОРИЖДАН ИШ ИЗЛАЁТГАНЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДАМИ?

Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил якуни бўйича эълон қилган маълумотларига кўра, мамлакатда «Иш» сафари мақсадида миграция ҳисобига олинган чет эллик фуқаролар умумий сонининг 38 фоизини Ўзбекистон фуқаролари ташкил қилган. Охириги 4 йилда Россияда миграция ҳисобига олинган ўзбекистонликларнинг сони 45 фоизга — 3,3 миллиондан (2016 йилда) 4,8 миллион нафар кишига (2019 йилда) ошган. Мазкур давр мобайнида ушбу йўналиш миграциясининг умумий кўрсаткичлари барқарор ўсишига қарамай, миграциянинг айрим кўрсаткичлари бўйича қарама-қарши тенденциялар кузатишмоқда. Жумладан, Россия фуқаролигини қабул қилаётган ўзбекистонликлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундан ташқари, Россияда вақтинча яшаш учун рухсатнома олишга интилаётган Ўзбекистон фуқаролари сонининг камайиб бораётгани ҳам кузатишмоқда.

2016-2019 йилларда Россия фуқаролигини қабул қилган ўзбекистонликлар сони, минг киши



Россияда вақтинча яшаш учун рухсатномалар, минг киши



Камбағалликни камайтириш бўйича 700 млн. долларлик дастурлар амалга оширилади.

# Биометрик паспорт ўрнини ID-карта эгаллайдими?

**Хўш, УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?  
У БИЗГА КЕРАКМИ? УМУМАН, ID ТИЗИМИ ҚАНДАЙ  
ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА?**

Жорий йилнинг 6 март санасида **Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳужжат билан паспорт билан боғлиқ қатор янги тартиблар жорий этилиши белгиланди.**



## ДАРВОҚЕ...

### ID-КАРТА НИМА ЎЗИ?

ID-карта (инглизча «Identity Document») – турли даража ва мўлжалланишдаги электрон тизимларда шахсни тасдиқловчи расмий ҳужжат бўлиб, одатда пластик карта форматида тайёрланади. Содда қилиб тушунтирганда, ID-карта, бу – шахсий маълумотларни ўз ичига олган пластик картадир. У рухсатнома ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат ўрнини босиши мумкин. Картада унинг эгаси ҳақидаги маълумотлар сақланади – исм-фамилияси, фотосурати, шахсий рақами, имзо намунаси (шу жумладан, электрон рақамли имзо), биометрик имзо ва ҳоказолар.

Жумладан, 2021 йил 1 январдан бошлаб биометрик паспорт ўрнига унинг эгасининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида идентификация ID-картаси берили бошлаши жамоатчилик ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Хўш, аслида вазият қандай? Нега биометрик паспорт ўз ўрнини ID-картага бўшатиб бермоқда? Янги тизимнинг қандай қулайликлари бор? Ё бўлмаса, бу масала кўнчилик таъкидлаётганидек, халқдан пул йиғишнинг янги бир услубими?

хукукига эга.

Бунда биометрик паспортни ID-картага алмаштириш 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрлик асосида, 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, 2011 йилги намунадаги биометрик паспорт 2030 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.



## Қандай ўзгаришлар кутиляпти?

Юқоридаги саволларга жавоб топшдан аввал Ҳукумат қарориди кўзда тутилган ўзгаришларга назар ташласак. Демак, қарорга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб янги туғилган болага, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига, мамлакатимиз ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсга ва хорижий фуқарога белгиланган намунадаги идентификация ID-картаси берилди.

ID-карта унинг эгасининг шахсини, фуқаролигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади. Хорижга чиқмоқчи бўлганларга алоҳида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элга чиқиш учун биометрик («загран-паспорт») паспорти берилди.

ID-картанинг амал қилиш муддати у берилган вақтдан бошлаб 10 йилни ташкил этади. Бундай карта расмийлаштирилгани ва берилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 89 фоизи миқдорда давлат божи ундирилади. Айни пайтда бу миқдор 198 миңг 470 сўмга тўғри келади.

Халқаро тажрибага кўра, янги гувоҳномалар жорий қилинган пайтда одамларга ноқулайлик туғдирмаслиги учун эски ҳужжатлар ўз муддати тугагунча амал қилишда давом этади. Худди шундай, 2011 йилги намунадаги биометрик паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий фуқаронинг яшаш гувоҳномаси уларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ҳақиқийдир. Ушбу ҳужжатларнинг эгалари уларни белгиланган тартибда ID-картага алмаштириш

## Қоғозбозликдан воз кечилади...(ми?)

Энди юқоридаги мулоҳазаларимизга қайтсак: хўш, ID-карта ўзи бизга керакми? Унинг қулайлик ва афзалликлари нималардан иборат? Келинг, дастлаб ID-карта нима экани, унинг ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги хорижий тажриба хусусида тўхталиб ўтамиз.

Дунёдаги аксарият давлатлар аста-секин қоғозли ҳужжатларни юриштиш шаклида сақлаш ва алмашишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ушбу давлатлар ўз олдига келгусида ID-карталарни муомалага киритиш масаласини кўйган бўлиб, бу инновацион лойиха нафақат одатдаги шахсни тасдиқловчи гувоҳномалардан воз кечиш, балки барча зарур маълумотларни битта ташувчиға жамлаш имконини беради.

Масалан, ID-карталар АКШ, Буюк Британия, Европа Иттифоқи давлатлари, Корея Республикаси, Туркия, Малайзия, Сингапур каби мамлакатларда паспорт маълумотлари ва давлат хизматлари учун универсал калит, банк иловалари, шахсий маълумотлар, ҳайдовчилик гувоҳномаси, тиббий маълумотлар, транспорт иловалари, криптографик калит ва сертификатларни ўз ичига олган.

Унда шахснинг идентификацион маълумотлари ҳавфсиз ҳолда сақланади. Шунингдек, қоғоз тежалди, барча

маълумотлар электрон тизимга ўтиши муносабати билан оддий паспортдан фарқли ўларок, қалбақлаштириш имкони мавжуд эмас. Давлат ва банк хизматларини кўрсатишда ортикча қоғозбозликни камайитириш имконияти пайдо бўлади.

## Қандай қулайликлар яратади?

Қайд этиш керак, ID-карталарни бериш тизимига ўтиш фуқароларни рақамли идентификация қилиш тизимини жорий этишни жадаллаштиради, уларнинг бирламчи маълумотларини давлат органларининг ахборот тизимларига интеграциялаш жараёнини автоматлаштиради, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишни осонлаштиради ва оптималлаштиради.

Идентификация модули — картанинг энг асосий ва муҳим қисми ҳисобланади, чунки идентификация карталарининг энг муҳим вазифаларидан бири, бу — фуқаронинг шахсини аниқлашдир. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш давлат хизматлари ва тегишли ташкилотларга фуқарони тўлиқ идентификация қилиш имконини беради.

Хориж тажрибасида ID-картага тўлов иловалари ҳам киритилади. Бунда ID-карталар ёрдамида тўловларни амалга ошириш имконияти давлат хизматларидан фойдаланиш, жарима ва давлат божларини, нотариал хизматлар ва бошқа кўрсатилган хизмат турлари учун тўловларни амалга ошириш масалаларини соддалаштиришга хизмат қилади. Яна бир масала, бу — электрон рақамли имзони картага интеграллашдир. Мазкур илова орқали юридик ҳуж-

жатлар ва хизматлардан фойдаланишда улкан имкониятлар яратилиб, бунда идорага шахсан бориш талаб этилмайди, шартнома ва келишувларни амалга оширишда транзакция харажатлари кескин камайд.

## ID-карта қанчалик ҳавфсиз?

ID-картада фуқаронинг барча шахсий маълумотлари учун ягона электрон калит жойлаштирилган бўлса-да, ушбу тизим қанчалик ҳавфсиз, деган савол туғилади, албатта.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, смарт-картадаги чип етарли даражада химояланган микрокомпьютер ҳисобланиб, унинг таркибда микропроцессор, криптографик сопроцессор ва муайян ҳажмдаги хотира мавжуд. Стандарт микроконтроллердан фарқи шундаки, смарт-карта хотирасидан фойдаланиш процессор томонидан қатъий назорат қилинади. Шунингдек, картадаги барча маълумотлар шифрланган бўлади. Юқланган иловаларни (апплетларни) картадан ҳеч қим, шу жумладан, картанинг эгаси ҳам ўқий олмайди.

Хулоса ўринида шуни таъкидлаш ўринлики, ID-карта — қоғоз ҳужжатларидан ва бюрократик тўсиқлардан воз кечиш ҳамда кўплаб маассаларга электрон ўзаро ҳамкорликни енгиллаштириш имконини берувчи восита ҳисобланади.

**Сурайё ҒАФФОРОВА,  
Фаррух ЖўРАЕВ,  
Адлия вазирлиги масъул  
ҳодимлари.**

**Ўзбекистонда колония ва турмалардан 50 метр масофада объектлар қуриш тақиқланди.**

## ЎҚУВ-СЕМИНАР



## «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида экин экиш нима учун керак?

Аҳоли томорқаларидан фойдаланишни ташкил этиш, баҳорги экинларни экишга тайёргарлик кўриш ва ушбу жараёнда одамларга ёрдам бериш мақсадида тузилган Республика ишчи гуруҳлари худудларда ўқув-амалий семинарлар ўтказишмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ички ишлар, Молия, Қишлоқ ҳўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Давлат солиқ кўмитаси ҳамда қатор банклар мутасаддиларидан иборат мазкур Ишчи гуруҳлари зарур уруччилик (кўчатлар), минерал ўғит ва ёқилги-мойлаш материаллари захирасини шакллантириш, тизимли етказиб бериш, аниқланган муаммоларни ҳал этишда аҳолига кўмаклашаётир.

Ана шундай тадбирлардан бири — ўқув-семинар Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Қуёш» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилди. Тумандаги 17 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, уларнинг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда аҳоли жалб этилган тадбирда томорқанинг оила даромадини оширувчи муҳим омил экани, маҳаллаларга «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойилини татбиқ қилишнинг афзалликлари тушунтирилди. Таъкидландики, мазкур тамойил узок йиллар мобайнида ижобий натижалар туҳфа этиб келаётир. Бутун бошли маҳалланинг муайян экин ёки маълум бир касб-корга ихтисослашуви кичик тажриба мактабларини яратди, муваффақиятли бизнес учун асос бўлади.

— Аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиши бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатилиш, фуқаролар йиғинлари бу борада ўз вазифаларини аниқ белгилаб олиши керак, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош-

қарма бошлиги **Телман Ўринов**. — Бугунги тадбирда кам таъминланганларга қандай экинлар экиш кераклиги амалий жиҳатдан кўрсатиб берилди. Иқлим-тупроқ шароитларидан келиб чиқиб иссиқхоналар барпо этиш юзасидан мутахассислар маҳорат дарслари ташкил этилди. Қолаверса, ишсиз, аммо ўзини ўзи банд қилган кишиларнинг расман меҳнат билан бандлиги таъминланишига доир қонун-қоидалар тушунтирилди. Аҳолини қизиқтирган саволларга Ишчи гуруҳи вакиллари атрофлича жавоб беришди.

Халқимизда «Бахт қалити — меҳнатда» деган мақол бор. Унинг замирида жуда катта ҳаёт мазмуни ётибди. Боқимандалик кайфиятидаги аҳолини меҳнатга ўргатиш, одамларга томорқанинг қўшимча даромад манбаи эканини асослаб, ундан унумли фойдаланишга йўналтириш эса хонадонлардаги файзу баракани оширини тайин.

Бундай ўқув-семинарлар республикамиз бўйлаб давом этмоқда.

Ю.ХОЖИЕВА.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

## Нияти улўф халқнинг иши ҳам улўф

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, туман бўлимлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этди.

Семинарда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини ошириш, маҳаллани аҳолининг чинакам кўмакдошига айлантириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, жамият ва оилада соғлом, барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш, тинчлик-тотувлик, осойишталикни таъминлаш борасида янги вазирлик ва унинг раҳбарияти олдига турган

муҳим вазифалар хусусида фикрлар билдирилди.

Шунингдек, йиғилишда маҳалла институтининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз ҳамкорлигини йўлга қўйиш, тизимда ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» ва биринчи чоракда қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида ҳам сўз борди.

Семинарда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Шохиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»

## УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ

## СУБСИДИЯЛАР — ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Юртимиз меҳнат бозорига жорий этилган субсидия ва грант бериш амалиёти аҳоли учун катта имкониятдир. Навоий вилоятининг Хатирчи тумани «Чечак ота» маҳалласида яшовчи Рухсора Райимова тиббиёт коллежини битирганидан сўнг ишсиз эди. Бугун у ҳам хунар ўрганмоқда, ҳам стипендия олмақда.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш худудий марказлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда «Устоз-шогирд» анъанаси йўлга қўйилиб, ишсизлар касбга қайта тайёрланаётган бўлса, хунармандлар уй шароитида ўз бандлигини таъминлашга эришапти.

Ҳозиргача Хатирчи тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан олиб борилаётган тарғибот тадбирлари натижасида туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига мурожаат қилган фуқароларнинг 33 нафарига субсидия ажратилди. Аҳамиятлиси, бу нафақат ишсизлик муаммосини ҳал этаётир, балки янги боғ-роғлар барпо этиш имконини ҳам бермоқда. Чунки томорқа ер эгаларига ҳам субсидиялар ажратилмоқда. Хатирчи туманининг Олтинсой қишлоғидан Абдусалим Ёдгоров қаровсиз тошлоқ ерда мевазор боғ яратмоқда.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш обод ва хавфсиз маҳалла тамойилининг асосидир, — дейди «Олтинсой» маҳалласи раиси **Файзулла Алиев**. — Ҳу-



дудимизда бўи турган ер майдонлари кўп, субсидия ажратилиши натижасида бу ерларни обод қилиш имконияти туғилди. Томорқа ер эгалари субсидия эвазига қаровсиз ерларга насос ўрнатиб, сув чиқариб, томорқачилик, боғдорчиликни ривожлантиряпти. Яна икки-уч йилдан сўнг Олтинсой адириклари боғу роғга бурканади.

Холбиби САФАРОВА  
«Mahalla»

## ТОМОРҚАЧИЛИК

## Бир йиллик даромаддан 50 дан ортиқ машина сотиб олинди

Олтириқ туманидаги «Азимобод» маҳалла аҳолиси сабзи етиштириш, сақлаш ва сотишда ўзига хос тажриба тўплаган. Сабзавотчилар таъбирига кўра, маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашда уруччилик катта ўрин тутди. Маҳалладаги 900 дан ортиқ оила ўз томорқасида сара уруғлар етиштиришга эътибор қаратган. Бир килограмм сара уруғнинг нархи юз минг сўм. Энг муҳими, маҳсулотга талаб юқори. Чунки бу ерда тайёрланган уруғлар унвчанлиги, ҳосилдорлиги, маҳаллий иқлим шароитига мослиги билан ажралиб туради.

— Мавсумда 100 гектардан ортиқ экин майдонларига сабзи экилади, — дейди «Азимобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси **Бахтиёрсон Элчиев**. — Бу бир мавсумнинг ўзида 350-400 тоннага яқин маҳсулот етиштириш имкониятини бермоқда. Шу кунларда маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий ҳажми 700 тонна

бўлган музлаткичлар ишга туширилиши арафасида. Энг муҳими, сабзи экиб бой бўлаётган оилалар сафи кундан-кунга кенгаймоқда. 2019 йилнинг ўзида маҳалламиздаги 51 та оила янги автомашина сотиб олди, ўн беш нафар фуқаро Умра зиёратига бўлди.

Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

## «Нурли маскан»да сиҳаттоғ очилди

Бўғот туманида жойлашган маҳалламизда ҳар куни бир янгилик юз бермоқда. Бисол учун, куни кеча воҳамиз аҳлининг сиҳат-саломатлигига ҳисса қўшувчи маскан — «Нурулота» сиҳаттоғи иш бошлади. Асосан, асаб тизими билан боғлиқ касалликларни даволаш ва профилактикасига мўлжалланган ушбу даргоҳда маҳалламизнинг 20 нафар кишиси доимий иш билан банд бўлди.

Маҳаллада туяқушчилик ҳам яхши ривожланмоқда. Айни пайтда маҳалламизда туяқушларни инкубацион кўпайтириш йўлга қўйилди. Шундай экан, туяқушчилик билан жиддий шугулланиш истагида бўлганлар ёки бу соҳага қизиқувчиларга нурлимасканликлар тажрибаси асқатиши муқаррар.

Бандлик масаласини биз, маҳалла мутасаддилари тадбиркорлар кўмагида аста-секин ҳал этиб бораёмиз. Жумладан, «Хондамир» МЧЖ томонидан бунёд этилган гузаримизда айни пайтда 10 нафар киши даромадли ишга эга. Сал оддирок эса, «Гулшаф ноҳлари»

хусусий қорхонаси раҳбари уйда ўтирган 3 нафар ишсиз аёлнинг ҳалол мабла орттиришига имкон яратди.

Маҳалламизда хотин-қизлар фаоллиги ортиб бораётганини худудда 3 та мактабгача таълим муассасаси иш бошлаганидан ҳам билиш мумкин. Боғча мудирлари нафақат кичкинтойларнинг қамолоти учун изланмоқдалар, балки 10 нафар кишининг бандлигини таъминлаб, шунча хонадон ободлигига ҳам ҳисса қўшаётирлар.

Баҳром ЖУМАОБОВ,  
«Нурли маскан» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



# У

тган йили мамлакатимизда катта сиёсий воқелик — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди. «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остидаги жараёнлар шаффоф, демократик ва адолат тамойиллари асосида муваффақиятли ташкил этилди. Шунингдек, Сенат вакиллари ҳам ўзгарди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон қонун ижодкорлиги, давлатчилиги сиёсатида «янги қон» қуйилди.

Эндиги вазифа эса қайта шакллантирилган парламентнинг эскича услубда ишлашига барҳам бериш, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилда иш қўришига мурасасиз муносабатда бўлиш, уларнинг давлат бошқарувидаги таъсири, сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда халқ ишончига сазовор бўлган шахсларни чин маънода аҳоли дарду ташвиши билан яшашига эришишдир. Йил бошида Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат йиғилишларида, парламентга йўллаган Мурожаатномасида бу борада ўз тавсия ва маслаҳатларини билдирди.

2020 йил 2 март санасида қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармонида эса жорий йилда парламент фаолияти, мамлакатимиздаги қонун ижодкорлиги соҳасида қилинадиган янгиланишлар, ўзгаришлар белгилаб берилди.

## Янги тизим «қўприк» бўла оладими?

Фармонга биноан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи «Электрон парламент» тизими жорий этилади.

— «Электрон парламент» депутатлар билан фуқароларнинг ўзаро алоқаларини янада кучайтиради, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қасрамон Эргашев. — Ушбу тизим соҳоба рақамли технологиялар, интерактив хизматлардан самарали фойдаланган ҳолда, сайловчилар билан депутатларни боғлаш, улар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиши билан ҳам аҳамиятлидир. Реъзга кўра, «Электрон парламент» тизими шу йилнинг май ойидан бошлаб ҳаётга татбиқ этилади.

# «ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ» ДЕПУТАТЛАРНИ ОДАМЛАРГА ҚАНЧАЛИК ЯҚИНЛАШТИРАДИ?

ИЛГАРИ БИРГИНА ДЕПУТАТНИНГ ТАШАББУСИ, ШИЖОАТКОРЛИГИ, ДОВЮРАКЛИГИ БИЛАН БУТУН БИР ФРАКЦИЯ ЁКИ ПАРЛАМЕНТГА ИЖОБИЙ БАҲО БЕРИЛГАН. НАТИЖАДА АЙРИМ ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЎЗ ФАОЛИЯТИГА СУСТКАШЛИК БИЛАН ҚАРАШИ ПАРДА ОРТИДА ҚОЛИБ КЕТАВЕРГАН. ЭНДИ БУНДАЙ БЎЛМАЙДИ



Тизимда депутатлар аниқ бир округта бириктирилади, округ доирасидаги фаолияти бўйича доимий ҳисобот бериб бориш тартиби йўлга қўйилади. Округдаги фуқаролар ўзлари сайлаган депутатларга махсус электрон портал ва мобиль иловалар орқали мурожаат этиш, жойлардаги муаммоларни депутат билан муҳокама қилиш имконига эга бўлади. Депутатлар эса парламент ва депутат сўровларини жамоавий мурожаатлар асосида Интернет тармоғида шакллантира олишади.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар эндилда ўз тақлиф-мулоҳазалари, шунингдек, ўзини қийнаб келатган муаммоларини ижтимоий тармок ва бошқа иккиламчи воситалар билан эмас, шахсан ўзининг сиёсий вакиллари орқали тез, осон ва қулай тарзда ижро этишни хоҳимиятга етказиши мумкин. Табиийки, ушбу тизим жорий этилгач, депутатлар қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳам тўғридан-тўғри аҳолининг мурожаатларига таянади.

## Депутатлар фаолияти қандай мезонлар асосида баҳоланади?

«Электрон парламент» тизими доирасида Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти самардорлигини ошириш бўйича баҳолаш ва рейтинг тизимини ҳам жорий этиш кўзда тутилган.

Илгари биргина депутатнинг ташаббуси, шижоаткорлиги, довюраллиги билан бутун бир фракция ёки парламентга ижобий баҳо берилган. Натигада айрим депутатларнинг ўз фаолиятига сусткашлик билан қараши парда ортида қолиб кетаверган. «Электрон парламент» тизими орқали эса эндилда уларнинг рейтингини белгиланади. Депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасидаги фаолиги уларнинг рейтингини кўтарилиши ва ҳаракатига яраша муносиб рағбатлантирилишига имконият яратеди.

Дастурга биноан, парламент фаолиятини янада кучайтириш, шунингдек, қабул қилинган дастурлар, «Йўл

хариталари» ва қонун ҳужжатлари ижросининг тўлақонли ҳаётга татбиқ этилиши назоратини мустаҳкамлаш мақсадида 1 июлдан бошлаб Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоклар раҳбарларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам эшитиб бориш тартиби белгиланган.

## Сенатнинг сайёр мажлислари қандай бўлади?

Давлат дастурида Олий Мажлис Сенатининг халқ фаровонлиги, давлат ва жамият ривожини йўлидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш мақсадида бир қанча аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Хусусан, ҳужжатга биноан, 1 августдан бошлаб Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат Кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

— Элчилар ҳисоботини эшитиш халқаро экспертлар ва соҳанинг етакчи мутахассислари иштирокида мамлакатимизнинг таъқиқ сиёсатидаги эришилган ютуқ ва камчиликларни баҳолаш ва улар устидан юқори палатанинг назоратини ўрнатish имконини беради, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Равшанбек Алимов. — Ҳисобот йиғилишларида муҳокама этиладиган мавзулар, асосан, хорижий давлатлар билан олий даражада эришилган келишувларнинг самарали ижросини, экспорт ҳажмларини орттириши ва тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўз ўрнида, муваффақиятли қириб

### БУ-КИЗИК!

«Парламент» сўзи французча «Parle» (гапирмоқ) феълидан олинган. Биринчи бўлиб давлат бошқарувининг парламентга асосланган тизими Буюк Британияда жорий этилган. Британия парламентида ўзига хос ҳалати қондалар бор. Масалан, парламент мажлисларида спикернинг сўзлаши тақиқланади. Шунингдек, қарсақ чалиш, хуштак чалиш ва шўкин кўтариш мумкин эмас. Парламент йиғилишларида вафот этишга ҳам рухсат этилмайди. Парламентнинг илк шакллари қадимги Рим, Россия подиолиги ва Марказий Осиё давлатларида ҳам бошқача шаклларида мавжуд бўлган. Бугунги замонавий парламентнинг энг қадимгиси Финляндия парламенти ҳисобланади.

боришини таъминлаш юзасидан бўлади.

Бунинг замирида жуда катта масъулият ётади. Сенаторлардан ҳудудларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан ёндашиш талаб этилмоқда. Миллий иктисодиётимиз ривожини таъминлаш масалаларида парламент ролини янада мустаҳкамлаш, халқаро парламентар тузилмалар билан ҳамкорликни кучайтириш юқори палатанинг асосий фаолият йўналишларидан биридир.

Шунингдек, Сенат Кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлислари ҳудудларда ўтказилиши аҳоли муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш ҳамда ўша жойдаги ҳолатга ўз вақтида тўғри баҳо бериш имконини беради. Ўтган йиллар давомида ҳудудларда турли масалалар аҳолининг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Хусусан, «снос» масаласида жойлардаги тушунмовчиликлар аҳолининг ишончли вакиллари — депутатлар ва сенаторларнинг ўз вақтида вазиятга тўғри баҳо бера олмагани ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича тўлақонли тақлиф-мулоҳазаларни билдира олмагани оқибатида юзга келди. Сайёр мажлисларнинг жойларда ўтказилиши айнан ҳудуднинг ўзига тегишли муаммони атрафчиликка ўрганиш ва энг мақбул ечим топиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши парламентни — «халқ уйи»га, депутатларни — халқимизнинг фидойи хизматчисига айланишига замин яратеди. Бунинг натижасида эса мамлакатимизда демократик тамойил — халқ ҳокимиятининг барқарорлашуви ҳамда юртимизнинг тез суриятларда тараққий этишига эришишимиз шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»

Тошкентда 3 мингга яқин киши бола асраб олиш учун навбатда турибди.

1996 йили Асакада машина ишлаб чиқарувчи завод ишга тушганида одамлар қанчалар қувонгани кўпчиликнинг ёдида. Энди ўзбеклар ҳам ўзимизнинг замонавий, қулай, камхарж ва арзон автомобилларни харид қилиш имконига эга бўлгани, бу завод иқтисодийимиз, халқимиз учун улкан фойда келтиришига умид боғлангани. Аммо ўтган йиллар мобайнида заводдан аҳолининг ҳафсаласи пир бўлгани рост. Уни хорижий корхоналар рақобатидан «асраш» мақсадида импортга қўйилган «даҳшатли» божлар соҳада рақобатни мутлақо нолга чиқарди.

Натижада «UzAuto Motors» бозорининг яқна ҳокимига айланди-қолди. У истаган нархларни эркин белгилаш, сифат даражасига эътибор қаратмаслик ҳукукига эга бўлди. Тизимда коррупция авж олди. Гўёки мамлакатга валюта киритиш учун арзон нархларда экспорт қилинаётган машиналардан келган зарар маҳаллий харидорлар ҳисобига қоплаб борилди. Айниқса, яқинда нархларнинг ҳеч бир оғохлантиришисиз 21 фоизгача оширилиши аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда. Бундай «янгилик»нинг сабаби нима?

### «Доллар ошди, солиқ тўлай бошладик, натижада нархлар ҳам ошди»

— Компания томонидан нархларни қайта кўриб чиқиш қарори нархлар конъюнктураси, шунингдек, ички ва ташқи бозордаги умумий макроиқтисодий вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ, — дейди «UzAuto Motors» матбуот хизмати раҳбари Зумрад Шожалилова. — Шунга қарамай, 2020 йилнинг 4 мартига қадар шартнома имзолаган харидорлар учун барча шартлар сақлаб қолинади. 2017 йилнинг сентябрь ойида сўнги марта автомобиль нархлари ўзгарганидан буён АҚШ долларининг сўмга нисбатан айрибоилани курси ўсди, хомашё нархлари, коммунал хизматлар тарифлари, транспорт хизматлари нархлари ошди. Бундан ташқари, аввал солиқ имтиёзларига эга бўлган компаниямиз 2019 йилнинг октябрь ойидан бошлаб умумий асосларда, жумладан, ҚҚС бўйича солиқ тўлашни бошлади. 2019 йилда 2,5 трлн. сўм солиқ тўлаган бўлса, жорий йил учун бу кўрсаткич 4,2 трлн. сўмни ташқил қилиши кутилмоқда. Яқин келажакда компания автокредит ва муддатли тўлов тизимларини янада ривожлантиришни режалаштирган.

Шу ўринда компания матбуот хизмати берган тушунтиришлар жавоблардан кўра кўпроқ саволларни келтириб чиқараётганини таъкидлаш керак. Жумладан, нега нархларнинг ошishi сабаблари батафсил ва пунктлар бўйича тушунтириб берилмаяп-

# «UZAUTO MOTORS»: НАРХНИ ОШИРИШ ЯГОНА ЧОРАМИ?



ти, экспорт нархларининг нисбатан арзонлиги сабаблари нимада? ҚҚС компания томонидан эмас, аксинча истеъмолчи томонидан тўланади-ку. Шундай экан, буни иддао қилишдан наф қандай? Ва ҳоказолар...

### Бахоналар ҳеч кимни қониқтирмади

Юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик эшитишу ҳам ўтказилди. Эшитиш ҳақида қисқа қилиб «бахоналар ҳеч кимни қониқтирмади» дейиш мумкин, ҳолос. Зеро, компания мутахассислари депутатлар томонидан берилган саволларга жўяли жавоб бера олгани йўқ. Асосан, матбуот котибининг юқорида келтирган даъволари билан чекланилди.

— Кейинги йилларда юртимизда юз бераётган ўзгаришлар завод фаолиятига ҳам ижобий таъсир этганига умид қилгандик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раҳул Кушербоев. — Зеро, харидорларга «қийдириладиган шиканка»лар, навбатлар кескин қисқарди. Ҳатто «Ўзавтосаноат» раиси Шавкат Умурзоқов оммавий ахборот воситалари орқали 2019 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг машиналар нархини 9 фоизга туширишни ваъда қилди. Аммо жорий ўзгаришлар барини чиптаққа чиқариб, кўпчиликнинг асабини бузди. Шу ўринда мазкур завод Ўзбекистон иқтисоди ва халқига қанчалик фойда келтираётганини ҳам ўйлаб кўриш керак. Масалан, эшитиш жараёнида берилган мазкур саволга компания 4,5 триллион сўм ҚҚС солигини тўлаши айтиб ўтибди. Аммо бу тўлов истеъмолчилар томонидан амалга оширилиши назардан четда қолдириляпти. Экспортга йўналтирилаётган ва маҳаллий аҳолига сотилаётган автомобилларнинг сифатидан фарқ тўғрисида берган саволимизга ҳам батафсил, тўла қониқтирувчи жавоб олганимиз йўқ. Экспорт вариантдаги

машиналар жуда яхши дейишади. Мен ўзим кўрмаганман. Чунки биз, фуқаролар экспорт варианты сотиб олишдан маҳрумимиз.

**МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН МАШИНАЛАР НУҚСОНЛАР БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА. «СЕРГЕЛИ» БОЗОРИГА БОРИБ 400-500 МИНГ СЎМ САРФЛАБ, НУҚСОНЛАРИНИ ТЎҒРИЛАШ ТАЛАБ ЭТИЛЯПТИ. ГЎЁКИ БОЗОР МАЪМУРЛАРИ БИЛАН ЗАВОД КЕЛИШИБ ОЛГАНДЕК. БОРСАНГИЗ, ЎЗЛАРИ ҚАЕРДА НУҚСОН БОР — БИР ЗУМДА ТОПИБ БЕРИШАДИ.**

Янги машинага қўшимча сарф-харажат қиласиз. Уларда ҳаммаси тайёр турибди. Нима учун миллий автомобиллар экспорт вариантидек нуқсонсиз ишлаб чиқарилмайди? Умуман, эшитиш жараёнида «UzAuto Motors» мутахассислари билан заводга бориб, жойида ишлаб чиқариш жараёни, нархлар масаласида яна батафсил гаплашиб олишга келишилди.

### «Энди қасдан сотиб олмайман...»

Умуман, юртимиздаги барча сиёсий партиялар компаниянинг мазкур ишhini катъий танқид қилди. Масалан, маҳсулотлар учун янги бозорлар қилириш, маркетингни тўғри йўлга қўйиш, корхонанинг ортиқча харажатларини чек-

лаш, раҳбарият ва ходимларни ортиқча рағбатлантиришларни чеклаш орқали ҳам фойдани кўпайтириш мумкинлиги таъкидланиб, компания ҳатти-ҳаракатларига салбий баҳо берилди. Шу билан бирга, «UzAuto Motors» очиклик, ошкоралик, рақамли иқтисодий каби тушунчалар кун тартибига чиққан шароитда ҳанузгача бутловчи қисмлар етказиб берувчилар ўртасида очик танлов эълон қилмаётгани танқид қилинди.

Дарҳақиқат, аҳолининг ўртаҳол қатлами орасида харидорғир бўлган машиналар нархини ошириб, пул топиш асосий муаммоси ҳисобланмайдиганлар харид қиладиган машиналар нархининг ошмаслигини қандай тушуниш мумкин?! Бу аҳоли қатламлари ўртасидаги тенгсизликни қучайтириши турган гап. Умуман, «UzAuto Motors» томонидан қабул қилинган мазкур қарор ислохотларга аҳолининг ишончи пасайишига олиб келиши мумкин.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдуқодир Тошқулов бир неча йилдан буён «Nexia» автомобили харид қилишни режалаштиргани, аммо янги нархлар тўғрисида фикридан қайтганини айтди.

— Энди ололмайман. Атайлаб олмамайман. Аччиқ қилиб ҳам олмайман. Бу жуда киммат, ахир, — дейди у.

Депутат ва сенаторлар компания мутахассисларини сўроққа тутаётган бир пайтда ижтимоий тармоқларда «байкот тренди» авж ола бошлади. Ўтказилаётган сўровлар аҳоли ўртасида компанияга нисбатан ишончсизлик тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Қатор журналистлар янги нархларга нисбатан норозилик сифатида компания маҳсулотларини харид қилмасликка чакирмоқда. Одамларни уч-тўрт ой машина сотиб олинмаси, «UzAuto Motors» нархларини туширишга мажбур бўлишини иддао қилинапти.

— Россияда ишлаётган ҳолаватччам «Damas» олиш учун 60 миллион сўм тўплаганди, — дейди тошкентлик Марик Исмоилов. — Етмаётган тўрт миллион сўмни юборганича машинанинг нархи — 78 миллион сўмга чиқди. Энди у 4 миллион ўрнига 18 миллион сўм пул ишлаб топиши керак. Мана сизга автосаноатимиз. Ярим йил машина сотиб олмасак, компания нархни туширишга мажбур бўлади, бир йил сотиб олмасак, банкрот бўлади. Келажак авлод учун шу балони йўқ қилайлик.

Умуман, бу каби чакирлар юртимизда ижтимоий фикр ўсиб бораётгани, аҳоли аввалгидек ўзини алдашга қўйиб қўймаглигини кўрсатиб, компания даромадларига жиддий таъсир қилиши мумкин. Аммо бу ўринда яна бир муаммо бор. «UzAuto Motors» тизимида бутунга қунада 10 мингдан ортиқ юртдошимиз иш билан таъминланган, маош эвазига оила тебратмоқда. Шу боис компания ўз муаммоларини харидорлар — ватандошларимиз ҳисобига ҳал этиш ишқидан кечиб, тизимидаги ислохотларни бошқача йўл билан амалга оширса, айни муддао бўларди.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Шажарани аниқлаш имконини берувчи янги экспертиза тури жорий этилади.

# ЯНГИ ТУРДАГИ КАДАСТР ҲУЖЖАТИ БЮРОКРАТИК НОҚУЛАЙЛИКЛАРДАН ХАЛОС ЭТАДИ

**С**ўнги йилларда уй-жойларнинг кадастр паспорти билан боғлиқ муаммолар тез-тез тилга олинмоқда. Ушбу ҳужжатни расмийлаштириш жараёни кўплаб овозгар-чиликларни талаб қилиши, у билан боғлиқ турли англашилмовчиликлар, баҳсли ҳолатлар юзага келаётгани, соҳада ноқонуний ҳаракатлар содир этилиши янгилик эмас. Юртимизда «рақамли иқти-содиёт» тушунчаси жуда кўп соҳаларни қамраб олаётгани мазкур масалага ҳам ечим топмоқда. Давергеодезкадастр қўмитаси томонидан жорий йилнинг 1 март санасидан бошлаб, янги типдаги кадастр паспорти Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари-да, шунингдек, Тошкент шаҳрида жорий этиляпти. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «Кўчмас мулк объекти кадастр паспортининг янги намунасини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан амалга ошириляётган мазкур ўзгаришдан замон талабларига жавоб берадиган стандартлар, ривожланиш кўрсаткичларини янада илгари суриш мақсади кўзланган. Хўш, янги турдаги кадастр паспортининг афзаллик-лари нимада ва у юртдошларимизга қанчалик даражада қулайлик яратади?



## Ақлли чипга эга картанинг муҳим афзалликлари

— Ўзбекистон Республика-сининг янги шаклдаги кадастр ҳужжатини NFS — smart чипи ўрнатилган пластик картадан иборат бўлиб, у эски услубдаги кадастр кўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Неймат-жон Отамуродов. — Ушбу технологиянинг афзалликлари орасида коммунал тўловларни янги кадастр картаси орқали тўлаш имкониятини алоҳида таъкидлаш лозим. Сабabi, бу усул тўловларни амалга ошириш жараёнини сезиларли даражада соддалаштиради ва коммунал инстанцияларнинг иш самардорлигини оширади. Қолаверса, коммунал хизмат-ларнинг мулк билан боғлиқлиги

уларни ҳисоблаш ва тўлаш соҳасидаги ислохотларнинг ўсишини таъминлайди ва му-ваффақиятини оширади.

Умуман олганда, янги на-мунадаги кадастр паспорти (пластик карта) амалдаги қоғоз версияга нисбатан бошқа бир қатор афзалликларга ҳам эга. Биринчидан, у сақлаш учун қулай ва ҳужжатни қалбак-лаштириш эҳтимolini пайса-йтиради. Яна бир хусусияти, карта ўз ичига вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари бўйича мулк эгаларининг маълумотла-рининг тўлиқ ҳисобини олган ягона базани шакллантириш ва тизимлаштириш имкониятини яратади.

Энг муҳим жиҳати, янги намунадаги кадастр картаси учун чиқарилган тизимни ин-терактив давлат хизматларига улаш мумкин бўлади. Бу эса қулайликларни сезиларли да-ражада ошириш ҳамда юридик

ва жисмоний шахслар учун ортқича бюрократик жараён-ларни камайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, банклар-дан кредит олиш билан боғлиқ бюрократик тўсиқлар (ноку-лайликлар)ни бартараф этиш, кредит олиш учун мулкни гаров эвазига қулай қиритиш имкониятини беради.

## Коррупциянинг ҳам олдини олади

Ер участкалари, тураржой ва нотуражойларнинг мулк эгаларини қайд этиш ва солиқ-ларни ҳисоблаш, мулк ижара-сидан солиққа тўлов амалга ошириш учун тизимни солиқ органларининг маълумотлар базасига интеграция қилиш бў-йича қулайлик вужудга келиши ҳам унинг муҳим жиҳатлари-дандир.

Бундан ташқари, янги тур-даги кадастр паспорти ком-мунал хизматлар, солиқлар, давлат божлари учун тўлов-ларни қулай ва тўлиқ амалга ошириш учун тизимни ягона биллинг тизимига бирлашти-ради. Нотариал расмийлашти-риш, қайта расмийлаштириш ва бошқа эски намунадаги ҳужжатни талаб қиладиган нотариал операцияларни бажари-риш борасидаги қулайлиги эса аҳолини бир қанча овозгар-чиликлардан халос этади. Шу билан бирга, мазкур замонавий электрон ҳужжат мулк ва мулк эгаси тўғрисидаги барча зарур маълумотларни ўз ичига олади ва давлат органлари билан боғланган бўлиб, нотариус томонидан амалга оширилади-ган нотариал операцияларни осонлаштиради.

Шу ўринда картанинг со-хадаги коррупциянинг олдини олиш борасидаги хусусиятини

алоҳида тилга олиш жоиз. Яъни у орқали давлат орган-лари ходимлари томонидан қўл урилиши мумкин бўлган товлamacчиликни камайтиришга эришилади.

## Аниқлик, қулайлик ва тезкорлик

Электрон кўринишдаги ҳуж-жатни қоғоз шаклидагисига билан солиштирганда, киши қандай фарқларни реал ҳис қилади?

**Мисол учун, қоғоз кадастр ҳужжатлари кўплиги ва бетартиблиги билан ноқулайлик туғдирса, ақлли картада барча кадастр маълумотлари аниқ ва тартибли бўлади. Шунингдек, қўлда чизилган кадастр картаси ноаниқликларга эга бўлиши мумкин. Янгисида эса географик харитадан олинган аниқ электрон чизма жой олади.**

Хавфли томони, фириб-гарлар қалбаки қоғоз кадастр ҳужжатлари билан чув туши-риб кетиши ҳечгапмас. Ақлли картада бунинг иложи йўқ, чунки у ягона маълумотлар базасига уланган бўлиб, юкори

химоя воситаларига эга. Бош-қа томони ҳам бор. Шунақа вазиятлар бўладик, айрим уй-жой кадастр ҳужжатлари архивлардан ҳам топилмайди. Замонавий восита эса уй-жой қурилганидан бошлаб барча маълумотларни ўзида тўлиқ сақлаб боради ва кадастр тари-хи яралади.

Билимизки, уй-жой кадастр жилди йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда уни қайта тиклаш учун узок вақт талаб қилинади. Мустаҳкам пластикдан тайёрланган ақлли карта йўқолиб қолса, масофа-дан туриб блокнанди ва қиска вақт ичида ўрнига янги кадастр паспорти тақдим этилади. Кўриб турибмизки, бир қанча ноқулайлик ва овозгарчилик-ларга чек қўйилади. Яна бир асосий хусусияти — доимо жа-вонда турадиган қоғоз кадастр йиғма ҳужжатларидан фарқли ўларок, NFS технологияси ва махсус микрочипга эга карта шаклидаги кадастр паспорти доимо ҳаракатда бўлиб, у го-ҳида мажбурий ижро, кредит, суғурта, кадастр бўйича ўз эгасини огоҳлантирса, гоҳида коммунал, солиқ, ипотека карз-ларини вақтида тўлаб беради.

Бир сўз билан айтганда, кўчмас мулк объекти паспорти кадастрнинг янги намунаси соҳага янгича, инновацион ёндашишни белгилаб беради. Аҳоли яшашига мўлжалланган ва нотуражойларни ҳужжат-лаштиришни аниқ, қулай ва тезкор амалга оширишда энг самарали ва ишончли восита вазифасини бажаради.

Тўлиқ ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

## ДАРВОҚЕ...

Бугунги кунда Давергеодезкадастр қўмитаси қошидаги геонновация марказида етти хил русумдаги юздан ортқ қурилма мавжуд бўлиб, улар турли мақсадларга хизмат қилади. Дронлар ёрдамида кадастр ҳужжатла-рини, электрон хариталарни тайёрлаш ва ер майдони-ни мониторинг қилиш йўлга қўйилган. Ҳозирда қишлоқ ҳўжалигида иккита ихтисослаштирилган дрондан фой-даланилмоқда. Асосийси, ушбу ускуна ёрдамида ерни назорат қилса бўлади. Технологиялар ривожланиши ва жорий этилишининг ҳозирги босқичида дронлар ишлов бериладиган ерлар хариталарини электрон шаклда тузиши ва янгилаши, қишлоқ ҳўжалиги ерлари ҳисобга олинишини юритиши, экиладиган экинлар ҳолатини тезкор мониторинг қилиши, экинларни ва ҳо-силни кўриқлаш каби вазифаларни бажариши мумкин.

Фўқароларни ҳарбий хизматга чақиритиш тартиби янада такомиллаштирилди.

# Дорихоналарда тиббиёт ниқоблари нега такчил?



Ниқоб «васвасаси» бугун бутун дунё бўйлаб авж олган коронавирусга ёндош «касалик»лардан бири бўлди, десак адашмаймиз. Зеро, тадқиқотчилар ҳозирча вирусдан оз бўлса-да, ҳимояланишнинг бошқа бирор самарали йўлини ўйлаб топиша олгани йўқ. Натижада сайёрамизнинг кўплаб ҳудудларида тиббиёт ниқоби бизнеси авж олди. Расмий хабарларга кўра, вирус республикамизга кириб келмаган бўлса-да, «ниқоб васвасаси» ҳудудимизда бошланиб улгургани сир эмас. Авваллари энг кўп, арзон ва унчалар аҳамиятли ҳисобланмаган матоҳ тезда ноёб маҳсулотга айланди. Ижтимоий тармоқлар тиббиёт ниқоблари етишмаётгани тўғрисидаги хабарлар билан тўлиб, дорихоналар эшиклариди «маска йўқ» эълони пайдо бўла бошлади. Бир пайтлар ҳеч кимнинг эътиборини тортмаган масала сиёсат даражасигача чиқиб улгурди. Хўш, тиббиёт ниқоблари ростдан ҳам такчил маҳсулотга айландими? Мазкур мавзуда мамлакатимиз Фармацевтика агентлиги матбуот хизмати раҳбари Қизлархон Бегматова билан суҳбатлашдик.



## Депутатлар ниқоб ҳақида гапира бошлади

— Дарҳақиқат, тиббиёт ниқоби турли вирусларга қарши курашида самарали воситалардан бири, — дейди Қ.Бегматова. — Дастлаб одамлар Европада «қора ўлат» тарқалган пайтларда тери ва тоза матолардан тайёрланган шу каби ниқоблар орқали ҳимояланишган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташиқоти томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида жамоат жойларида ниқобдан доимий фойдаланиш саксон фоиз ҳолатда нафас йўллари орқали юқадиган вирусни касалликларнинг олдини олишнинг тасдиқлаган. Кейинги пайтларда эса жаҳондаги эпидемиологик вазият туфайли авваллари унча эътибор қаратилмаган мазкур масала диққат марказига чиқиб бормоқда. Масалан, 3 март кун юртимиз Давлат божхона кўмитаси чет элга яширин равишда олиб чиқиб кетиш учун тайёрлаб қўйилган кўп миқдорда тиббиёт ниқоблари сақланаётган омборларни фош этгач, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депута-

ти Бобур Бекмуродов шахсий ҳимоя воситалари (маскалар, респираторлар) экспортини тақиқлаш ва зарур бўлса хавфсиз давлатлардан импортини ташиқил қилиш тақлифи билан чиқди. Бунда кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг қўшнилари тиббий ниқоб экспортини тақиқлагани ҳам назардан четда қолмади. Шунингдек, депутат фармацевтика бозорини қатъий назоратга олиш, вирусдан ҳимояланиш ва даволаш воситалари нархининг спекулятив ошишига йўл қўймаслик лозимлигини таъкидлаган. Аммо бугунги кунда юртимизда 15 га яқин тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқарадиган корхоналар туну кун тўлиқ қувват билан ишлаб тургани, улар ички бозор учун миллионлаб бу турдаги маҳсулотни етказиб бериш имконига эга эканини ҳисобга олсак, ниқобларнинг ростмана танқислиги вужудга келиши мумкинлигига шиконини қўйин. Айрим дорихоналарда ниқобларнинг йўқлиги эса сотувчи даромади наст маҳсулот савдоси билан иғзулланишни ис-тамагани билан боғлиқ бўлиши мумкин.



## Тиббий ниқоб дорихоналарда бўлиши мажбурий бўюмлар рўйхатига киритилмаган!

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор беришингизни истардим. Тиббиёт ниқоблари дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббий бўюмлар рўйхатига киритилмаган. Шу боис дорихонада тиббиёт ниқоблари йўқ бўлса, бунинг учун сотувчини айблаш ёки дорихона ходимидан тиббиёт ниқобларини талаб қилиш нотўғри. Лекин дунёдаги хозирги эпидемиологик ҳолатни, яъни коронавирус хавфини ҳисобга олган ҳолда, дорихоналар томонидан аҳолини тиббиёт ниқоблари билан таъминлаш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Маҳсулотларни дорихоналар орасида зарур миқдорда тақсимлаш, ниқоблар ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, асосий эътиборни мазкур соҳага қаратиш шулар жумласига киради. Бундан ташқари, дорихоналарда тиббиёт ниқоблари захирасини яратиш бўйича ҳам алоҳида тошпириқлар берилган.

## Нархларнинг сунъий равишда ошишига йўл қўйилмайди

Бир қараганда, анча арзон турадиган ниқоблар бир марталик бўлгани ва улардан

фойдаланиш вақти 4-5 соатнигина ташқил қилиши сабабли мунтазам ишлатилганида ҳар қандай оила бюджетига салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги ҳам тўғри. Шу боис юртимизда тиббиёт бўюмларининг нархи сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт бўюмлари билан таъминлашни янада ях-

улгуржи нархидан 20 фоиздан ортик бўлмаган миқдорларда чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бу нима дегани? Дорихона тиббиёт ниқобларини, мисол учун, улгуржи 2000 сўм нархда сотиб олган бўлса, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортик бўлмаган миқдорларда чекланган савдо устамалари билан, яъни 2400 сўмдан сотиши керак бўлади. Дорихоналар томонидан дори воситалари ва тиббий бўюмлар нархи асоссиз равишда оширилган ҳолатларга дуч келинганида тегишли идоралар, жумладан, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилиш тавсия этилади.

## Ваҳимага йўл қўймайлик

Юқорида таъкидланганидек, юртимизда тиббиёт ниқоблари билан боғлиқ тақчиллик келиб чиқиш хавфи йўқ. Тақчиллик

## ДАРВОҚЕ...

### ЎЗИМИЗГА ҲАМ КЕРАК, АММО...

Ўзбекистонлик 28 ёшли К. Муроджон Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрига уч қоп тиббий ниқоб олиб борган. Бу ҳақда Хитойнинг давлатга қарашли Синьхуа ахборот агентлиги хабар қилди. Хабарга кўра, у Гуанчжоуга жами 27 мингта ниқоб олиб келган. Хабарда айтилишича, олти йилдан бери Хитойда яшаётган Муроджон ҳозирда Гуандун Хорижий тиллар ва ташқи савдо университетиди араб тилини ўрганмоқда. У агентлик мухбирларига берган интервьюсида Хитойдаги дўстларининг илтимосига кўра, Ўзбекистоннинг Гулистон шаҳридаги дорихоналарнинг барчасини кезиб, тиббий ниқобларни йиққани, Москва шаҳри орқали Гуанчжоуга етиб боргани ва дўстларига ниқобларни текин тарқатганини айтган.

**ДОРИХОНАЛАР ТОМОНИДАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР НАРХИ АСОССИЗ РАВИШДА ОШИРИЛГАН ҲОЛАТЛАРГА ДУЧ КЕЛИНГЕНИДА ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАР, ЖУМЛАДАН, ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.**

шилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббиёт бўюмларини улгуржи ва чакана сотиш — уларни етказиб беришда иштирақ этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун

бундай маҳсулотларни турли ниятларда керагидан ортик харид қилиниши сабаб сунъий равишда вужудга келиши мумкин, холос. Шу боис ваҳимага берилмай, ҳар бир шахс ўзи ва оиласи учун зарур чора-тадбирларни меъёрида бажариши барчамиз учун айна мудоао бўлади.


Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Жиноятлар содир этилган ҳудуддаги маҳалларда уч кун ичида муҳокама қилинади.

# Пенсия ислохотлари тизимдаги муаммоларни бартараф этадимизми?

Хўш, янги тизим аҳолига қандай қулайликлар яратади? Турли қоғозбозликлар, югур-югурлар, оврагарчиликларга барҳам бериладими? Умуман, тизим қандай ишлайди?

**Х**ар бир киши йиллар давомида меҳнат қилиб, юрт фаровонлигига ҳисса қўшиб, пенсия ёшига етганида фарзандлари, неваралари, яқинлари ардоғида хузуур-ҳаловатда яшашни орзу қилади. Ана шундай фарахбахш дамларда улар давлат томонидан пенсия билан таъминлашни нурунийлар учун катта рағбатдир.



Дарҳақиқат, бугун юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда биргина пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган саяёҳаракатларга эътибор қаратсак, 2019 йилнинг ўзига қатор эзгу ташаббуслар ҳаёта татбиқ этилди. Жумладан, барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши йўлга қўйилиб, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори ўн баробарига оширилди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган фарзанд тарбияси билан банд бўлиб, пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган оналарга ёшга доир нафақага чиқиб хуқуқи берилди. Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари жорий этилиб, пенсия миқдори оширилди. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳам давлат пенсияларининг бирини тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилди.

Албатта, бу каби ўзгаришлар жорий йилда ҳам тизимли равишда давом эттирилади. Хусусан, «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили» Давлат дастурида пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш янги тартибда амалга оширилиши кайд этилди. Хўш, янги тизим аҳолига қандай қулайлик яратади? Турли қоғозбозликлар, югур-югурлар, оврагарчиликларга барҳам бериладими? Умуман, тизим қандай ишлайди? Яна қандай янгиликлар жорий этилиши мумкин?

## Пенсияга чиқишда архив маълумотлари керак бўлмайdimи?

Қайд этиш керак, Давлат дастурида кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар Президентимизнинг 2019 йил 31 октябрдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан амалга

оширилади. Яъни 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда «Ягона миллий меҳнат тизими» маълумотларидан фойдаланилади.

Бунда ҳисоблаш 2005-2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар, 2016-2018 йиллар даври учун Пенсия жамғармасига ўтказилган сугурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотлари, 2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юришнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотлари асосида амалга оширилади.

Юқоридаги ҳолатларда архив маълумотлари талаб этилмайди. Архивдан фақат ушбу тизимда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки фуқаро мурожаати асосида фойдаланилади. Фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳамда қўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, унга пенсия минимал миқдор бўйича сирдан расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.

## Пенсия ёши ўзгарадимизми?

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 21 ноябрь куни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазибалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йўналишда Молия вазирлигига Жаҳон банки ва нуфузли молия ташкилотлари экспертлари билан ҳамкорликда пенсия тизимини ислох қилиш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берганди.

Айни пайтда ушбу топшириқ ижроси доирасида хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти, шу жумладан, уч босқичли тизимни ташкил қилиш тажрибаси ўрганилмоқда. Қайд этиш керак, концепция лойиҳасида асосий эътибор — пенсия миқдорини ошириш, иқтисодий фаол аҳолини ижтимоий сугурта тизими орқали камраб олишни кенгайтиришга қаратилган. Бундан ташқари, инновацион технологияларни жорий этиб, фақат паспорт асосида пенсия тайинлаш, шунингдек, электрон мурожаат асосида марказлашган ҳолда

пенсия тайинлаш ва тўлаш масалалари қўриб чиқилмоқда.

Концепция ҳақида гап кетганда, кўпчилик ўзбекистонда пенсия ёши оширилади, деган фикрга боришди. Бу эса, ўз навбатида, баҳс мунозарига сабаб бўлмоқда. Ушбу концепция лойиҳасида эса пенсия ёшини ошириш кўзда тутилмаган.

## Уч босқичли пенсия тизими қандай бўлади?

Бугун мамлакатимизда амал қилётган пенсия тизими муайян камчиликларга эга экани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, пенсияни белгилашда қоғозбозликлар, стажни, тўланган сугурта бадалларини тасдиқлаш билан боғлиқ текширувлар, пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда чалқашликлар мавжуд. Шу бос Президентимиз уч даражали пенсия таъминоти тизимига ўтиш орқали пенсия бадалини тўлашдан манфаатдорликни ошириш бўйича ислохотларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаганди. Хўш, бу тизим нимаси билан аҳамиятли? У қандай тартибда амалга оширилади?

Қайд этиш керакки, бунда **биринчи даражада** давлат минимал пенсия миқдорини белгилайди. Бу — фуқаро ишласа, минимал пенсия олиши кафолатланган деганидир. **Иккинчи даражада** ҳодимнинг иш ҳақидан муайян сумма ушланиб, унинг шахсий ҳисоб-варағида тўланади ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган фоиз ҳисоблаб борилади. Бу тизим амалда мавжуд, у ҳам бўлса — жамғариб бориладиган пенсия тизимидир. Эндиликда бу тизим ислох қилинади. Натжидада фуқаро давлат томонидан тўланадиган пенсиядан ташқари, маошидан ҳам маълум миқдор тўлаб боради ва бу маблағ солиққа тортилмайди. Шунда давлат пенсиясидан ташқари, яна қўшимча равишда пенсия олади.

**Учинчи даражада** ҳодим пенсия жамғармасига ажратиладиган маблағ миқдорини ўзи белгилайди. Яъни агар пенсионер давлат томонидан ва маоши ҳисобидан олган пенсияга қониқмаса, учинчи даражадан фойдаланиши мумкин. Бундай пенсия олиш сугурта орқали амалга оширилади. Бунинг учун конунчилик базасини яратиб, нодавлат ташкилотлар билан шартнома тузиш, капитал бозорни ривожлантириш зарур. Йиллар ўтиб, фуқаролар маблағларини тўлалигича қайтариб олишлари учун сугурталаш тизими барқарорлигини таъминлашимиз керак.

Умуман олганда, уч босқичли пенсия тизими қўлланилса, фуқаро кафолатли давлат пенсиясини олиш билан бирга, ўз хоҳишига қараб, пенсия ёшида қанча пул олишини ўзи белгилаш имконига эга бўлади.

**Шухрат ДАВРОНОВ,**  
Молия вазирлиги хузуридаги  
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директор  
ўринбосари.

## ДАРВОҚЕ...

### ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДА ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТ ТУРЛАРИ ҚИСҚАРДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 декабрдаги «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, фуқаролардан 28 турдаги маълумотномани талаб этиш тақиқланган.


Жумладан, эндиликда Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан қуйидаги 6 турдаги ҳужжат талаб қилинмайди:

- ▶ Тураржойда яшовчи шахслар кўрсатилган ҳолда маълумотнома;
- ▶ Оила аъзоларининг пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турганлиги ҳолатини тасдиқловчи маълумотнома;
- ▶ Қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари борлигини тасдиқловчи маълумотнома;
- ▶ Вафот этган боқувчининг қарамоғидаги оила аъзолари таркиби тўғрисидаги маълумотнома;
- ▶ Шахсий ёрдамчи ҳўжалигида қорамол мавжудлиги ёки қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш билан бандлиги тўғрисида маълумотнома;
- ▶ Дафн ўтказилганлиги ҳолатини тасдиқлаш учун маълумотнома.

Дарахт қўчатларини экиш бўйича «Yashil Vatanim» лойиҳаси амалга оширилади.

И

қтисодиётнинг «яшил» дея номланган шаклига ўтиш жараёни ҳар бир давлат учун алоҳида аҳамият касб этиб, ушбу жараён узоқ муддат ва катта миқдорда инвестициялар талаб этиши, асосий эътибор қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган технологияларни ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Тан олиш керак, сўнгги 2-3 йил ичида Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти билан чинакамига интеграциялашиш учун бел боғлади. Юртимизда «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хўш, «яшил» иқтисодиёт ўзи нима? Унинг иқтисоддаги ўрни қандай? Бу хусусда мутахассисларга юзландик.



## ДАРВОҚЕ...

«Яшил» иқтисодиёт атамаси 1989 йилда Буюк Британиялик атроф-муҳит иқтисодчилари томонидан фанга киритилган бўлиб, баъзида Яшил ўсиш (Green Growth) атамаси билан ҳам бирга ишлатилади. Яшил иқтисодиёт, бу — инсоният ва табиат ўртасидаги уйғун ўзаро таъсирни қўллаб-қувватлайдиган ва бир вақтнинг ўзида ҳар иккала эҳтиёжни бирдай қондиришга ҳаракат қиладиган иқтисодиётнинг методологиясидир.

# «Яшил» иқтисодиёт мамлакат таракқиётига таъсир этадимми?

## Муаммоларга ечим бўладими?

— «Яшил» иқтисодиёт атамаси 1990 йиллар бошидан истеъмолга кириб келган, — дейди Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги мутахассиси **Одильхон Незматуллаев**. — Бу инсоният ва табиат ўртасидаги уйғун ўзаро таъсирни қўллаб-қувватлайдиган ва бир вақтнинг ўзида ҳар иккала эҳтиёжни бирдай қондиришга йўналтирилган иқтисодиётнинг англатади. Халқаро ҳамжамиятда «яшил» иқтисодиёт стратегиясига инсоният ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи экологик, энергетик, озиқ-овқат ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган асосий ечим сифатида қаралмоқда. Бу борада Президент-

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш зарур. Иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш керак бўлади.

Айни пайтда Европа Иттифоқининг «Switch-Asia» дастури Жанубий Осиёнинг 19 давлатини қамраб олган бўлиб, 2019 йилдан бошлаб ўз фаолиятини Марказий Осиёнинг бешта давлатида ҳам юритишни бошлаган. Дастурнинг асосий фаолияти ишлаб чиқаришдаги энергия самарадорлигини оширишга қаратилган. Дастурга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон учун урта — барқарор истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш

иқтисодий жиҳатдан афзалроқ, албатта. Яъни «яшил» иқтисодиёт амалий нуктаи назардан, арзон ҳолатда ва энергияни тўла ҳажмда қўллаш эвазига иқтисодий ўсиш демакдир.

## «Яшил» иқтисодиётда арзон ва ишончли энергиядан фойдаланилади

— Мамлакатимиз қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича юқори техник салоҳиятга эга бўлиб, унинг 97 фоизи қуёш энергиясининг улушига тўғри келади, — дейди **Энергетика вазирлиги матбуот хизмати мутахассиси Обиджон Дилмуродов**. — Жумладан, бизда қуёшни кунлар йилига ўртача 320 кунни ва фаол қуёш нурлари тушиши давомийлиги 3000 соатни ташкил этиши боис юртимизнинг қуёш нуридан энергия ишлаб чиқариш салоҳияти йилига 525-760 млрд. кВт.с.дан иборат. Шамол энергетикасининг ҳисобий салоҳияти эса 500 ГВтни ёки амалдаги энергетизмдан 30 баробар кўп бўлган қувватли қурилмаларни жойлаштириш имконини беради.

Президентнинг 2019 йил 22 августдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланиш мақсадида 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоиздан кўпроғига етказиш вазифаси белгиланган. Бунинг учун 10 йил мобайнида жами 5000 МВт қувватдаги қуёш электр станцияларини куриш кўзда тутилган.

Ўтказилган таҳлиллар иқ-

лимнинг ўзгариши шароитида самарали, ресурс тежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлашда ўзаро боғлиқ муаммолар ва эҳтиёжлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда.

Стратегияга кўра, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш, 100 фоизгача аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергия билан таъминлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада юксалтириш кўзда тутилган. Шунингдек, бир миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштирилаётган экинлар ҳосилдорлигини 20-40 фоизгача кўпайтириш, ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга ҳамда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20-25 фоизгача оширишга эришиш мўлжалланган.

## Хулоса ўрнида

Юртимизда «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш борасида технология жараёнларнинг автоматлашганлик даражасини ошириш, ташиш ва тақсимлашга сарфланган электр энергияси ҳажминини қисқартириш, электр энергияси истеъмоли тизимларини автоматик назорат ва ҳисобга олиш асбоблари билан тўлиқ жиҳозлаш ишлари бошланган. Қайта

тикланувчи энергия манбалари лойиҳаларини амалга ошириш доирасида электр энергетикаси бозорига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва мустақил электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар киришини рағбатлантирувчи аукцион савдоларни жорий этиш орқали салоҳиятли инвесторларни рақобат асосида танлашнинг замонавий ва шаффоф услубларини шакллантириш кўзланган. Энергия сарфи ҳажми юқори бўлган корхоналарнинг энергонеэкономия ва аудитини ўтказиш, барча тоифадаги истеъмолчилар, шу жумладан, саноат ва энергетика объеклари учун электр энергияси истеъмолини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган давлат тизимини ривожлантириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, «яшил» инновацияларни жорий этишда хусусий инвесторларга, жумладан, кичик бизнесга кўмак кўрсатиш, товар (иш, хизмат)лар энергия-ресурс самарадорлигининг турли ҳисоблагичлари, спецификациялар каталогларини яратиш, шунингдек, товар (иш, хизмат)лар энергия-ресурс самарадорлигини сертификатлаштириш тизимини жорий этиш орқали давлат «яшил» харидларини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалар қаторидан ўрин олган. «Яшил» кредитлаш, венчур молиялаштириш тизимини жорий этиш, «яшил» фондлар, энергия тежамкорлиги махсус фондлари ва худди шундай бошқа механизмлар яратиш, «яшил» иқтисодиётга ўтиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий секторни фаоллаштириш, «яшил» инвестицияларга нисбатан банк тизимини рағбатлантириш кўзда тутилган. Келгусида бу механизм тўлиқ ишга туширилса, унинг ортидан иқтисодиётимизда катта ўзгаришлар бўлиши тайин.

**Нилуфар ЮНУСОВА**  
«Mahalla»




нинг 2019 йил 4 октябрдаги «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида келгусида амалга ошириладиган ишлар режалаштирилган. Шу туфайли Ўзбекистонда «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини амалга ошириш бўйича бир қатор устувор йўналишлар белгиланган. Жумладан, иқтисодиётнинг базавий тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш, энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва

йўналишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, маҳсулотлар ва хизматларни экологик маркировкалаш ҳамда биноларни энергетик сертификатлаш каби йўналишлар танлаб олинган.

Амалда «яшил» иқтисодиёт, бу — бир дона маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган ҳолатда ва энергия харажатини, қазилма ёқилғи қўлланилишини қисқартириш ва уни қуёш ҳамда шамол энергияси билан жойини алмаштириш, чиқиндилар шаклланишини қисқартириш йўллари аниқлаш жараёнидир. Бундай сиёсат


Мақтабгача таълим тизими хўдимлари янги тартибда маош олади.

# Нефть-газ саноатининг бугунги ҳолати қандай?



НЕФТЬ-ГАЗНИ ТЕЖАШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТЎЛИҚ ЯНГИ ТЕХНИКА БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, САНОАТДА, ХУСУСАН, ИЭСЛАР САРФИНИ ҚИСҚАРТИРИБ, МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУР. ДЕМАК, ҲАЛИ БАЖАРИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР ТАЛАЙГИНА

**Б**утун дунёда нефть захираси тобора қисқариб борапти. Бу эса ўз-ўзидан шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни оширади. Шу тўғрисида нефтни тежаб ишлатиш, имкон қадар саноатга энергиянинг муқобил турларини жорий этиш борасида излашлар олиб бориляпти. Бу борада дунё ҳамжамияти маълум ютуқларни қўлга киритган. Хўш, юртимизда мазкур соҳада қандай ишлар олиб бориляпти? Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётининг катта қисмини ташкил этадиган қишлоқ хўжалигини ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш ҳолати қандай?



на филиалларида нефть маҳсулотларининг етишмовчилиги, сифати бузилгани ва талон-торож қилингани кузатишган. Натيجада давлатга 9,7 млрд. сўм микдорда зарар келтирилган. Худди шунингдек, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги «Қарши нефть базиси» МЧЖ текширувдан ўтказилганда, 11,5 млрд. сўмлик 4333 тонна ҳамда нефть ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сифатига номувофик экани, танкисликлар ҳамда ҳисобдан чиқарилиш ҳолатлари аниқланди.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 6 февраль куни ушбу масалага бағишлаб ўтказилган йиғилишда соҳада яратилган шароитларга қарамай, тизимли муаммолар барҳам топмаётгани таъкидланган. Энергетика соҳасидаги бу ҳолат эса бевосита бошқа тармоқлар ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу боис давлатимиз раҳбари нефть-газ раҳбариятига ёрдам бериб, тармоқни янги босқичга олиб чиқиш ва олдимишга қўйган иқтисодий ўсиш режаларига эришиш ҳақида фикр юритган.

*ҳолати танқидий таҳлил қилиниши кераклиги таъкидланиб, нефть-газ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича «лойиҳа офиси»га илғор халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиш юзасидан муҳим кўрсатмалар берилди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун соҳада илғор тажрибага эга хорижий корхоналар билан ҳамкорликни кучайтиришга эътибор қаратилди.*

Хусусан, Россиянинг «Росгеология» АЖ билан ерости бойликларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича шартнома имзоланди. Унда белгиланган вазифалар Ўзбекистоннинг углеводородлар ва минерал ҳомашёлар базасини сезиларли тарзда мустаҳкамлаш, худудларнинг энергия таъминоти сифатини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, ҳамкорлик доирасида ишлаб чиқариш суръатини ошириш, нефть-газнинг истиқболли худудларини хавзали, геологик ва гидродинамик моделлаштириш учун замонавий технологияларни жорий этиш кўзланган.

Албатта, ишлаб чиқаришни

кўпайтириш учун янги конларни топиш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш яхши. Аммо соҳага замонавий технологияларни жорий этмасдан бирон натижага эришиш мушкул.

— Бугун нефть, умуман, табиий ресурсларни тежасиз келажак авлод олдидида қарзимиздир, — дейди Энергетика вазирлиги бош мутахассиси **Обиджон Дилмуродов**. — Шу боис имкон қадар соҳада замонавий технологияларни кенг жорий этишимиз шарт. Зеро, ҳар бир соҳада бундай технологиялар иқтисодиётнинг жон томирига айланиб улгурган. Яна бир масала — нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш бир масала бўлса, уни тежаб ишлатиш ана шу жараёндаги энг муҳим омил ҳисобланади.

Тизимдаги корхоналар энергия тежашни янги даражага кўтариш ва унинг нархини пасайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу билан энергия самардорлиги ошадди, шу билан бирга, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи камаяди. Бунга корхоналар, асосан, энг янги технологиялар ва ускуналардан унумли фойдаланиш орқали эришмоқчи. Ўз навбатида, соҳада халқаро стандартларга мувофиқ, энергия менежменти тизими жорий қилиниб, бу билан энергия самардорлиги ва энергия хавфсизлигини оширишга тизимли ёндашилади.

Шунингдек, юқорида қайд этилган йиғилишда Президентимиз томонидан корхоналарда раҳбар ходимлар маошини фаолият самардорлигини баҳолаш кўрсаткичларига (КР) боғлаш зарурлиги таъкидланди. Соҳадаги барча корхоналарда коррупцияга қаршини курашиш бўйича «комплаенс назорат» тизими жорий этилади. Қолаверса, Энергетика вазирлиги олдига жорий йилда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳо-

лига ёқилғи маҳсулотларини барқарор етказиб бериш учун 2019 йилга нисбатан 4,3 миллиард куб-метр кўп табиий газ қазиб олиш вазифаси қўйилди.

## Дарахт қурти ўзидан чикса...

Нефть маҳсулотларини қазиб олиш ва уни қайта ишлашда замонавий технологияларни жорий этиш орқали тежамкорликка эришиш мумкин. Аммо қайта ишланган маҳсулотнинг корхоналардан то истеъмолчи қўлига етиб боргунча бўлган жараён ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Соҳадаги айнан

Юртимиздаги бошқа шу турдаги МЧЖларни назоратдан ўтказиш жараёнида ҳам нефть маҳсулотларининг сифати бузилиши, савдо ва коммунал хизматлар билан боғлиқ қондабузарликлар аниқланган. Албатта, ушбу ҳолатлар бўйича жиний ишлар кўзга-килиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

\*\*\*

Бугун мамлакатимизда нефть-газ соҳасида янгиланишларга катта эътибор қарилмоқда. Халқаро миқёсдаги ҳамкорликлар натижасида соҳага замонавий технологиялар



мана шу бўғин йўқдан бор қилиши ёхуд мавжуд маҳсулотни йўққа чиқариши мумкин.

— «Ўзнефтьгаз инспекция» томонидан жойларда профилактика тадбирлари доимий равишда ўтказиб келинади, — дейди **О.Дилмуродов**. — Хусусан, жорий йилнинг январь ойида нефть маҳсулотларини реализация қилишда минтақавий базалар томонидан бир қатор қондабузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Келтирилган зарарнинг умумий қиймати 24 млрд. сўмни ташкил этди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси «Тахнатош нефть базиси» МЧЖ ва мазкур корхо-

олиб кирилатгани фикримиз тасдиғидир. Айни пайтда нефть-газни тежаш учун қишлоқ хўжалигини тўлиқ янги техника билан таъминлаш, (худудларда ҳамон қирқ йиллик тракторлардан фойдаланилмоқда!) саноатда, хусусан, ИЭСлар сарфини қисқартириб, муқобил энергиядан кенг фойдаланиш зарур.

Демак, ҳали бажарилиши зарур бўлган вазифалар талайгина. Бошланган ўзгартирилган ана шу ислохотларнинг дубоҳаси бўлади, деб умид қиламиз.

**Боборавхан  
ҒОЗИДИНОВ  
«Mahalla»**

## ДАРВОҚЕ...


Ўзбекистон ҳудудида геология-қидирув соҳасида, углеводород конларини ўзлаштириш борасида кооперацияни мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекнефтьгаз» АЖ ва «ЛУКОЙЛ» компанияси ҳамкорлигининг «янги йўли» белгилаб олинди ва «Йўл харитаси» тузилди. Унга кўра, «ЛУКОЙЛ» компаниясининг ишлаб чиқариш ва қазиб олиш объектларини ўрганиш, ушбу объектларда рақамли технологияларнинг қўлланиши билан танишиш учун «Ўзбекнефтьгаз» АЖ делегацияси аъзолари Россиянинг Пермь ўлкасига хизмат сафари билан боради. «Рақамли кон» концепцияси доирасида тажриба алмашишдан ташқари, ишлаб чиқариш давомида хўжалик бошқаруви ва ресурсларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш дастурларини қўллашда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган экин майдонларининг 30 фоизга яқини қайтарилди.

# QR тезкор тўлов тизими қандай ишлайди?

ТИЗИМ АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ БАРОБАРИДА ВАҚТНИ ҲАМ ТЕЖАЙДИ, ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

**А**вваллари хориж фильмларида кўриб, ҳавас қилган онлайн ҳисоб-китобларга бугун ҳаётимизда гувоҳ бўляпмиз. Қизиғи, бу ривожланиш бир нуқтада тўхтаб қолмаяпти. Ривожланиш ва янгиликлар шунчалик тез содир бўляптики, баъзида уларни англаб етишга-да шошиб қоляпти киши.



Очигини айтиш керак, бугун ҳаммамиз интернетга боғланиб қолганмиз. Техник носозлик кузатилса ёки ҳисобимиз ўчиб қолса, кун бўйи таъбимиз хира бўлиб юриши ҳам рост. Аслида, технологиялар тараккил этган даврда бундай жараёнларнинг кузатилиши табиий. Аммо ҳар нарсада меъёр бўлгани яхши. Мамлакатимиз аҳолисининг интернетдан фойдаланиш доираси кенгаймоқда. Бу шунга мос равишда замонавий

хизмат турларини кенг жорий этишни такозо қилади.

Ўзбекистонда ана шундай яна бир янгилик — бир зумда тўлов ўтказадиган QR («Quick Response Code» — тезкор аниқланадиган код) тезкор тўловни амалга оширишнинг «QR-online» стандартлаштирилган ва универсал хизмати ишга туширилди. У Марказий банк ва тижорат банклари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Тизим орқали савдо ва хизмат кўрсатиш

**ПУЛ БАНК КАРТАСИДАН ЁКИ ИЛОВАГА БИРИКТИРИЛГАН ЭЛЕКТРОН ҲАМЁНДАН ЕЧИБ ОЛИНАДИ. УШБУ ХИЗМАТ ПЛАСТИК КАРТА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, УНДАН ДУНЁНИНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРИДА КЕНГ ФОЙДАЛАНИБ КЕЛИНМОҚДА.**

тиш шохобчалари ўзига хизмат кўрсатадиган банклар орқали QR-кодни рўйхатдан ўтказди. Харидорлар эса пластик картаси ёнида бўлмаган вақтида ҳам мобил илова ёрдамида харидни амалга ошира олади.

## «QR-online» хизмати қандай ишлайди?

Янги сервис QR-коди орқали товар ва хизматларга тўлов ўтказиш имконини беради. Лойиҳада иштирок этадиган ташкилот QR-коднинг ўзи бириктирилган банк рўйхатидан ўтказиб, уларни миқдорга хизмат кўрсатиш жойларида ёпиштириш (наклейка) кўришида жойлаштиради.

Харидорлар куйдагича тўловни амалга оширади: тўловни жорий этган банк иловасига кириб, QR-коди тўловини танлайди ва ёпиштириш кодига сканер қилади. Сўнг илова товар ёки хизматга тўлов ўтказишни таклиф этади. Пул банк картасидан ёки иловага бириктирилган электрон ҳамёндан ечиб олинади. Ушбу хизмат пластик карта фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган бўлиб, ундан дунёнинг ривожланган давлатларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

## Пул тушумлари қузатиладими?

Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари «QR-online» ти-

зими орқали миқдорлардан қабул қилинган ва банк ҳисоб-варақларига кириб қилинадиган маблағларни «Telegram» тармоғидаги «@onlineqrbot» канали, миқдорнинг банк сайтидаги шахсий кабинети ҳамда



«SMS-хабарнома» хизмати орқали онлайн режимда назорат қилиб боришлари мумкин.

**Мазкур тизим мавжуд муқобил тўлов хизматларидан фарқи улроқ, халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан узвий боғлиқликда ишлайди.**

## Бунга зарурат бормиди?

Ҳозирда пойтахтимиздаги тижорат ташкилотларига уч мингдан ортиқ QR-коди бор

## ЎҚИНГ, БУ — ҚИЗИҚ!

### QR-КОДИ ЎЗИ НИМА?

QR-коди дастлаб Япония автотомобил саноати учун ишлаб чиқилган. Бунда маълумотларни самарали сақлаш учун рақамли, ҳарфли, иккилик стандартлаштирилган кодлаш режимидан фойдаланилади. Унинг таркибига махсуслотни аниқлаш, вақтни кузатиш, ҳужжатларни бошқариш ва умумий маркетинг ҳам кирилади.

QR-коди оқ фонда квадрат панжарага жойлаштирилган қора квадратлардан иборат бўлиб, у камера каби тасвири қайта ишлаш қурилмаси ёрдамида ишлайди. Унинг асосий афзаллиги — сканерлаш ускунаси билан осон ўқилади. Бу уни савдо, ишлаб чиқариш ва логистика соҳаларида ишлатиш имконини беради.

стикерлар тақдим этилган. Марказий банк йўловчи ва товарларни ташиш билан шуғулланадиган компаниялар ҳам мазкур хизматдан фойдаланишига умид билдирмоқда.

Хўш, аслида янги тўлов тизимига ўтиш зарурати бормиди? Бу аҳолига қандай қулайликлар яратади?

«QR-online» тизимининг жорий этилиши тўлов хизматлари сифатини оширади. Нақдсиз ҳисоб-китоб қилиш спектрини кенгайтиради. Тижорат банкларининг тўлов хизматлари бозоридидаги мазкур янги таклифи махсуслотларни миқдорга етказиб бериш, йўловчиларни ташиш каби соҳаларда фаоллият кўрсатувчи ташкилотларга терминалсиз

## ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

### «Анор»нинг банкка алоқаси борми?

*Сиз «Анор» тезкор тўлов тизими ҳақида эшитганмисиз? У қандай қулайликлар яратади? Бу тизим юртимизда қачондан иш бошлади?*

Гап шундаки, жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Анор» тезкор тўлов тизимини ишга туширди. Янги тизим юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида реал вақт режимда банклараро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини беради. Эътиборлиси, у 24/7 вақт давомида дам олиш ва байрам кунлари ҳам танаффуссиз ишлайди.

«Анор» тизими веб-сервислар технологияси асосига қурилган ва электрон рақамли имзо орқали фойдаланилади. Бу тизим тўловчиларга масофадан туриб банклараро тўловни амалга ошириш учун шароит яратади. Энг муҳими, банкка ташир буюришга эътиёж қолмайди ва ҳисобвараққа маблағ реал вақт режимда тушади, ундан ўша вақтнинг ўзида фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Аслида «Анор» тизими 2019 йил охирида ишлаб чиқилган. Аммо тажриба тарихида шу йилдан «Ҳамкорбанк», «Трастбанк», «Ипотек-банк» ва «Туркистон-



банк» каби тижорат банкларида синовдан ўтказилмоқда. Дастлабки натижаларга кўра, тизим орқали мингдан ортиқ қарийб 20 млрд. сўмлик тўлов амалга оширилди.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида республикамизнинг бошқа банклари ҳам босқичма-босқич «Анор» тизимига уланади.

Умуман олганда, «Анор» тезкор тўлов тизими, бу —

- 24/7 вақт режимидидаги банклараро ҳисоб-китоб;
- пул айланмасини жаладлаштириш;
- миқдорларга масофадан хизмат кўрсатишнинг янги босқичи.

**РИСОЛАТ Тайёрлади.**




# Қишлоқлар қачон интернет билан тўлиқ қамраб олинади?

ҲОЗИРДА АКСАРИЯТ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИДА МИС ТОЛАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ. ШУНИНГДЕК, МАҲАЛЛА ВА ҚИШЛОҚЛАР МАЪЛУМ ТИПЛИ ШАКЛГА КЕЛТИРИЛИШИ КЕРАК. ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ ВА СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДА УЗЛУКСИЗЛИК БЎЛИШИ ЛОЗИМ



Ўргимчак тўри», «глобал тармоқ», буюк француз башоратчиси Мишел де Нострадамус таъбири билан айтганда, «тил-симли ойна» — интернет XXI асрга келиб дунё миқёсига тезкор, кўламдор, кенг оммага мўлжалланган хизмат турлари билан тан олинган воситага айланди. Истаймизми-йўқми, ҳар биримиз кундалик иш ва ўқиш фаолиятимизда унинг имкониятларидан фойдаланамиз.



Таъбир жон бўлса, унинг кидирув нуктасини бир кеча-кундузда миллионлаб инсонлар хадди-ҳисоби бўлмаган ахборотни излаб топиш учун босса, ажаб эмас. 34 миллиондан зиёд Ўзбекистон аҳолисининг 20 миллиони ҳар куни, ҳар лаҳзада интернет тармоғига қиради, ўзи учун кераклик ахборотни излаб топади. Бу ракам 4 йил мукаддам, яъни 2016 йилда 12,1 миллионни, 2017 йилда эса 14,7 миллионни ташкил қилган.

Айни пайтда хизмат турларида симли ва мобил интернет имкониятлари тўлиқ оммалашиб улгурди. Бу аҳоли сонига нисбатан ҳисобланганда, 59 фоизни ташкил этмоқда. Интернетни ўз ҳамроҳига айлантираётганлар сони кундан-кунга ортиб бораётган. Эндилкида тезкор, қулай, сифатли интернет хизматини назорат қилиб, мувофиқлаштириб бориш, дунёнинг ривожланган давлатлари таърибасини Ўзбекистонда қўллаш, истиқболли лойиҳаларни синаб кўриш «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси зиммасидаги муҳим вазифадир.

## Мис тола ўрнини оптик тола эгаллайдими?

Айни пайтда «Ўзбектелеком» АК томонидан бутун Ўзбекистон бўйлаб барча телекоммуникация хизмати турлари замонавий технологиялар ёрдамида тақдим этилмоқда. Тасаввур қилинг, глобал тармоқдаги энг сўнгги янгиликлар ўз-ўзидан компьютер ёки мобил телефонда пайдо бўлиб қолмайди. Бунинг учун ўзинга хос инфратузилма шакллантирилган бўлиши керак.

— Интернет хизматларини жасрий этишда аксарият мамлакатларда оптик толали алоқа линияларидан фойдаланилган, — дейди «Ўзбектелеком» АК реклама ва жамоат-

чилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Алишер Хидоятмов. — Шу йил бошидан бери республикамиз бўйича қарийб 3,5 минг километрдан кўпроқ масофада оптик толали алоқа линияси қурилади. Яқин йиллар ичида 1 миллиондан зиёд оптик толали алоқа портларини ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бу лойиҳалар даставвал мактабгача таълим, умумтаълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилади. Айтиши жоизки, республикамиз аҳолисининг бир қисми ҳали-ҳануз мис толали алоқа линияси, яъни xDSL технологияси асосида телекоммуникация хизматида фойдаланмоқда. Бора-бора бутун республика бўйлаб оптик толали алоқа линиясидан фойдаланишга ўтилади.

Сўнгги йилларда юртимизда интернет тезлиги бир неча баробарга, хусусан, 10 баробарга оширилгани айтилган. Бироқ ҳамма ҳам интернет сифати ва тезлиги аввалгига қараганда ўзгарганини сезмади. Хўш, бунга нима сабаб бўлмоқда?

А.Хидоятмовнинг қайд этишича, тезликдаги ўзгаришни сезиш учун абонент янги тариф режаларидан хабардор бўлиши ва уланиши керак. Аммо тўғриси айтганда, бу тезкорликдан фақат пойтахтимиз аҳолиси манфаатдор бўлмоқда. Вилоят ва туманларда эса ҳамон эски телекоммуникация тармоқларидан фойдаланилаётгани боис интернет хизмати сифати паст. Шунингдек, абонентларнинг паст тезликдаги, трафик миқдори чегараланган тариф режаларидан фойдаланиши ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Демак, тариф режаларини арзонлаштиришга зарурат бор. Айни жиҳатдан компания маъмурияти ҳозирда ўз абонентларига нархи қиммат бўлмаган, аммо тезкор тариф режаларини ишлаб чиқиш устида бош қотирмоқда.

## «Интернет хизматини маҳаллийлаштириш» нима дегани?

Дунё миқёсидagi интернет хизматларини маҳаллийлаштириш эвазига имкониятларни янада кенгайтириб бориш зарур. Шу ўринда: «Интернет дунё миқёсидagi тармоқ бўлса, у қандай маҳаллийлаштирилади?», деган савол туғилади. Қайд этиши керак, тармоқда давлатлараро миқёсда барча фойдаланувчиларга тавсия қилинаётган минглаб хизмат турлари мавжуд. Бирор хизмат турини маҳаллийлаштириш ушбу хизматнинг контентни етказиб бериш тармоғини яқин масофада жойлаштиришдир.

— Контентни етказиб бериш тармоғи (CDN) фойдаланувчининг географик жойлашувига қараб, веб-саҳифа ва бошқа контентни тақдим этиши мумкин, — дейди Алишер Хидоятмов. — Бошқача айтганда, бу узок фойдаланувчи томонидан талаб қилинган маълумотларга жавоб бериш учун сервер томонидан қабул қилинган вақтни қисқарттиришга ёрдам беради. Одатда фойдаланувчи ўз яшаш манзилига қараб, энг яқин серверда сақланган статик контентни ушлайди. Маълумотлар бўйлаб саёҳат қилинган масофа пасайганда, етказиб бериш вақти (ёки юклаш тезлиги) яхшиланади.

Мисол учун, сиз Хиндистоннинг Мумбай шаҳрида жойлашган веб-сайтга киришингиз мумкин. Ушбу сайтни интернетга жойлаштирадиган асосий сервер Эса Лондонда жойлашган. Жуда катта оралиқ масофани ҳисобга олсак, веб-сайтни юклаш учун кўп вақт талаб этилади. Бирок агар сайт CDNдан фойдаланаётган бўлса, у сизни яқин серверга улайди, бу эса, ўз навбатида, контентни асл сервердан олиш имкониятини тугдиради.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекис-

тоннинг барча оператор ва провайдерларига абонент учун янада арзон ва тезкор таклифларни тақдим этиш имконини беради. Шунини таъкидлаш жоизки, белгиланган нархлар халқаро пакетли коммутация маркази орқали жаҳон интернет-канал хизматлари нархидан сезиларли даражада, яъни 2-3 баравар паст. Бу оператор ва провайдерларга ўз абонентларига дунё миқёсидagi энг намунали хизматни тақдим этиш имконини беради.

## Тизимдаги муаммолар қачон ечимини топади?

«Ookla» компаниясининг «Speedtest.net» сервис 2020 йил январь ойи натижаларига кўра янги маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, «Speedtest Global Index» мобил ва симли алоқа интернет тезлиги рейтинг буйича Ўзбекистон умумий рейтингда 104-поғонани эгаллаб, 2019 йил январь ҳолатига нисбатан 15 позицияга кўтарилди.

Масъулларнинг айтишича, бу маъмур давр буйича бутун дунёда энг юқори ўсиш бўлди. Бирок бу кўрсаткич кўрсаткич дегани эмас. Абонентларга юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконини яратиш учун кенг қўламли ишлар олиб бориладими, Шундай бўлса-да, хали вилоят ва туманлар аҳолисинга бундай хизматларни тақдим этишининг намунали имконияти яратилмаган. Бунга, аввало, замонавий технологиялар, яъни оптик толали алоқа линиялари мавжуд эмаслиги асосий сабабдир. Бу муаммо босқичма-босқич бартараф этилади.

«Ўзбектелеком» АКнинг Хоразм вилояти филиали тасарруфидан 124 та автомат-телефон станцияси мавжуд. 2019 йил якунига кўра, кенг полосали портлар сифими 55,6 мингтага етказилди. Хизмат сифати

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2020 йилги Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда қарийб 800 мингта кенг полосали интернет порти яратилиб, 12 минг км.га оптик толали алоқа линиялари ётқизилади.

йилдан-йилга яхшиланиб бораётган бўлса-да, интернет хизматидан фойдаланувчилар эҳтиёжи, талаб ва истаклари тўлиқ қондирилмаяпти.

— 2019 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида вилоят аҳолисини сифатли ва юқори тезликдаги интернет, IP-TV хизматларини кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланди, — дейди «Ўзбектелеком» АК Хоразм филиали директорининг тижорат масалалари бўйича ўринбосари Хурсандбек Латипов. — Шунингдек, Хива шаҳридаги темир йўл вокзали, Урганч халқаро аэропорти, «Ичан-қалъа» музейига оптик толали алоқа линиялари ўрнатилиб, Wi-Fi зонаси очилди. 82 та боғча, 116 та мактаб ва 58 та шифохона учун 610 км.дан зиёд масофада оптик толали алоқа линияси тортилди. Аммо воҳа аҳолисининг юқори тезликдаги интернет хизматларидан баҳраманд бўлишига ҳалал бераётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳали аксарият алоқа линияларимизда мис толасидан фойдаланялмиз. Шунингдек, маҳалла ва қишлоқлар маълум типли шаклга келтирилиши керак. Интернет тезлиги ва сифатини таъминлайдиган электр энергиясида узлуksизлик бўлиши лозим.

\*\*\*

Ҳаётимиз кун сайин глобаллашиб бормоқда. Бугунги англик орадан бир ой ўтди, бошқасига «ўрин» бўшатиб беради. Ахборот асрида ҳамма нарса тезкор, шиддаткор. Бинобарин, интернет хизматларини ривожлантиришга юртимиз аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини қоплаш мумкин бўлади.

Хулқар ҚУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

# QR тезкор тўлов тизими қандай ишлайди?

ТИЗИМ АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ БАРОБАРИДА ВАҚТНИ ҲАМ ТЕЖАЙДИ, ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

**А**вваллари хориж фильмларида кўриб, ҳавас қилган онлайн ҳисоб-китобларга бугун ҳаётимизда гувоҳ бўляпмиз. Қизиғи, бу ривожланиш бир нуқтада тўхтаб қолмаяпти. Ривожланиш ва янгиликлар шунчалик тез содир бўляптики, баъзида уларни англаб етишга-да шошиб қоляпти киши.

Очингани айтиш керак, бугун ҳаммамиз интернетга боғланиб қолганмиз. Техник носозлик кузатилса ёки ҳисобимиз ўчиб қолса, кун бўйи таъбимиз хира бўлиб юриши ҳам рост. Аслида, технологиялар тараққий этган даврда бундай жараёнларнинг кузатилиши табиий. Аммо ҳар нарсада меъёр бўлгани яхши. Мамлакатимиз аҳолисининг интернетдан фойдаланиш доираси кенгаймоқда. Бу шунга мос равишда замонавий

хизмат турларини кенг жорий этишни тақозо қилади.

Ўзбекистонда ана шундай яна бир янгилик — бир зумда тўлов ўтказадиган QR («Quick Response Code» — тезкор аниқланадиган код) тезкор тўловни амалга оширишнинг «QR-online» стандартлаштирилган ва универсал хизмати ишга туширилди. У Марказий банк ва тижорат банклари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Тизим орқали савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўзига хизмат кўрсатадиган банклар орқали QR-кодни рўйхатдан ўтказди. Харидорлар эса пластик картаси ёнида бўлмаган вақтида ҳам мобил илова ёрдамида харидни амалга ошира олади.



**ПУЛ БАНК КАРТАСИДАН ЁКИ ИЛОВАГА БИРИКТИРИЛГАН ЭЛЕКТРОН ҲАМЁНДАН ЕЧИБ ОЛИНАДИ. УШБУ ХИЗМАТ ПЛАСТИК КАРТА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, УНДАН ДУНЁНИНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРИДА КЕНГ ФОЙДАЛАНИБ КЕЛИНМОҚДА.**

тиш шохобчалари ўзига хизмат кўрсатадиган банклар орқали QR-кодни рўйхатдан ўтказди. Харидорлар эса пластик картаси ёнида бўлмаган вақтида ҳам мобил илова ёрдамида харидни амалга ошира олади.

## «QR-online» хизмати қандай ишлайди?

Янги сервис QR-коди орқали товар ва хизматларга тўлов ўтказиш имконини беради. Лойихада иштирок этадиган ташкилот QR-коднинг ўзи бириктирилган банк рўйхатидан ўтказиб, уларни миқдорга хизмат кўрсатиш жойларида ёпиштиригич (наклейка) кўришида жойлаштиради.

Харидорлар куйдагича тўловни амалга оширади: тўловни жорий этган банк иловасига кириб, QR-коди тўловини танлайди ва ёпиштиригич коднинг сканер қилади. Сўнг илова товар ёки хизматга тўлов ўтказишни таклиф этади. Пул банк картасидан ёки иловага бириктирилган электрон ҳамёндан ечиб олинади. Ушбу хизмат пластик карта фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган бўлиб, ундан дунёнинг ривожланган давлатларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

## Пул тушумлари қузатиладими?

Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари «QR-online» ти-

зими орқали миқдорлардан қабул қилинган ва банк ҳисоб-варақларига кириб қилинадиган маблағларни «Telegram» тармоғидаги «@onlineqrbot» канали, миқдорнинг банк сайтидаги шахсий кабинети ҳамда



«SMS-хабарнома» хизмати орқали онлайн режимида назорат қилиб боришлари мумкин.

**Мазкур тизим мавжуд муқобил тўлов хизматларидан фарқи ўлароқ, халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан узвий боғлиқликда ишлайди.**

## Бунга зарурат бормиди?

Ҳозирда пойтахтимиздаги тижорат ташкилотларига уч мингдан ортиқ QR-коди бор

## ЎҚИНГ, БУ — ҚИЗИҚ!

### QR-КОДИ ЎЗИ НИМА?

QR-коди дастлаб Япония автотомобил саноати учун ишлаб чиқилган. Бунда маълумотларнинг самарали сақлаш учун рақамли, ҳарфли, иккилик стандартлаштирилган кодлаш режимидан фойдаланилади. Унинг таркибига махсуслотли аниқлаш, вақтни кузатиш, ҳужжатларни бошқариш ва умумий маркетинг ҳам кирилади.

QR-коди оқ фонда квадрат панжарага жойлаштирилган қора квадратлардан иборат бўлиб, у камера каби тасвири қайта ишлаш қурилмаси ёрдамида ишлайди. Унинг асосий афзаллиги — сканерлаш ускунаси билан осон ўқилади. Бу уни савдо, ишлаб чиқариш ва логистика соҳаларида ишлатиш имконини беради.

стикерлар тақдим этилган. Марказий банк йўловчи ва товарларни ташиш билан шуғулланадиган компаниялар ҳам мазкур хизматдан фойдаланишига умид билдирмоқда.

Хўш, аслида янги тўлов тизимига ўтиш зарурати бормиди? Бу аҳолига қандай қулайликлар яратади?

«QR-online» тизимининг жорий этилиши тўлов хизматлари сифатини оширади. Нақдсиз ҳисоб-китоб қилиш спектрини кенгайтиради. Тижорат банкларининг тўлов хизматлари бозоридаги мазкур янги таклифи махсуслотларни миқдорга етказиб бериш, йўловчиларни ташиш каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи ташкилотларга терминалсиз

## ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

### «Анор»нинг банкка алоқаси борми?

Сиз «Анор» тезкор тўлов тизими ҳақида эшитганмисиз? У қандай қулайликлар яратади? Бу тизим юртимизда қачондан иш бошлади?

Гап шундаки, жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Анор» тезкор тўлов тизимини ишга туширди. Янги тизим юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида реал вақт режимида банклараро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини беради. Эътиборлиси, у 24/7 вақт давомида дам олиш ва байрам кунлари ҳам танаффуссиз ишлайди.

«Анор» тизими веб-сервислар технологияси асосига қурилган ва электрон рақамли имзо орқали фойдаланилади. Бу тизим тўловчиларга масофадан туриб банклараро тўловни амалга ошириш учун шароит яратади. Энг муҳими, банкка ташриф буюришга эътиёж қолмайди ва ҳисобвараққа маблағ реал вақт режимида тушади, ундан ўша вақтнинг ўзида фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Аслида «Анор» тизими 2019 йил охирида ишлаб чиқилган. Аммо тажриба тарикасида шу йилдан «Хамкорбанк», «Трастбанк», «Ипотека-банк» ва «Туркистон-



банк» каби тижорат банкларида синовдан ўтказилмоқда. Дастлабки натижаларга кўра, тизим орқали мингдан ортиқ қарийб 20 млрд. сўмлик тўлов амалга оширилди.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида республикамизнинг бошқа банклари ҳам босқичма-босқич «Анор» тизимига уланади.

Умуман олганда, «Анор» тезкор тўлов тизими, бу —

- ▶ 24/7 вақт режимидаги банклараро ҳисоб-китоб;
- ▶ пул айланмасини жаладлаштириш;
- ▶ миқдорларга масофадан хизмат кўрсатишнинг янги босқичи.


РИСОЛАТ Тайёрлади.

# Қишлоқлар қачон интернет билан тўлиқ қамраб олинади?

ҲОЗИРДА АКСАРИЯТ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИДА МИС ТОЛАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ. ШУНИНГДЕК, МАҲАЛЛА ВА ҚИШЛОҚЛАР МАЪЛУМ ТИПЛИ ШАКЛГА КЕЛТИРИЛИШИ КЕРАК. ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ ВА СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДА УЗЛУКСИЗЛИК БЎЛИШИ ЛОЗИМ



**Ўргимчак тўри», «глобал тармоқ», буюқ француз башоратчиси Мишел де Нострадамус таъбири билан айтганда, «тил-симли ойна» – интернет XXI асрга келиб дунё микёсида тезкор, кўламдор, кенг оммага мўлжалланган хизмат турлари билан тан олинган воситага айланди. Истаймизми-йўқми, ҳар биримиз қундалиқ иш ва ўқиш фаолиятимизда унинг имкониятларидан фойдаланамиз.**



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

2020 йилги Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда қарийб 800 мингга кенг полсалани интернет порти яратилиб, 12 минг км.га оптик толали алоқа линиялари ётқизилади.

Таъбир жон бўлса, унинг кидирув нуктасини бир кечакундузда миллионлаб инсонлар ҳадди-ҳисоби бўлмаган ахборотни излаб топиш учун босса, ажаб эмас. 34 миллиондан зиёд Ўзбекистон аҳолисининг 20 миллиони ҳар кун, ҳар лаҳзада интернет тармоғига қиради, ўзи учун керакли ахборотни излаб топади. Бу рақам 4 йил муқаддам, яъни 2016 йилда 12,1 миллионни, 2017 йилда эса 14,7 миллионни ташкил қилган.

Айни пайтда хизмат турларида симли ва мобил интернет имкониятлари тўлиқ оммалаштирилди. Бу аҳоли сонига нисбатан ҳисобланганда, 59 фоизни ташкил этмоқда. Интернетни ўз ҳамроҳига айлантираётганлар сони кундан-кунга ортиб бораётган. Эндиликда тезкор, қулай, сифатли интернет хизматини назорат қилиб, мувофиқлаштириб бориш, дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш, истиқболли лойиҳаларни синаб кўриш «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси зиммасидаги муҳим вазифадир.

### Мис тола ўрнини оптик тола эгаллайдими?

Айни пайтда «Ўзбектелеком» АК томонидан бутун Ўзбекистон бўйлаб барча телекоммуникация хизмати турлари замонавий технологиялар ёрдамида тақдим этилмоқда. Тасаввур қилинг, глобал тармоқдаги энг сўнгги янгилликлар ўз-ўзидан компьютер ёки мобил телефонда пайдо бўлиб қолмайди. Бунинг учун ўзига хос инфратузилма шакллантирилган бўлиши керак.

— Интернет хизматларини жорий этишда аксарият мамлакатларда оптик толали алоқа линияларидан фойдаланилган. — дейди «Ўзбектелеком» АК реклама ва маъмурият

чилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Алишер Хидоятлов. — Шу йил бошидан бери республикамиз бўйича қарийб 3,5 минг километрдан кўпроқ масофада оптик толали алоқа линияси қурилди. Яқин йиллар ичида 1 миллиондан зиёд оптик толали алоқа портларини ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бу лойиҳалар даставвал мактабгача таълим, умумтаълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилади. Айтиши жоизки, республикамиз аҳолисининг бир қисми ҳали-ҳануз мис толали алоқа линияси, яъни xDSL технологияси асосида телекоммуникация хизматидан фойдаланмоқда. Бора-бора бутун республика бўйлаб оптик толали алоқа линиясидан фойдаланишига ўтилади.

Сўнгги йилларда юртимизда интернет тезлиги бир неча баробарга, хусусан, 10 баробарга оширилгани айтилган. Бироқ ҳамма ҳам интернет сифати ва тезлиги аввалгига караганда ўзгарганини сезмади. Хўш, бунга нима сабаб бўлмоқда?

А.Хидоятловнинг қайд этишича, тезликдаги ўзгаришни сезиш учун абонент янги тариф режаларидан хабардор бўлиши ва уланиши керак. Аммо тўғриси айтганда, бу тезкорликдан факат пойтахтимиз аҳолиси манфаатдор бўлмоқда. Вилоят ва туманларда эса ҳамон эски телекоммуникация тармоқларидан фойдаланилаётгани боис интернет хизмати сифати паст. Шунингдек, абонентларнинг паст тезликдаги, трафик миқдори чегараланган тариф режаларидан фойдаланиши ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Демак, тариф режаларини арзонлаштиришга зарурат бор. Айни жиҳатдан компания маъмурияти ҳозирда ўз абонентларига нархи киммат бўлмаган, аммо тезкор тариф режаларини ишлаб чиқиш устида бош қотирмоқда.

### «Интернет хизматини маҳаллийлаштириш» нима дегани?

Дунё микёсидаги интернет хизматларини маҳаллийлаштириш эвазига имкониятларини янада кенгайтириб бориш зарур. Шу ўринда: «Интернет дунё микёсидаги тармоқ бўлса, у қандай маҳаллийлаштирилади?» деган савол туғилади. Қайд этиш керак, тармоқда давлатлараро микёсда барча фойдаланувчиларга тавсия қилинаётган минглаб хизмат турлари мавжуд. Бирор хизмат турини маҳаллийлаштириш ушбу хизматнинг контентни етказиб бериш тармоғини акин масофада жойлаштиришдир.

— Контентни етказиб бериш тармоғи (CDN) фойдаланувчининг географик жойлашувиغا қараб, веб-саҳифа ва бошқа контентни тақдим этиши мумкин, — дейди Алишер Хидоятлов. — Бошқача айтганда, бу узок фойдаланувчилар томонидан талаб қилинган маълумотларга жавоб бериш учун сервер томонидан қабул қилинган вақтни қисқартиришга ёрдам беради. Одатда фойдаланувчи ўз яшаш манзилсига қараб, энг яқин серверда сақланган статик контентни ушлайди. Маълумотлар бўйлаб сайёҳат қилинган масофа пасайганда, етказиб бериш вақти (ёки юклаш тезлиги) яхшиланади.

Мисол учун, сиз Хиндистоннинг Мумбай шаҳрида жойлашган веб-сайтга киришингиз мумкин. Ушбу сайтни интернетга жойлаштирадиган асосий сервер эса Лондонда жойлашган. Жуда катта оралик масофани ҳисобга олсак, веб-сайтни юклаш учун кўп вақт талаб этилади. Бироқ агар сайт CDNдан фойдаланаётган бўлса, у сизни яқин серверга улайди, бу эса, ўз навбатида, контентни асл сервердан олиш имкониятини туғдиради.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекис-

тоннинг барча оператор ва провайдерларига абонент учун янада арзон ва тезкор таклифларни тақдим этиш имконини беради. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, белгиланган нархлар халқаро пакетли коммутация маркази орқали жаҳон интернет-канал хизматлари нархидан сезиларли даражада, яъни 2-3 баравар паст. Бу оператор ва провайдерларга ўз абонентларига дунё микёсидаги энг намунали хизматни тақдим этиш имконини беради.

### Тизимдаги муаммолар қачон ечимини топади?

«Ookla» компаниясининг «Speedtest.net» сервисини 2020 йил январь ойи натижаларига кўра янги маълумотларни эълон қилди. Унга кўра, «Speedtest Global Index» мобил ва симли алоқа интернет тезлиги рейтингини бўйича Ўзбекистон умумий рейтингда 104-погонани эгаллаб, 2019 йил январь ҳолатига нисбатан 15 позицияга кўтарилди.

Масъулларнинг айтишича, бу маъмурият бўйича бутун дунёда энг юқори ўсиш бўлди. Бироқ бу қоникарли кўрсаткич дегани эмас. Абонентларга юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконини яратиш учун кенг қўламли ишлар олиб бориш керак. Шундай бўлса-да, ҳали вилоят ва туманлар аҳолисига бундай хизматларни тақдим этишнинг намунали имконияти яратилмаган. Бунга, аввало, замонавий технологиялар, яъни оптик толали алоқа линиялари мавжуд эмаслиги асосий сабабдир. Бу муаммо босқичма-босқич бартараф этилади.

«Ўзбектелеком» АКнинг Хоразм вилояти филиали тасарруфидан 124 та автомат-телефон станцияси мавжуд. 2019 йил якунига кўра, кенг полсалани портлар сигими 55,6 мингтага етказилди. Хизмат сифати

йилдан-йилга яхшиланиб бораётган бўлса-да, интернет хизматидан фойдаланувчилар эҳтиёжи, талаб ва истаклари тўлиқ қондирилмапти.

— 2019 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида вилоят аҳолисига сифатли ва юқори тезликдаги интернет, IP-TV хизматларини кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланди, — дейди «Ўзбектелеком» АК Хоразм филиали директорининг тизморот масалалари бўйича ўринбосари Хурсандбек Латипов. — Шунингдек, Хива шаҳридаги темир йўл вокзали, Урганч халқаро аэропорти, «Ичан-қалъа» музейига оптик толали алоқа линиялари ўрнатилиб, Wi-Fi зонаси очилди. 82 та боғча, 116 та мактаб ва 58 та шифохона учун 610 км.дан зиёд масофада оптик толали алоқа линияси тортишди. Аммо воқеа аҳолисининг юқори тезликдаги интернет хизматларидан баҳраманд бўлишига ҳалал бераётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳали аксарият алоқа линияларимизда мис толасидан фойдаланяпмиз. Шунингдек, маҳалла ва қишлоқлар маълум типли шаклга келтирилиши керак. Интернет тезлиги ва сифатини таъминлайдиган электр энергиясида узлуксизлик бўлиши лозим.

Ҳаётимиз кун сайин глобаллашиб бормоқда. Бугунги янгилик орадан бир ой ўтиб, бошқасига «ўрин» бўшатиб беради. Ахборот асрида ҳамма нарса тезкор, шиддаткор. Бинобарин, интернет хизматларини ривожлантирибгина юртимиз аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини қоплаш мумкин бўлади.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

# «Шахсий кабинет»да тадбиркор муаммолари ҳал этиладими?

**Б**угунги кунда ҳар бир соҳада ахборот технологияларининг улуши катта бўлмоқда. Кейинги пайтда «шахсий кабинет» атамаси кундалик ҳаётимизда кенг қўлланилмоқда. Айниқса, солиқ соҳасида «шахсий кабинет» тизими йилдан-йилга такомиллашиб бораётир. Ҳатто, бугун зиддиятли жараёнларни ҳам «шахсий кабинет» орқали ҳал этса бўлади. Бу эса тадбиркорлар учун аини муддаодир. Хўш, «шахсий кабинет»да қандай қилиб муаммони тез ва осон ҳал этиш мумкин? Бу хусусда мутахассисларга юзландик.



уларни белгиланган жойга бириктиради ва тегишлилиги бўйича ҳудудий иктисодий судга юборди.

Юридик шахс даъво аризасини жавобгар ҳамда иктисодий судга электрон шаклда йўллашининг афзалликлари кўп ва уларнинг ҳар бири муҳим. Аввало, даъво аризаларини иктисодий судга бориб топширишга ҳоҷат қолмайди. «Шахсий кабинет» орқали юборилаётган даъво аризалари электрон рақамли имзо калити билан тасдиқланади ва ҳужжат тўлиқ ҳимояланган бўлади. Яъни маълумотлар ишончлилиги ва ҳавфсизлиги кафолатланади. Юборилган аризанинг ҳар бир босқичдаги ҳолатини «шахсий кабинет» орқали кузатиб бориш мумкин.

Муҳими, буларнинг бари бир нуктада — солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали исталган вақт ва манзилда тезкор, аниқ тарзда амалга ошади. Иктисодий суд қотибияти ке-

## Янгиланган «шахсий кабинет» ишга туширилади

— Юртимизда 2019 йил 1 январдан бошлаб, ҳар бир солиқ тўловчига «шахсий кабинет» тизими йўлга қўйилган. — дейди Давлат солиқ қўмитасининг инспектори Зулфия Худойбергенова. — Бу дегани барча тадбиркорлик субъекти, юридик шахсларга солиқ хизматлари аини шу кабинет орқали кўрсатилади. Барча масалаларни электрон шаклда ҳал этишга мўлжалланган юридик ва жисмоний шахсларнинг «шахсий кабинет»лари янада қўлай кўринишида бўлиб, яқна тартибдаси тадбиркорлар учун алоҳида «шахсий кабинет» жорий этилган. Солиқ тўловчининг «шахсий кабинети» Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтга жойлаштирилган, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амал-

га оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарзда амалга оширишни таъминлайдиган ахборот ресурсидир. Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги «шахсий кабинети» орқали унинг ёзма аризаси, шу жумладан ахборот тизими орқали юборилган электрон шаклдаги аризаси асосида амалга оширилади.

Жорий йилнинг ўртасидан янгиланган «шахсий кабинет» ишга туширилади. Дизайни ўзгаради ва тақдим этиладиган хизматлар рўйхати қайта кўриб чиқилади. Бу ерда ортинча ҳеч нарса бўлмайди, фақат солиқ тўловчига унинг шахсга доир маълумотлари билан ишлаш имконини берадиган сервислар бўлади. Ҳисобот жўнатиш, шахсий карточка, таққослаш далолатномасини кўриб чиқиш, солиқларни тўлаш, электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш мумкин. Шунингдек, солиқ органларига

бизнес билан боғлиқ аризаларни ҳам бериш мумкин бўлади. Масалан, ортинча тўланган солиқларни қайтариш ёки ҳисобга олиш бўйича аризаларни, назорат-касса машинасини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ва бошқа турдаги аризаларни жўнатиш имконияти киритилмоқда.

## Судга мурожаат қилиш мумкин

— Ҳеч бир тадбиркор иш жараёнида муаммо ёки низога дуч келишдан қафолатланган эмас, — дейди «Янги технологиялар» илмий-ахборот марказининг бош юристконсулти Замир Рўзиев. — Баъзан чигал вазиятни оқилона ва одилона ҳал этиш судгача етиб бориш мумкин. Бундай пайтларда зарур ҳужжатларни судга тақдим этишнинг ўзиёқ унча-мунча саъй-ҳаракатни талаб этади. Натижада вақт йўқотилади, кези келганда овор-раво сарсон бўлиш ҳам мумкин. Бундан буён тадбиркорлик субъектларини бу таъвиш ортинч қўйишмайди. Эндилек-да улар ўзининг бузилган ёки

низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланган манфаатларини ҳимоя қилиш учун идорадан чиқмай туриб, иқтисодий судга тез ва осон мурожаат қила олади. Президентимизнинг 2019 йил 20 ноябрдаги «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори-

**«ШАХСИЙ КАБИНЕТ» ОРҚАЛИ ЮБОРИЛАЁТГАН ДАЪВО АРИЗАЛАРИ ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО КАЛИТИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ ВА ҲУЖЖАТ ТЎЛИҚ ҲИМОЯЛАНГАН БЎЛАДИ. ЯЪНИ, МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ ВА ҲАВФСИЗЛИГИ КАФОЛАТЛАНАДИ.**

га мувофиқ, ана шундай муҳим янгилик ва енгилик яратилган. Аниқроқ айтганда буни, жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб, юридик шахслар даъво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юбориш имконига эга бўлди.

## Даъво аризаси қандай юборилади?

Бунинг учун юридик шахс солиқ тўловчи «шахсий кабинет»идаги даъво аризаларини судга юбориш бўлимига кириб, даъво аризасининг рақами, санаси ва суммасини киритади. Тегишли кимс юридик шахснинг СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами) билан тўлдирилган, тадбиркорлик субъектининг манзили, телефон рақами ва шу каби бошқа муҳим маълумотлар экранда автоматик тарзда пайдо бўлади. Жавобгарга тааллуқли бўлимлар ҳам шу сингари зарур маълумотлар билан тўлдирилади. Шундан сўнг мурожаатчи даъво аризаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни сканер қилиб,

либ тушган аризаларни қўлай, осон ва сифатли рўйхатга олиш имконига эга бўлади. Булар эса вақтни тежайди, харажатларни қисқартиради. Қолаверса, қорғозликни бартараф этади, бюрократиянинг олди олинади.

## Хулоса ўрнида

Бундай ижобий ўзгаришлар, ўз навбатида, бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бора-сидаги ислохотлар ривожига хисса қўшади.

Шунингдек, бугунги кунда судларнинг иш юритиши замонавий ахборот технологиялари орқали амалга оширилиши замон талабларидан бирдир. Фақат шу йўл орқали эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган тўсиқ ва ғовларга барҳам беришга эришамиз. Зеро, тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашнинг зарур ва шарт. Бу бизга юқалишининг энг кыска йўлидан бориш имкониятини беради.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

### «СОЛИҚЛАРНИ АҚЛЛИ ЙИҒИШ ТИЗИМИ» ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Бугунги кунда «Солиқларни ақлли йиғиш тизими», яъни «САЙТ» дастури ўрнатилган терминал қурилмаси амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур лойиҳанинг мақсадлари солиқ тушумларини таъминлашда инспектор фаолиятини автоматлаштириш, солиқ тушумлари бўйича нақд пул маблағларининг банкка ўз вақтида тушишини таъминлаш ва реал вақт режимда ихтиёрий дислокацияда қарздор мижозларни аниқлашдан иборат. «САЙТ» терминал қурилмаси орқали маълумотлар базасидаги жисмоний шахсларнинг барча солиқ тўловлари тўғрисидаги ахборотлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти мавжуд.

«САЙТ» терминал қурилмаси орқали бир неча имкониятлар яратилади. Биринчидан, солиқ инспекторининг бириктирилган ҳудудида кун давомида амалга оширилган ишлари электрон назорат қилиб борилади. Иккинчидан, Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ҳисоби олиб борилади. Дастурнинг яна бир афзаллиқ жиҳатлари Давлат солиқ инспекцияси инспектори фаолиятини масофадан назорат қилиш ва кунлик амалга оширилган ишлар назорат қилиб борилади. Навигация тизими орқали эса солиқ тўловчининг манзилини аниқлаш мумкин.

Ҳозирда «САЙТ» терминал қурилмаси биринчи босқичда Наманган вилоятида тажриба тариқасида синовдан ўтказилмоқда. Натижадорлигига қараб, босқичма-босқич республикамизнинг барча ҳудудларида жорий этилиши режалаштирилган.

Темир йўлда электрон чипталарни текшириш ускуналарини қўллаш бошланди.

«Avast» компанияси мутахассисларининг қайд этишича, «Android» тизими учун ишлаб чиқилган тунчирок (фонарик) жосуслик қилиши мумкин экан. Яъни илова ўзининг фаолияти учун зарур бўлмаган функциялар учун ҳам рухсат сўрайди. Айни шу жиҳат сабаб улар шахсий маълумотларни «керакли жойга» юбораётган бўлиши мумкин экан.



ДАРВОКЕ...

Киберхавфсизлик мутахассисларининг қайд этишича, ҳакерлар коронавирус офатидан ҳам фойдаланиб қолиш йўлини ўйлаб топибди. Улар гўёки коронавирус инфекциялари ва улардан ҳимояланиш чоралари ҳақидаги қўлланма кўринишида тайёрланган файлга компьютер вирусини жойлаб тарқатмоқда.

Бундай файллар «Microsoft Word» ёки «PDF» форматли ҳужжат ёхуд MP4-видео кўринишида ниқобланган. Номига қараб файлни чиндан ҳам бу вирусдан ҳимояланиш қўлланмаси, деб ўйлаш мумкин. Аммо унинг ичига «Emotet» туркумидаги зиёнкор кодлар яширилган бўлиб, улар компьютер устидан ҳукмронликни тўла ўз қўлига олади. Кейин эса фойдаланувчининг ундаги шахсий маълумотлари, логин-пароллари, браузер тарихи, махфий ҳужжатлари ва ҳоказоларни ҳакерларга жўнатади.

Ҳозиргача бир неча мингта компьютер шу турдаги киберхужумга учраган, илк қурбонлар эса Япониянинг Гифу, Осака ва Тоттори шаҳарларида аниқланган.

«Коронавирус аллақачон кибержиноятчилар учун «хўрак»га айланиб бўлди, — дейди «Касперский лабораторияси» таҳлилчиси Антон Иванов. — Шу кунгача биз у билан боғлиқ бўлган 10 хил файлга дуч келдик, аммо улар янада кўпайиши мумкин».

# Кибертаҳдидларга қанчалик тайёрмиз?

2019 йил давомида АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ МИЛЛИЙ СЕГМЕНТ ВЕБ-САҲИФАЛАРИДА 268 ТА ҲОДИСА, 816 ТА ҲИМОЯЛАНМАГАНЛИК ВА 132 МИНГТА КИБЕРХАВФСИЗЛИК ТАҲДИДЛАРИ АНИҚЛАНГАН

Очиги, бугунги рақамли технологиялар ривожланган бир пайтда бундай ҳолатларни табиий қабул қилишга кўникиб ҳам қолдик. Лекин масаланинг яна бир қизик ва айни дамда кишини ўйлантирадиган жиҳати бор — бу жараён мамлакат ривожини учун хавф туғдирмайдими?

## Давлат дастурида қандай вазифалар белгиланган?

Сир эмас, бугун барча соҳада рақамли технологияларни кенг жорий этишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, коммунал тўловларни уйимиздан чиқмасдан тўлаш имкони бор. Барча банкларнинг мобил иловаси эса ҳисобимиздаги маблағини бошқаришда қўл келяпти. Эндиликда электрон тизим давлат бошқарувида ҳам татбиқ этилмоқда. Барча соҳага рақамли технологияларнинг жорий этилиши қанчалик хавфсиз? Кибер таҳдидларга тайёрмизми?

— АКТнинг амалиётга кенг жалб қилиниши ва улардан самарали фойдаланиш интернет тармоғидаги миллий сегментнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, — дейди «Киберхавфсизлик маркази» ДУК бошқарма бошлиги Шарифжон Ғофуров. — Айни пайтда давлат органлари ва саноатнинг бутун бошли тармоқларида катта зарар етказиши мумкин бўлган кибержиноятларнинг ривожланиши хавфи кучаяди. Шу боис мамлакатимизда киберхавфсизлигини таъминлаш ривожланаётган IT-тармоқ учун биринчи даражаси аҳамиятга эга. Бунда киберхавфсизлигини давлат даражасида таъминлаш вазифалари ва муаммоларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ишларни амалга оширишда эса «Киберхавфсизлик маркази» ДУК аниқ режа асосида иш кўради.

Жумладан, жорий йилги Давлат дастурида 2020-2023 йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир

миллий стратегия белгилаб берилди. Шунингдек, ҳужжатда «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам назарда тутилган. Унга кўра, икки ой муддатда Ягона реестр ва рўйхатларни шакллантириш ҳамда юритиш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши зарур.

Бунда реестр ва рўйхатларнинг долзарб версияларини «Электрон ҳукумат» тизимида тақдим этиш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари кўрсатиб ўтилиши белгилаб берилган. Бундан кўринадики, соҳага масъул бўлган органлар иштротида ишлаб чиқилаётган Низом келгусида киберхавфсизлигини сақлашда ўзаро ҳамкорликда иш кўришга замин яратилади.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиб ўтиш керак. Мамлакат АКТни соҳаларга кенг жорий этаётганида очиклик тарафлари ҳам бўлиши керак. Яъни зарур бўлган ахборотларни олиш имкони асоссиз равишда чекланишига йўл қўймаслиги шарт. Шу боис илм ва маърифат, ахборот технологиялари, меҳнат муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш имконияти асоссиз равишда чекланишига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда, 2020 йил 1 сентябрга қадар давлат сирини деб ҳисобланган маълумотлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш чоралари кўрилади. Бу кўрсатма ижросини таъминлаш учун кейинчалик айрим махфий маълумотлардан очик фойдаланиш имкони берилди.

## Бизга ҳам киберхужумлар бўлганми?

— 2019 йил давомида ахборот тизимлари ва интернет тармоғидаги миллий сегмент веб-саҳифаларида 268 та ҳодиса, 816 та ҳимояланмаганлик ва 132 мингта киберхавфсизлик таҳдид-

лари аниқланган, — дейди Ш.Ғофуров. — Бунда 268 та ҳодисадан 222 таси контентни санкцияланмаган ҳолда юклаб олиш, 45 таси — дефейс ва биттаси яширин майнингга тааллуқли. Аниқланган ҳодисаларнинг 27 таси давлат органлари веб-саҳифаларини бузиб кириш ва уларга қаратилган хужумларни ташкил этади. Ўтган икки йилда олиб бориладиган қиёсий таҳлил ижобий тенденция кузатилгани, аниқроғи, бундай ҳодисалар 44 фоизга камайганини кўрсатади.

Ана шу статистик маълумотлар шароитида контентни санкцияланмаган ҳолда юклаб олиш хавфи аввалгидек долзарблигича қолмоқда. Бунга таҳдиднинг янги тури — яширин майнингнинг пайдо бўлиши ёрдам беради. Ўтган йили давлат органларига қарши қаратилган шу каби кибержиноятлар сони ортгани қайд этилган. Шу ўринда давлат органлари ўз веб-саҳифаларига қилинган хужумлар ва бузиб киришлар ҳақида хаминша ҳам хабар қилмаслиги ёки уларнинг серверида майнинг учун дастурлар ўрнатилганини аниқлай олмаслигини қайд этиш жоиз. Бу ушбу маълумотлар ишончсизлигига олиб келади.

## Семинарлар фақат маълумот беришдан иборат бўлмаяпти

Хар бир соҳада қонуний асос бўлиши шарт. Аммо қонунларнинг ўзи билангина иш битмаслиги юқоридаги маълумотларда ҳам кўриниб турибди. Хўш, бу борада «Киберхавфсизлик маркази» ДУК қандай ишларни бажаради?

— «Киберхавфсизлик маркази» ДУК доимий равишда идора ва ташкилотларнинг АКТ соҳасидаги хавфсизлигини таъминлаш борасида техник ишларни амалга ошириб, масъул шахсларга керакли кўрсатмаларни бериб боради, — дейди Ш.Ғофуров. — Айтиш керак, киберхужумлар доим ҳушёр туришини

талаб қилади. Шу боис доимий равишда Ахборот ва киберхавфсизлик ҳолатини мониторинг қилиш тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув-семинарлари ўтказиб келиняпти.

Ушбу тизимнинг асосий мақсади — давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ахборот ва киберхавфсизлик ҳолати бўйича тезкор маълумот олиш, маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда ахборот ва киберхавфсизлик ҳолати самарадорлигини рейтинг баҳолашдир. Ўқув-семинарларида Марказ ходимлари муассасалардаги масъулларга тизимнинг ишлаш принципи, функционал имкониятлари бўйича тушунтиришлар бериб келмоқда. Таъкидлаш керак, бундай семинар ва давра суҳбатлари фақат маълумот беришдангина иборат бўлмайди. Соҳа мутахассислари томонидан киберхужумлар ва улардан ҳимояланиш бўйича амалий тажриба ва мастер-класслар ҳам ўтилади.

Давлат дастури асосида амалга ошириладиган ишлар соҳанинг келгуси истиқболдан дарак беради. Уни қандай амалга ошириш, ҳаётга тўла татбиқ этиш эса нафақат масъул идораларнинг, балки АКТ жорий этилган хар бир соҳа вакилининг ҳам муҳим вазифасига айланиши зарур. Шундангина «аккли» жиноятчилар хужумидан узоқ бўламыз.

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ  
«Mahalla»

Қўшни давлатлардан ўқишни кўчириш натижасини онлайн билиш мумкин бўлди.

# «РАҚАМЛИ ТОШКЕНТ» — у қандай бўлади?

Рақамли иқтисодиёт, рақамли имзо, рақамли банк, рақамли технологиялар ва рақамли Тошкент... Жорий йил энг кўп тилга олинаётган «рақамли» сўзида қандай каромат борки, кўп ва кўп ишлатилмоқда? Аҳоли орасида эса уларга турлича муносабатлар бор: «Рақамли иқтисодиёт, имзо технологиялар ҳақида эшитгандик. Энди рақамли Тошкент ҳам чиқибди», «Буни энди нима экан?», «Тиниб-тинчимагам одамлар нималарни ўйлаб топшимайди-я?»

БУГУН ОДАМЛАРНИ ҲАЙРАТЛАНТИРИШ МУШКУЛ. БОИСИ КУНДА ЯНГИЛИК, ҲАР СОАТДА ЎЗГАРИШЛАР. АСЛИДА, ИНСОНГА КЎП НАРСА КЕРАК ЭМАС, У УЧУН ҚУЛАЙ ЯШАШ ВА АДОЛАТЛИ МЕХНАТ ШАРОИТИ БЎЛСА, КИФОЯ. БИРОҚ ҲАЁТ ШУ ЭКАН-ДА, ДЕЯ ЗАМОНДАН ОРТДА ҚОЛИШ ҲАМ ЯРАМАЙДИ

Хуллас, у кулукдан бу кулукка айтилган гаплар, берилган саволлар бизни ҳам бефарқ қолдирмади. Одамларнинг гапида ҳам жон бор: рақамли Тошкент — у қандай бўлади? Бу янгилик марказий кўчалардаги тирбандликлар, шаҳар ички йўлларидagi «ямалар», чиқиндилар билан тўлган бекатлар ва шу каби пойтахт хуснини «безаётган» муаммоларни ҳал қиладими?

## Лойиҳа қандай мақсадларни кўзлаган?

Кейинги йилларда дунёда «рақамли шаҳар» концепцияси оммашароҳда. Юртимизда ҳам «рақамли Тошкент» тизимини жорий этиш, уни икки йил давомида синовдан ўтказиб, бошқа ҳудудларга тайёр дастурий таъминотларни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Янги лойиҳа доирасида ҳаётга татбиқ этилган «Тиббиёт муассасалари паспорти», «UzTrans», туристлар ҳисобини юритиш бўйича «E-Mehmon» ва бошқа ахборот тизимлари юртимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларига қанчалик қулайлик яратди. Шунингдек, болалар боғчаси, масофавий таълим, шаҳар жамоат транспортлари учун ягона электрон чипта, қурилишни назорат қилиш, электрон тиббиёт картаси каби янги дастурий таъминотлар ҳам ишлаб чиқиши назарда тутилган.

Масалан, электрон тиббиёт картаси жорий этилса, шифокорларнинг қоғоз тўлдиршига кетадиган вақти анча қисқариб, аҳоли билан ишлаши учун кўпроқ имконият бўлади. Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги 15 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, 11 та кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда 62 та поликлиника «Ягона электрон тиббий карта» ва «Электрон поликлиника» ахборот тизимига улашиб, хусусий клиникалар билан интеграция қилинади. Бундай тизим бошқа соҳа ва тармоқларда ҳам татбиқ этилади.

Барча давлат муассасалари эса юқори тезликда маълумот узатиш тармоғига улашиб, замонавий компьютер технологиялари билан таъминланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, «рақамли Тошкент» — рақамли ва инновацион технологиялар ёрдамида шаҳар бошқарувининг самарадорлигини ошириш ҳамда шаҳар аҳолиси ва



меҳмонлари ҳаётининг сифатини яхшилашни мақсад қилган лойиҳадир. Унинг устида иш олиб бориш жараёнида давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилди. Янги лойиҳа БМТнинг «Самарали давлат бошқаруви ва рақамли трансформациянинг ривожланишига кўмаклашиш» дастури доирасида амалга оширилади.

Ҳозирда тизим транспорт, боғхона ва ижтимоий-иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва визуализацияси учун қўлланилади. Бу, ўз навбатида, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳокимлик ҳамда унга қарашли хизматлар ишнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Лойиҳанинг амалга ошириш доирасида пойтахтдаги тирбандликларни реал вақт режимида кузатиш, йўллардаги чуқурлар харитасини тузиш, қайси ҳудудларда тақсига эҳтиёж юқори эканини аниқлаш каби қатор қулайликлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

## Чиқиндилар учун махсус идишлар жорий этилади

Хўш, Тошкентдаги ўзгаришлар нималарда бўй кўрсатиши мумкин?

— *Биз чиқиндиларни саралаш масаласини ҳал қилишда «омиқоқ туртки бериш назарияси»ни қўллаш бўйича ўз лойиҳамизни тақдим этдик. — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг «Давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва рақамли трансформация» лойиҳаси бўйича инновацион тадқиқотлар координатори Нодира Мухаммадқуллова. — Бу тажриба Яккасарой туманида*

## Келажакка киргизилган сармоя

Бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Боз устига, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни ҳам камайтиради. Биргина Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга «IT-Park» ташкил этилгани ҳозирданок ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади.

Этиборлиси, бундай парклар ҳадемай республикамизнинг ҳар бир ҳудудида барпо этилади. Чунончи, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда IT-паркнинг Тошкент филиалини ташкил этиш режалаштирилган. Филиал биноси 16 қаватдан иборат бўлиб, у 50 дан зиёд IT-парк резидент-корхоналарни бир нуқтада жамлайди. Паркда резидент-корхоналарга фаолиятини амалга ошириш учун зарур инфратузилма, шу жумладан, замонавий лабораториялар, коворкинг маркази ҳамда офис майдонлари тақдим этилиб, уларга молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари кўрсатилади.

Бу ерда ихтисослашган мактаб ўқувчилари томонидан резидент-корхоналар билан ахборот технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ва стартаплар амалга оширилади. Шунингдек, корхоналар мактаб ўқувчилари учун турли лаборатория дарсларини ўтказиб, уларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги бизнес жараёнларини ўрганишга ёрдам беради.

## Илова яратиб, миллионер бўлиш мумкинми?

Бугун жаҳон бозорида талаб катта бўлган «SAMSUNG» ёки «APPLE» компаниясининг сўнги моделдаги мобил телефонлари нархи ўртача 1000 АҚШ долларини ташкил этади. Бу нарх қаердан келиб чиққан ва ниманинг ҳисобига шундайлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ваҳоланки, қурилмаларнинг таннархи (конструкцияси назарда тутилмоқда) нари борса, 50 доллар ҳам турмайди.

Асосий нарх, бу — қурилмаларга жойлаштирилган мобил иловаларга боғлиқ. Яъни бу компаниялар ўз қурилмаси учун мобил иловалар дастурларини сотиб олади. Шунинг ҳисобига қурилма нархи ошади, рақобатбардosh бўлади. Мобил телефон аппаратларидан энг кўп фойдани ҳисобига қурилмалар яратиш билан шугулланувчи кичик-кичик фирма еки шахслар қўлга киритади. Демак, ҳамма гап дастурлар яратишда. IT-Park юртимиз ёшларига ана шундай имкониятлар яратиб беришга қаратилган ийрик лойиҳадир.

Шерзод АХМАТОВ,  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги масъул ходими.

синовдан ўтказилди. Унга кўра, бир маҳаллага рангли чиқинди қутилари берилиб, қаттиқ машиий чиқиндиларни олиб кетишнинг махсус жаавали жорий қилинди. Дастлаб 210 та хонадонда сўронома ўтказилди. Уларнинг атиси 12,4 фоизи қайта ишланадиган чиқиндиларни саралашга хоҳиши йўқлигини, 74 фоизи эса чиқиндиларни саралашга тайёр эканини билдирди.

Этиборлиси, бу тажриба жаҳоннинг 150 дан зиёд мамлакатидеда ўзини оқлаган. Биз синовдан ўтказган лойиҳа ҳам қутилганидек самара берди. Тажрибанинг яқиний натижаларига баҳо беришга ҳали эрта. Бироқ кинка фурсатда қайта ишлаш мумкин бўлган чиқиндилар улуши ошди. Бу шаҳримиз экологияси ва иқтисодиётига ижобий таъсир қилишига ишонамиз.

## «Менинг овозим» қулайлик яратадими?

— *Аҳолида доим у ёки бу ижтимоий масалаларда саволлар туғилади. — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги лойиҳалар менежери Тимур Миясқаров. — Буни инобатга олиб, ижтимоий уй-жой бериш хизматини рақамлаштиришга эътибор қаратяптиз. Шу мақсадда фуқаролар долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга масалалар бўйича овоз бериш мумкин бўлган «Менинг овозим» портали ишга туширилди. Ярим иллик натижалар бизни тўла қониқтирди. Эндиликда аҳоли фикрига асосланган ҳолда, энг долзарб масалаларни аниқлашга кўмак берувчи «to.tashkent.uz» портали устида ишляптиз. Ўйлаймизки, бу янгиликлар шаҳримиз аҳолисига кенг қулайликлар яратади.*

Бугун одамларни ҳайратлантириш мушкул. Боиси кунда янгилик, ҳар соатда ўзгаришлар. Аслида, инсонга кўп нарса керак эмас, у учун қулай яшаш ва адолатли меҳнат шароити бўлса kiffoя. Бироқ ҳаёт шу экан-да, дея замондан ортда қолиш ҳам ярамайди. Амалиётга татбиқ этилаётган «рақамли»лар серииси эса турмушимизни енгиллаштириш, пировадилда ортиқча овозгарчиликларга асаббузарликларнинг олдини олишга, қимматли вақтимизни тежашга хизмат қилади.

Садокат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

Қуйи палата ялпи мажлисларининг онлайн трансляцияси йўлга қўйилади.

# «НУМО»

## «НУМО» картаси рақобат

## муҳитини ярата

## оляптими?

ХЕЧ КИМ МАЖБУРИЙ ТАРЗДА БУ ТЎЛОВ ТИЗИМИГА ЎТКАЗИЛМАЙДИ. ҚАЙСИ ТЎЛОВ ТУРИНИНГ АФЗАЛЛИГИ ВА ҚУЛАЙЛИГИ ХУСУСИДА МИЖОЗНИНГ ЎЗИ ХУЛОСА ЧИҚАРСИН. ОДАМЛАР ИККИТА КАРТАГА ЭГАЛИК ҚИЛИБ, ИККАЛА ТИЗИМДАН ҲАМ ФЙДАЛАНИШИ МУМКИН. БУНИНГ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР МАВЖУД



«Мен Қорақалпоқ давлат университети 2-босқич талабасиман, — дейди Зулумур Пардабоева. — Стипендиямизни 100 фоиз «Uzcard» картаси орқали олишга кўниккан пайтимизда уни «Нумо»га алмаштириш ҳақида ариза мажбурий тарзда олинди ва олинмоқда. Маълум бўлишича, «Нумо» картаси бозор ва дўконларга ўтмас экан. Унинг CLICK тизимида ҳам муаммоси бор. Нима қилишимиз керак?»

Ҳаётини кузатишлардан маълум: ҳар қандай янгиликнинг қабул қилиниши қийин кечган. Аввалдан амалиётда бўлиб келатган тизим ўрнида янгиликнинг жорий этилиши турли эътирозларни уйғотиши табиий. «Нумо» банк картасининг амалиётга киритилиши ҳам аҳоли ўртасида турли савол, миш-миш ва тушунмовчиликларни келтириб чиқаряпти. Хўш, миш-миш ва тушунмовчиликлар қай даражада асосли? «Нумо» картаси билан боғлиқ бундай маълумотлар тарқалишига нима сабаб бўлмоқда? У «Uzcard» тизимидаги банк карталаридан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

### Тарқалган миш-мишлар қай даражада асосли?

— Бу ҳолат нақд пулга ўрганган аҳоли учун пластик карта жорий этилган йилларни эсга солади, — дейди Миллий банкларро процессинг маркази раҳбари Шухрат Қурбонов. — Айтиш керакки, «Uzcard» тизимига кўниккан аҳоли учун янги банк картасининг жорий қилиниши рақобат муҳитини вужудга келтиради. «Нумо» тизимида кўпроқ чет эл тажрибаси интеграция қилинган. Бироқ ҳали аҳоли ривожланган давлатлар тўлов тизими тажрибасини қабул қилишга тайёр бўлмагани учун турли тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда.

Яна бир гап — картани олиш ихтиёрий, ҳеч ким бунга мажбур қилинмайди. Янги банк картаси бир нечта банкларнинг миқозларига берилган бўлиб, маоши қисман ўша картага ўтказилапти. Бунга сабаб — картанинг қандай ишлашини текшириш, синовдан ўтказишдир. Янги картада қатор қулайликлар яратилган. Жумладан, унда контактсиз тўлов жараёнини амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, у билан бир вақтнинг ўзида «Visa», «Master card», «Union реу» билан эмитент ҳамда экваер сифатида уланиш имконияти бор. Келгусида ҳар бир банк ўз процессинг маркаига эга бўлади. Улар ўзлари истаган шаклдаги карталарни, карта хизматларини миқозларга тақдим этиб боради. Бундай тизимнинг марказий тизимга нисбатан бир неча устувор жиҳатлари бор. Масалан, бирор жойда техника носозлик юз берса, бу локал муаммо сифатида қолади, бутун тизим тўхтаб қолмайди.

### Қулай бўлса, норозиликка сабаб нима?

Аввало, бозор механизмлари жадаллик билан олиб борилаётган ҳозирги кунда мажбурий равишда бир тизимни ишга туширишнинг имконияти мавжуд эмас. Аммо янги тўлов тизимига босқичма-босқич бутун Ўзбекистон аҳолисини ўтказиш зарурлиги нукта назаридан гапирсак, марказлашган ягона тизимдан воз кечилиб, халқаро стандартлар асосида ҳар бир банк мустақил равишда процессингни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Айни пайтда Марказий банк томонидан «Нумо» картасини барча миқозларга тарқатиш ва оммалаштириш жараёнига қатъий киришилган. Хўш, оммалашиб улгурган «Uzcard»дан батамом воз кечилاديمи? «Нумо» унинг ўрнини буткул эгаллайдими? Янги тизим расмий доираларда қулайлиги, халқаро стандартлар даражасида тан олинаётган бўлса-да, нима учун аҳоли ўртасида турли норозиликлар пайдо бўлмоқда?

— Республика миқёсида жорий йилнинг 5 март ҳолатига қўра, ўрнатилган 414 миңдан ортиқ терминалнинг қарийб 182 миңтасини «Нумо», 5 миң атрофидаги банкларнинг 2,3 миңдан ортигини «Нумо» банкмати ташкил этади, — дейди Марказий банк Тўлов тизимлари департаменти директори Улғабек Маҳмудов. — «Uzcard»га кўниккан миқоз янги картанинг ишлаш тартиби ва қондаларини ўзлаштиришга ҳали улгурмади. Айтиш керакки, биз «Нумо» ёрдамида қулай тўлов тизимини ташкил қилмоқдамиз. Мавжуд банк карталари бир-бириндан дизайн жиҳатдан фарқ қилса-да, уларнинг имкониятлари мутлақо бир хил. «Нумо» тўлов тизимида эса турли хил карталар мавжуд бўлиб, бир маош ҳисоб рақамига бир неча карта уланган ва уларнинг имкониятлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, дебет карта, кредит карта, бонус, кэшибек жамловчи карта ва ҳоказо. Биз келажакда янги банк картаси ёрдамида транспорт тўловларини амалга ошириш имконини ҳам яратмоқчимиз.

Сўнгги пайтларда «Нумо» карталари фойдаланувчилари орасида ҳар бир тўловдан 0,2 фоиз миқдорда комиссия олиб қилиниши ҳақида баҳслар келиб чиқмоқда. Келажакда ушбу тўловлар



### МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Европа мамлакатларида 100 дан ортиқ тўлов тизими рақобатлашади. Қўшни давлат — Қозоғистонда 8 та тўлов тизими амалиётга киритилган. Россияда «Мир» тизими орқали 64 фоиз аҳоли даромадлари айланади.

янада ошиши мумкин.

— Ривожланган хоржий мамлакатларда ҳар бир савдо нуқтаси тўлов карталари орқали қабул қилган маблағидан маълум фоизини банкка тўлайди, — дейди У.Маҳмудов. — Ўзбекистонда эса бошқачароқ тартиб: банк карталари жорий этилган йилларда биз савдо шохобчалари ва фойдаланувчилар тўлайдиган тўловлардан тўлиқ воз кечганмиз. Лекин карта ишлаши учун харажатлар бор, қимдир уни қоплатиш керак. Ҳозирча «Нумо» картасидан фойдаланувчилар ҳар бир тўловдан 0,2 фоиз, интернет тўловидан 0,1 фоиз миқдорда комиссия тўлайди. Фоиз ундиришдан мақсад нима? Бу банкларнинг фойдаси учун эмас, балки, йиғилган фойзалардан миқозлар учун янги маҳсулотлар жорий этиш учундир. Мисол учун, пластикдан қанча кўп тўласангиз, шунга яраша бонус оласиз.

Бу амалиёт бутун дунёда қўлланилади. Келажакда ушбу тўловлар савдо нуқталари зиммасига юклатиши мумкин.

### Жараён қандай кетмоқда?

Ортимизда «Uzmobile», «Ucell», «Beeline», «MobiUz», «Perfektum» сингари кўплаб алоқа компаниялари фаолият юритади. Улар ўз миқозларига турли имкониятларни тавсия этиши туфайли ҳам рақобат майдони кенг. Миқоз битта компаниянинг хизмати ёқмаса, иккинчисига ўтиб кетишга ҳақки бор. Бу мисолни нима учун келтиряпмиз? Аҳоли бугунгача фақат «Uzcard» тизимдан фойдаланган, бу эса яқка монополияга йўл очаётганди. Хўш, «Нумо» рақобат муҳитини қай даражада юзага келтиради?

— 2019 йилнинг март ойидан бошлаб банкимиз томонидан 1 миллион жисмоний шахсини янги карта билан таъминладиқ, — дейди «Азробанк» АТБнинг банк карталари хизмат кўрсатиш департаменти директори Зафаржон Мамажонов. — Аммо ҳали 1 миллион 700 нафар миқозда «Uzcard» банк картаси сақланиб турибди. Биз ҳаммамни бу тизимга мажбурий тарзда ўтказмоқчи эмасмиз. Қайси тўлов турининг афзаллиги ва қулайлиги хусусида миқознинг ўзи хулоса чиқарсин. Одамлар иккита картага эгалик қилиб, иккала тизимдан ҳам фойдаланиши мумкин. Бунинг учун барча шароитлар мавжуд. Даставвал янги банк картасини фермер хўжалиқи раҳбарлариса тавсия қилдик. Улар иш жараёнида ушбу банк картаси бир қатор қулайлик ва афзалликлари билан қўл келатганини таъкидлашмоқда.

Ортимизда пул-кредит сиёсати ва тўлов тизимларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар кенг камровли бўлиб, дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасига мурожаат қилинапти. Юқорида таъкидлаганимиздек, янгиликнинг қабул қилиниши осон кечмайди. Бу жараёнда учрайдиган барча муаммолар аста-секинлик билан барҳам топиши учун маълум муддат талаб этилади. Демак, кутамиз: «Нумо» ҳақиқатан ҳам соҳада рақобат муҳитини ярата оладими, ё бўлмаса, кўпчилик аввалги тизимда қолишни афзал биладимиз?

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

Ўзбекистонда совуқ қуролни олиб юрганлик учун жавобгарлик жорий этилади.

# РАИС НОҚОНУНИЙ САЙЛАНГАН... (МИ?)

МАХАЛЛАДАГИ БУНДАЙ ҲОЛАТ ЙИҒИН ХОДИМЛАРИНИНГ, ШУ ЕРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН АҲОЛИНИНГ КАЙФИЯТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМАЙДИ, ДЕБ КИМ ҚАФОЛАТ БЕРА ОЛАДИ? НАЗАРИМИЗДА, ИККИ ҚЎЛНИ БИР-БИРИГА УРИБ ҚАРСАК ЧАЛГАНДАН КЎРА, УЛАРНИ БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРГАН МАЪҚУЛ

**Т**ахририятимизга Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Чархин» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Наҳмиддин Гаиров хат орқали мурожаат қилиб, жорий йилнинг 12 январь кuni бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси сайлови ноқонуний ўтгани, сайловда кўзбўямачиликка йўл қўйилгани ва бундан айрим фуқаролар норози бўлаётганини баён қилди.

Мазкур шикоят хатини ва унда келтирилган фактларни ўрганиш мақсадида шу манзилда бўлиб, хат муаллифи ҳамда маҳалла фаоллари билан учрашдик. Н.Гаировнинг айтишича, сайлов натижалари Оқларё тумани маъмурий суди томонидан 2020 йил 18 февраль кuni ҳақиқий эмас, деб топилган. Хўш, нега шундай бўлди?

— Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, «Чархин» маҳалласида фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан вакиллар иштирокида йиғилиш ўтказилмаган, номзодлар ҳақидаги маълумотлардан аҳоли хабардор қилинмаган, сайловчиларга таклифнома тарқатилмаган, сайловга келган фуқароларнинг ҳужжатлари текширилмаган, уларга бюллетенлар тарқатилган, битта фуқаро бир нечта киши учун овоз берган, — дейди Н.Гаиров. — Энг асосийси, сайловда иштирок этган 55 нафар фуқаро ўрнига баённомада 104 нафар фуқаро қатнашгани кўрсатилган. Сизнингча, шу сайловни қонуний дейиш мумкинми?

## «Имзони менинг ўрнимга ким қўйганини билмайман...»

Мазкур сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси Р.Очиловнинг сўзларига қараганда, сайлов натижаларига кўра, М.Ибрагимова 31 та, Н.Гаиров 8 та ва Н.Нарзуллаева 16 та овоз олинган. Сайлов жараёнида ҳеч қандай қонунибузарликлар кузатилмаган. Аммо сайлов якунлари бўйича 2020 йил 12 январдаги 17-сонли қарордаги имзо уники эмас, бу имзони унинг ўрнига ким қўйганини ҳам билмайди...

Санок комиссияси раиси Ф.Пардаев эса сайловчиларга таклифнома тарқатилмагани, сайлов кунига қадар вакиллар йиғилиши ўтказилганидан хабари

йўқлиги, сайловгача номзодлар тўғрисидаги маълумотлар бўлмаганини, худди Р.Очилов сингари у ҳам санок комиссиясининг 16-сонли баённомасидаги имзо уники эмаслигини таъкидлади.

Шу комиссия аъзоси Дилафрўз Тўхтамишева ҳам мазкур баённомасидаги унинг имзоси қалбақлаштирилганини тан оlib, ҳужжатдаги барча ёзувлар йиғин котибаси Лайло Ҳайитовага тегишли эканини билдирди. Маълум бўлишича, Л.Ҳайитова 12 январь кuni касал бўлгани сабабли сайловда қатнашмаган. Бир кун ўтиб эса сайловни ўтказиш билан боғлиқ қарор ва баёнларни ёзиб тўлдирган.

Л.Ҳайитованинг суд мажлисида эътироф этишича, дастлабки сайлов натижалари ҳақидаги баённомани ишчи гуруҳ аъзоси Элбек Алиевага олиб борганида Э.Алиев баённомани кайтадан тўлдиргани ва унда М.Ибрагимова 53 та, Н.Гаиров 26 та ва Н.Нарзуллаева 14 та овоз олди, деб ёзилиши буюрган. Ҳужжатга имзолар ким томонидан қўйилганини эса билмайди.

## «Мен ҳозирок ариза ёзиб, ишдан кетишга тайёрман...»

Э.Алиев Лайло Ҳайитовага бундай буйруқ бермаганини айтса, М.Ибрагимова сайловгача вакиллар йиғилиши ўтказилгани, сайловчиларга таклифнома ҳам берилгани, номзодлар ҳақидаги маълумотлар тегишли жойга илби қўйилганини таъкидлайди.

— Илгари шу йиғинда олти йил раҳбар бўлиб ишлаганим ва мен бу лавозимга жуда иштиқман деб ҳам эмасман, — дейди М.Ибрагимова. — Сиз ҳақиқатини билмоқчи бўлсангиз, яхшиси, ким қандай одам эканини, қандай ишлаётганини маҳалла фаоллари, оддий одамлардан сўраб кўринг. Мен ҳозирок ариза ёзиб, ишдан кетишга тайёрман. Шикоятбозликлардан жуда-жуда чарчаганман. Аммо, биринчидан, халқ яна мени шу лавозимга сайлаган бўлса, иккин-



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

### САЙЛОВ ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛАДИ?

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида ҳовиллар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллик нормасини белгилаш сайлов комиссиясининг ваколатларига кириши, 15-моддасида эса фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) сайлов ўтказилгани сана, вақт ва жойини белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилиши, ҳовиллар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиб, уни ўтказиш белгилаб қўйилган.

Мазкур қонуннинг 16-моддасида: «Ишчи гуруҳи туман ёки шаҳар ҳокимининг ҳулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўйиши» қайд этилган.

Қонуннинг 25-моддаси иккинчи қисмига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш якунларига таъсир қилган қондабузарликлар тўғрисида сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилгани мумкин.

чидан, туман раҳбарининг ишчиси тўғрисида ишлаб турибман. Шунча йил ишлаб, бировнинг ҳақини емаган бўлсам, нимадан кўрқаман?

Опаннинг кўзда ёш билан куйиб-пишиб айтган гапларидан сўнг маҳалла ҳудудда истиқомат қилувчи айрим фуқароларни суҳбатга тордик.

— Мақсуда она жуда меҳнатқам, жонқуяр, фидойи, энг муҳими, қўли тоза, ҳалол раҳбар, — дейди Адолат Ғуламова. — Уни ёмонотлиқ қилмоқчи бўлганлар расмнинг курсисига кўз тикаётган айрим галами, мансабпарастлардир. Уларнинг асл мақсади — расмлик лавозимини эгаллаш, халққа хизмат қилиш эмас.

— Ошиғини айтсам, мен Мақсуда онага жудаям ҳавас қиламан, у қили ҳар томонлама ўз ўрнига муносиб раҳбар, — дейди Дилрабо Боймуродова. — У қили раҳбарлик қилган йиллари маҳалламизда биронта жавноят содир этилмаган.

Бундан ташқари, расмимиз ҳамма билан ҳар қандай вазиятда тил топиша олади, оилавий муаммоларни елпада оналарга, қайнона-ю келинларга ҳалис, одилона муносабатда бўлади.

Бу можаорога ҳуқуқий, ҳолисона ечим излаб, мазкур йиғиннинг профилактика инспектори Бобур Эрбоевга юзландик.

— Сайловда айрим сохталикларга йўл қўйилгани бор гап, аммо бу иш ҳали қўшимча терговда бўлган тўғрисида аниқ бир ҳулосага келиш қийин, — дейди у. — Лекин Мақсуда онанинг фидойилиги, ҳалоллиги, жонқуярлиги бор гап. Хуллас, ҳаммаси терговнинг якунларига боғлиқ.

Хўш, йиғинда юз бераётган мазкур тортишувга туман мутасаддиларининг муносабати қандай?

— Ростки, бу вазифага яқинда тайинланганим боис ҳали маҳаллалардаги ҳолат, айниқса, можа-ролардан яхши хабардор эмасман, — дейди туман ҳокими ўринбо-

сари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Асрор Мардиев. — Лекин Мақсуда онанинг яхши раҳбарлигини аввалдан билмаман. Баённомалардаги имзолар ва ёзувлар бўйича эса тергов органлари яқин орада, албатта, аниқлик киритишади.

## Қарс икки қўлдан... (ми)?

Тўғри, Б.Эрбоев айтганидек, бу ҳолатга баҳо бериш, ҳулоса қилишга ҳали эрта. Бироқ гапнинг сирасини айтганда, мазкур вазиятда қарс икки қўлдан чиқаётганга ўхшайди.

Биринчидан, агар даъвогар томон Н.Гаиров раисликка ҳақиқатан муносиб бўлганида, сайловчиларнинг 3 фоз овозини олмаган, олганида ҳам маҳалла фаоллари у ҳақда кўпроқ ижобий фикр билдирган бўларди. Иккинчидан, кўп йиллик иш тажрибаси бўлатуриб, Э.Алиевнинг сайлов ҳужжатларини тўлдиринишда хатоларга йўл қўйиши, олий маълумотли котиба Л.Ҳайитова эса бу жараёнда оддий бир ижроичига айлиб қолганини қандай тушуниш мумкин?

Шунингдек, бу ўринда масаланинг маънавий, тарбиявий томони борлигини ҳам асло унутмаслик лозим. Ахир, «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирк кун барака қочади», дейдилар. Маҳалладаги бундай ҳолат йиғин ходимларининг, шу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ким қафолат бера олади?

Хуллас, саволлар кўп, жавоб эса... Назаримизда, икки қўлни бир-бирига уриб қарсак чалгандан кўра, уларни бир мақсад йўлида бириштирган маъқул. Вазиятни кузатиб борамиз ва унинг якунлари бўйича яна маълумот берамиз. Демак, биз мавзуга яна қайтамиз.


Ёрмамат РУСТАМОВ  
«Mahalla»

Хайдовчиликка номзодларга бериладиган гувоҳноманинг кўриниши ўзгаради.



Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, одамларнинг яхши яшашига зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқ ичига кириб, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, ташвишларига шерик бўлиш, мурожаатларни ўз вақтида ва қонуний ҳал этишнинг ўрни бекиёс бўлаётир.

# МУТАСАДДИЛАР ВАЪДА БЕРИШЯПТИ, ЛЕКИН 2 ЙИЛ ЎТЯПТИКИ НАТИЖА ЙЎҚ




Лекин, афсуски, ҳамма жойда ҳам мутасадди раҳбарлар муаммоларга ечим топишда жонбозлик кўрсатмапти. Натижада одамлар адолат излаб юкори идораларга ариза ва шикоят ёзишга мажбур бўлмоқда.

Яқинда тахририятимизга Чирокчи тумани «Паканди» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси номидан шикоят хати келди. Шикоятда келтирилишича, худуд ер майдони 1989 йил 27 мартдаги махсус қарор асосида аҳолига доимий яшаш учун ажратиб берилган. Аҳоли зич яшайди. Бир ҳовлида 2-3 оила истиқомат қилади. Одамларнинг асосий даромад манбаи — томорқа. Аммо 30 йилдан буён уларни оқова сув тақчиллиги қийнайди. Тоза ичимлик суви 2 километр узоқликдан ташиб келинади. Одамларни қийнаётган энг катта муаммо электр энергияси ҳисобланади. Фуқаролар маҳалла худудига жойлашган 7-мактаб ёнидаги трансформатордан 2 километр масофада қўлбола симёғочлар орқали турли хил ҳажмдаги симлардан тортиб олишган.

Шикоятда келтирилган вазларни нечоғди ҳақиқатга тўғри эканини билиш мақсадида ушбу маҳаллага бордик. Ҳақиқатан ҳам, йўл ёқасида жойлашган ва хонадонлардан ўтган қўлбола симёғочлардаги электр симлари дарахларга туташиб, осилиб ётибди. Техника хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермайдди.

— Трансформатор ишлаб чиқарган 220 кВт. электр энергияси худудга етиб келгунга қадар 80-100 кВт. ни ташкил этади, — дейди ариза муаллифларидан бири Дилшод Пар-



## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

«Чирокчи электр таъминоти» корхонасидан олинган маълумотга кўра, туманда 2019 йил бошида ўтказилган хатловга кўра худуддаги 2245 та симёғоч устунлари яроқсиз ҳолатга келиб қолган. 70 дан ортқис трансформатор таъмирталаб. Ўтган йили 1000 га яқин симёғоч устунни алмаштирилиб, 26 та трансформатор ўрнатилган.



даев. — Машиий техника воситалари умуман ишламайди. Шу сабабли ҳеч биримизнинг уйимизда на музлаткич, на микротўлқинли печ, на ҳаво совуткич бор. Ўтган йилда яхши ният билан музлаткич сотиб олган эдим. Бир йилга ҳам чидамади. Электр қуввати камлиги сабабли яроқсиз ҳолага келди.

Фуқаро Бердир Ғаниев ўтган йилда 10 миллион сўмга иссиқхона қуриб, бир миллион сўмга сув насоси сотиб олган. Яхши ният билан бодринг эккан. Аммо сув бўлмагани сабабли барчаси қуриб, қилван мехнати ҳам, маблағи ҳам зое кетибди. Яна бир фуқаро — Нилуфар Жўрасева эса кишлоқда «Гўзаллик салони» очиб, талбиркорлик қилишини хоҳлайди. Лекин электр қуввати камлиги сабаб бу ниятини амалга ошира олмаётгани.

## «28 йил чидадим, энди...»

— 28 йил ҳовлимизнинг ичида симёғоч ўрнатилганига чидаб келдим, — дейди Абдураҳул Пардаев. — Бир неча бор сим узлиб, молларимизга зарар етказди. Энди набирларим ҳаётимдан хавфсираб, симёғочни олдиришга мажбур бўлдим.

Маҳаллада 680 та хонадон, 720 та оилада 4497 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий даромад манбаи — қўчачилик. Айни пайтда хонадонларнинг 40 тасида катта иссиқхона, 425 тасида эса кичик иссиқхона мавжуд.

— Тўғри, фуқароларимиз томорқани сугориш учун артезиан қудуқ қаздиришган, лекин электр қувватининг камлиги сабабли сув чиқариш муаммо бўлмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фахриддин Бойматов. — Натижада қўчачилар сувсизликдан қуриб қоляпти. 2018 йилда туман, вилоят электр тармоқлари, Халқ қабул-

хонасига мурожаат қилдик. Мутасаддилар 2 ой ичида муаммо ҳал бўлади, деб ваъда беришди. Лекин орадан 2 йил ўтди, натижа йўқ.

## Депутат нима дейди?

Аслида танқидий мақола тайёрландан мақсад муаммога масъул раҳбарлар эътиборини қаратиш, ечим топиш, энг муҳими, одамларнинг оғирини енгил қилиш.

— Ҳақиқатан ҳам мазкур худудда электр таъминоти ва ичимлик суви жуда катта муаммо, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Баҳром Худойбергенов. — Ушбу масалалар бўйича туман «Сувоқова» ва электр тармоқлари корхонасига сўровнома билан чиқдим. Масъул ходимлар билан вазиятни ўргандик, фуқаролар билан учрашув ўтказдик. Мутасаддилар янги трансформатор ўрнатишга ваъда беришди. Насиб бўлса, бу муаммо яқинда ҳал бўлади. «Сувоқова» корхонаси эса бир ойдан ошган бўлса-да, сўровномага жавоб бермади.

## Мактаб қаровсиз ҳолатда, масъуллар эса...

Маҳалла худудидagi 7-мактаб фаолияти эътиборимизни тортди. 1987 йилда қурилган 180 ўринли бинода ҳозирги кунда 680 нафар бола икки сменда таҳсил олмақда. Синфхона етишмаслиги сабабли хоналар иккига бўлиниб, мослаштирилибди. Натижада болалар зах, тор хоналарда ўқиняпти. Айрим синфхоналарда доска билан парта оралнидаги масофа 1 метр бўлиб қолган. Аслида белгиланган меъёрга кўра, бу масофа 2,5-3 метр бўлиши керак. Ачинарлиси, мактабда спорт зали ҳам йўқ. Стол-стуллар яроқсиз. Ҳатто, ўқитувчилар хонасидаги стуллар ҳам муддатини ўтаб бўлган.

Техника асрида яшашимизга ўқувчиларнинг бир неча авлоди компьютер нималигини билмасдан мактабни тутатганига ишонмасиз, балки. Аммо бу — факт. Кимё, биология, физика фан лаборатория хоналари йўқ.

Мактаб ўқитувчиларининг таъкидлашича, бу муаммо бўйича бир неча йилдан буён катта эшикли идораларга катнашади. Ҳар сафар мактаб дастурга киритилган, муаммо тез орада ҳал бўлади, дейишади. Лекин амалда...

— Бошланғич синфга дарс бераман, — дейди Дилрабо Бахтиёрова. — Парталар етишмаслиги сабабли ўқувчилар учтадан ўтиришади. Бошланғич синф ўқувчилари учун бу қўйин эмасдир, лекин 9-синф йиғит-қизларининг бу ҳолатда ўтиришани тасаввур қилиб кўраверинг. Ачинарлиси, эрталабки смендада ўқийдиган ўқувчилар стул етишмагани сабабли у синфдан бу синфга стул қидириб биринчи соат дарсини ўтказиб юборишади. Синф хоналари етишмаслиги сабабли тайёрлов синф болалари шанба ва якшанба куни келиб ўқияпти.

Мактаб стадиони ҳам хароб аҳволда. Қаровсизликдан бегона ўт босиб ётибди. 1 гектардан зиёд майдонни эгаллаган ер майдони бўш ётибди.

Мактаб ҳовлиси ўралмаган. Шу сабабли келиб-кетувчиларнинг назорати йўқ. Айниқса, қўй-эчкилар мактаб худудига бемалол ўтлаб юрибди.

— Маҳалламизда мактабгача таълим муассасаси ҳам йўқ, — дейди ўқитувчи Зулфия Абдулазизова. — Бизнинг ҳам болаларимиз боғчаларга боришини, хорижий тилларни ўрганишини хоҳлаймиз. Қўриб турганингиздек, боғча қуриш учун мактаб ёнида жой бор. Лекин уни қурадиган инсон йўқ. Бу бўйича ҳам бир неча бор тегишли ташиқлотларга мурожаат қилганмиз. Лекин натижага бўлмади.

Ўрганишлар асосида англаб етганимиз шуки, бундай ишларга кимдир бироз эътибор қаратиб, одамлар дардига қулоқ солса, ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Энг муҳим гап — давлат раҳбари одамларни рози қилиш учун қўйётган вазифалар моҳиятини англаб етишда...

Ўйлаймизки, мутасаддилар муаммоларга ечим топишда аҳолига яқиндан қўмак беради. Биз эса мавзуга яна қайтамыз.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»

Самарқандда 3600 гектар боғ яроқсиз деб топилди.

# РАИС НОҚОНУНИЙ САЙЛАНГАН...(МИ?)

МАХАЛЛАДАГИ БУНДАЙ ҲОЛАТ ЙИГИН ХОДИМЛАРИНИНГ, ШУ ЕРДА ИСТИКОМАТ ҚИЛАЁТГАН АҲОЛИНИНГ КАЙФИЯТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМАЙДИ, ДЕБ КИМ КАФОЛАТ БЕРА ОЛАДИ? НАЗАРИМИЗДА, ИККИ ҚЎЛНИ БИР-БИРИГА УРИБ ҚАРСАК ЧАЛГАНДАН КЎРА, УЛАРНИ БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРГАН МАЪКУЛ

**Т**ахририятимизга Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Чархин» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нажмиддин Гаиров хат орқали мурожаат қилиб, жорий йилнинг 12 январь куни бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси сайлови ноқонуний ўтгани, сайловда кўзбўямачиликка йўл қўйилгани ва бундан айрим фуқаролар норози бўлаётганини баён қилди.

Мазкур шикоят хатини ва унда келтирилган фактларни ўрганиш мақсадида шу маъруза бўлиб, хат муаллифи ҳамда маҳалла фаоллари билан учрашдик. Н.Гаировнинг айтишича, сайлов натижалари Оқдар тумани маъмурий суди томонидан 2020 йил 18 февраль куни ҳақиқий эмас, деб топилган. Хўш, нега шундай бўлди?

— Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, «Чархин» маҳалласида фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиши ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан вакиллар иштирокида йиғилиш ўтказилмаган, номзодлар ҳақидаги маълумотлардан аҳоли хабардор қилинмаган, сайловчиларга тақдирномалар тарқатилмаган, сайловга келган фуқароларнинг ҳужжатлари текширилмасдан уларга бюллетенлар тарқатилган, битта фуқаро бир нечта киши учун овоз берган, — дейди Н.Гаиров. — Энг асосийси, сайловда иштирок этган 55 нафар фуқаро ўрнига баённомада 104 нафар фуқаро қатнашгани кўрсатилган. Сизнингча, шу сайловни қонуний дейиши мумкинми?

## «Имзони менинг ўрнимга ким қўйганини билмайман...»

Мазкур сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси Р. Очиловнинг сўзларига қараганда, сайлов натижаларига кўра, М.Ибрагимов 31 та, Н.Гаиров 8 та ва Н.Нарзуллаева 16 та овоз олишган. Сайлов жараёнида ҳеч қандай қонунобузарликлар кузатилмаган. Аммо сайлов якунлари бўйича 2020 йил 12 январдаги 17-сонли қарордаги имзо уники эмас, бу имзони унинг ўрнига ким қўйганини ҳам билмайди...

Санок комиссияси раиси Ф.Пардаев эса сайловчиларга тақдирномалар тарқатилмагани, сайлов кунига қадар вакиллар йиғилиши ўтказилганидан хабари

йўқлиги, сайловгача номзодлар тўғрисидаги маълумотлар бўлмаганини, худди Р.Очилов сингари у ҳам санок комиссиясининг 16-сонли баённомасидаги имзо уники эмаслигини таъкидлади.

Шу комиссия аъзоси Дилшад Раҳимов ҳам мазкур баённомадаги унинг имзоси қалбақлаштирилганини тан олиб, хужжатдаги барча ёзувлар йиғин котибаси Лайло Ҳайитовага тегишли эканини билдирди. Маълум бўлишича, Л.Ҳайитова 12 январь куни касал бўлгани сабабли сайловда қатнашмаган. Бир кун ўтиб эса сайловни ўтказиш билан боғлиқ қарор ва баёнларни ёзиб тўлдирган.

Л.Ҳайитованинг суд мажлисида эътироф этилиши, дастлабки сайлов натижалари ҳақидаги баённомани ишчи гуруҳ аъзоси Элбек Алиевга олиб борганида Э.Алиев баённомани қайтадан тўлдиргани ва унда М.Ибрагимов 53 та, Н.Гаиров 26 та ва Н.Нарзуллаева 14 та овоз олди, деб ёзишни буюрган. Хужжатга имзолар ким томонидан қўйилганини эса билмайди.

## «Мен ҳозирок ариза ёзиб, ишдан кетишга тайёрман...»

Э.Алиев Лайло Ҳайитовага бундай буйруқ бермаганини айтса, М.Ибрагимов сайловгача вакиллар йиғилиши ўтказилгани, сайловчиларга тақдирномалар ҳам берилгани, номзодлар ҳақидаги маълумотлар тегишли жойга илиб қўйилганини таъкидлайди.

— Илгари шу йилда олти йил раҳбар бўлиб ишлаганман ва мен бу лавозимга эҳдида иштиқманд ҳам эмасман, — дейди М.Ибрагимов. — Сиз ҳақиқатни билмоқчи бўлсангиз, яхиниси, ким қандай одам эканини, қандай ишлаганини маҳалла фаоллари, оддий одамлардан сўраб кўринг. Мен ҳозирок ариза ёзиб, ишдан кетишга тайёрман. Шикоятбозликлардан жуда-жуда чарчаганман. Аммо, биринчидан, ҳақ яна мени шу лавозимга сайлагани бўлса, иккин-



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

### САЙЛОВ ҚАЙСИ ҲОЛАРДА ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛАДИ?

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллик нормасини белгилаш сайлов комиссиясининг ваколатларига кириши, 15-моддасида эса фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) сайлов ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилайди ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилиши, ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиб, уни ўтказиши белгилаб қўйилган.

Мазкур қонуннинг 16-моддасида: «Ишчи гуруҳи туман ёки шаҳар ҳокимининг ҳулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишидан номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўйиши» қайд этилган.

Қонуннинг 25-моддаси иккинчи қисмига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш якунларига таъсир қилган қондабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

чидан, туман раҳбарининг иштиниси туфайли ишлаб турибман. Шунча йил ишлаб, бировнинг ҳақини емаган бўлсам, нимадан кўркаман?

Опанинг кўзда ёш билан қуйиб-пишиб айтган гапларидан сўнг маҳалла ҳудудда истикомат қилувчи айрим фуқароларни суҳбатга тордик.

— Мақсуда опа эҳдида меҳнаткаш, жонқуяр, фидойи, энг муҳими, қўли тоза, ҳалол раҳбар, — дейди Адолат Ғуломов. — Уни ёмонотлик қилмоқчи бўлганлар раиснинг курсисига кўз тикаётган айрим галамис, мансабпарастлардир. Уларнинг асл мақсади — раислик лавозимини эгаллаш, халққа хизмат қилиш эмас.

— Очигани айтсам, мен Мақсуда опага эҳдида ҳам қилмаган, у қана ҳар томонлама ўз ўрнига муносиб раҳбар, — дейди Дилрабо Боймуродова. — У қана раҳбарлик қилган йиллари маҳалламизда биронта эҳсоният содир этилмаган.

Бундан ташқари, раисимиз ҳамма билан ҳар қандай вазиятда тил топиши олади, оилавий муаммоларни ечилиши оналарга, қайнона-ю келинларга ҳолис, одилона муносабатда бўлади.

Бу можарога ҳуқуқий, ҳолисона ечим излаб, мазкур йиғиннинг профилактика инспектори Бобур Эрбоевга юзландик.

— Сайловда айрим сохталликларга йўл қўйилгани бор гап, аммо бу иш ҳали қўшимча терговда бўлгани туфайли аниқ бир ҳулосага келиши қийин, — дейди у. — Лекин Мақсуда опанинг фидойилиги, ҳалоллиги, жонқуярлиги бор гап. Хуллас, ҳаммаси терговнинг якунларига боғлиқ.

Хўш, йиғинда юз бераётган мазкур тортишувга туман мутасаддиларининг муносабати қандай?

— Ростки, бу вазифага яқинда тайинланганим боис ҳали маҳаллардаги ҳолат, айниқса, можаролардан яхши хабардор эмасман, — дейди туман ҳокими ўринбо-

сари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Асрор Мардиев. — Лекин Мақсуда опанинг яхши раҳбарлигини аввалдан билмаган. Баённомалардаги имзолар ва ёзувлар бўйича эса тергов органлари яқин орада, албатта, аниқлик киритишади.

## Қарс икки қўлдан...(ми)?

Тўғри, Б.Эрбоев айтганидек, бу ҳолатга баҳо бериш, ҳулоса қилишга ҳали эрта. Бирок гапнинг сирасини айтганда, мазкур вазиятда қарс икки қўлдан чиқаётганга ўхшайди.

Биринчидан, агар даъвогар томон Н.Гаиров раисликка ҳақиқатан муносиб бўлганида, сайловчиларнинг 3 фойз овозини олганда, олганда ҳам маҳалла фаоллари у ҳақда кўпроқ ижобий фикр билдирган бўларди. Иккинчидан, кўп йиллик иш тажрибаси бўлатуриб, Э.Алиевнинг сайлов ҳужжатларини тўлдиршида хатоларга йўл қўйиши, олий маълумотли котиба Л.Ҳайитова эса бу жараёнда оддий бир ижрочига айлиниб қолганини қандай тушуниш мумкин?

Шунингдек, бу ўринда масаланинг маънавий, тарбиявий томони борлигини ҳам асло унутмаслик лозим. Ахир, «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирк кун барака қочади», дейдилар. Маҳалладаги бундай ҳолат йиғин ходимларининг, шу ерда истикомат қиладиган аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ким кафолат бера олади?


Хуллас, саволлар кўп, жавоб эса... Назаримизда, икки қўлни бир-бирига уриб қарсақ чалгандан кўра, уларни бир мақсад йўлида бирлаштирган маъкул. Вазиятни кузатиб борамиз ва унинг якунлари бўйича яна маълумот берамиз. Демак, биз мавзуга яна қайтамиз.

Ёрмат РУСТАМОВ  
«Mahalla»

Хайдовчиликка номзодларга бериладиган гувоҳноманинг кўриниши ўзгаради.

Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, одамларнинг яхши яшашига зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқ ичига кириб, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, ташишларига шерик бўлиш, мурожаатларни ўз вақтида ва қонуний ҳал этишнинг ўрни бекиёс бўлаётир.

# МУТАСАДДИЛАР ВАЪДА БЕРИШЯПТИ, ЛЕКИН 2 ЙИЛ ЎТЯПТИКИ НАТИЖА ЙЎҚ



Лекин, афсуски, ҳамма жойда ҳам мутасадди раҳбарлар муаммоларга ечим топишда жонбозлик кўрсатмаяпти. Натижада одамлар адолат излаб юқори идораларга ариза ва шикоят ёзишга мажбур бўлмақда.

Яқинда тахририятимизга Чирокчи тумани «Пақанди» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси номидан шикоят хати келди. Шикоятда келтирилишича, худуд ер майдони 1989 йил 27 мартдаги махсус қарор асосида аҳолига доимий яшаш учун ажратиб берилган. Аҳоли зич яшайди. Бир ҳовлида 2-3 оила исติкомат қилади. Одамларнинг асосий даромад манбаи — томорқа. Аммо 30 йилдан буён уларни оқова сув тақчиллиги қийнайди. Тоза ичимлик суви 2 километр узоқликдан ташиб келинади. Одамларни қийнаётган энг катта муаммо электр энергияси ҳисобланади. Фуқаролар маҳалла худудида жойлашган 7-мактаб ёнидаги трансформатордан 2 километр масофада қўлбола симёғочлар орқали турли хил ҳажмдаги симлардан тортиб олишган.

Шикоятда келтирилган вазларни нечоғли ҳақиқатга тўғри эканини билиш мақсадида ушбу маҳаллага бордик. Ҳақиқатан ҳам, йўл ёқасида жойлашган ва хонадонлардан ўтган қўлбола симёғочлардаги электр симлари дарахларга туташиб, осилиб ётибди. Техника хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермапти.

— Трансформатор ишлаб чиқарган 220 кВт. электр энергияси худудга етиб келгунга қадар 80-100 кВт. ни ташкил этади, — дейди ариза муаллифларидан бири Дилшод Пар-

## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

«Чирокчи электр таъминоти» корхонасидан олинган маълумотга кўра, туманда 2019 йил бошида ўтказилган хатловга кўра худуддаги 2245 та симёғоч устунлари яроқсиз ҳолатга келиб қолган. 70 дан ортиқ трансформатор таъмирталаб. Утган йили 1000 га яқин симёғоч устунли алмаштирилиб, 26 та трансформатор ўрнатилган.

даев. — Машиий техника воситалари умуман ишламайди. Шу сабабли ҳеч биримизнинг уйимизда на музлаткич, на микротўлқинли печ, на ҳаво совутиқич бор. Утган йилда яхши ният билан музлаткич сотиб олган эдим. Бир йилга ҳам чидамади. Электр қуввати камлиги сабабли яроқсиз ҳолга келди.

Фуқаро Бердир Ғаниев утган йилда 10 миллион сўмга иссиқхона қуриб, бир миллион сўмга сув насоси сотиб олган. Яхши ният билан бодринг эккан. Аммо сув бўлмагани сабабли барчаси қуриб, қилган меҳнати ҳам, маблаг ҳам зое кетибди. Яна бир фуқаро — Нилуфар Жўраева эса кишлоқда «Ўзгаллик салони» очиб, тadbиркорлик қилишни хоҳлайди. Лекин электр қуввати камлиги сабаб бу ниятини амалга ошира олмаётти.

## «28 йил чидадим, энди...»

— 28 йил ҳовлимизнинг ичида симёғоч ўрнатилганига чидаб келдим, — дейди Абдурашул Пардаев. — Бир неча бор сим узлиб, молларимизга зарар етказди. Энди набираларим ҳаётимдан хавфсираб, симёғочни олдиришга мажбур бўлдим.

Маҳаллада 680 та хонадон, 720 та оилада 4497 нафар аҳоли истикомат қилади. Асосий даромад манбаи — қўчаччилик. Айни пайтда хонадонларнинг 40 тасида катта иссиқхона, 425 тасида эса кичик иссиқхона мавжуд.

— Тўғри, фуқароларимиз томорқани суворғин учун артезиан қудуқ қаздиришган, лекин электр қувватининг камлиги сабабли сув чиқариш муаммо бўлмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фахриддин Бойматов. — Натижада кўчатлар сувсизликдан қуриб қоляпти. 2018 йилда туман, вилоят электр тармоқлари, Халқ қабул-



хонасига мурожаат қилдик. Мутасаддилар 2 ой ичида муаммо ҳал бўлади, деб ваъда беришди. Лекин орадан 2 йил ўтдиёмки, натижа йўқ.

## Депутат нима дейди?

Аслида танқидий мақола тайёрландан мақсад муаммога масъул раҳбарлар эътиборини қаратиш, ечим топиш, энг муҳими, одамларнинг оғирини енгил қилиш.

— Ҳақиқатан ҳам мазкур худудда электр таъминоти ва ичимлик суви жуда катта муаммо, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Баҳром Худойбергенов. — Ушбу масалалар бўйича туман «Сувоқова» ва электр тармоқлари корхонасига сўровнома билан чиқдим. Масъул ходимлар билан вазиятни ўргандик, фуқаролар билан учрашув ўтказдик. Мутасаддилар янги трансформатор ўрнатишга ваъда беришди. Насиб бўлса, бу муаммо яқинда ҳал бўлади. «Сувоқова» корхонаси эса бир ойдан ошган бўлса-да, сўровномага жавоб бермади.

## Мактаб қаровсиз ҳолатда, масъуллар эса...

Маҳалла худудидаги 7-мактаб фаолияти эътиборимизни тортиди. 1987 йилда қурилган 180 ўринли бинода ҳозирги кунда 680 нафар бола икки сменада таҳсил олмақда. Синфхона етишмаслиги сабабли хоналар иккига бўлиниб, мослаштирилибди. Натижада болалар зах, тор хоналарда ўқиняпти. Айрим синфхоналарда доска билан парта оралиғидаги масофа 1 метр бўлиб қолган. Аслида белгиланган меъёрга кўра, бу масофа 2,5-3 метр бўлиши керак. Ачинарлиси, мактабда спорт зали ҳам йўқ. Стол-студлар яроқсиз. Ҳатто, ўқитувчилар хонасидagi студлар ҳам муддатини ўтаб бўлган.

Техника асрида яшашимизга ўқувчиларнинг бир неча авлоди компьютер нимагини билмасдан мактабни тугатганига ишонмассиз, балки. Аммо бу — факт. Кимё, биология, физика фан лаборатория хоналари йўқ.

Мактаб ўқитувчиларининг таъкидлашича, бу муаммо бўйича бир неча йилдан буён катта эшикли идораларга катнашади. Ҳар сафар мактаб дастурга киритилган, муаммо тез орада ҳал бўлади, дейишади. Лекин амалда...

— Бошланғич синфга дарс бераман, — дейди Дилрабо Бахтиёрнова. — Парталар етишмаслиги сабабли ўқувчилар учтадан ўтиришади. Бошланғич синф ўқувчилари учун бу қийин эмасдир, лекин 9-синф йиғини-қизларининг бу ҳолатда ўтиришини тасаввур қилиб кўраверинг. Ачинарлиси, эрталабки сменада ўқийдиган ўқувчилар стул етишмагани сабабли у синфдан бу синфга стул қидириб биринчи соат дарсини ўтказиб юборишади. Синф хоналари етишмаслиги сабабли тайёрлов синф болалари шанба ва якшанба кунли келиб ўқиняпти.

Мактаб стадиони ҳам хароб аҳволда. Қаровсизликдан бегона ўт босиб ётибди. 1 гектардан зиёд майдонни эгаллаган ер майдони бўш ётибди.


Мактаб ҳовлиси ўралмаган. Шу сабабли келиб-кетувчиларнинг назорати йўқ. Айниқса, қўй-эчкилар мактаб худудида бемалол ўтлаб юрибди.

— Маҳалламизда мактабгача таълим муассасаси ҳам йўқ, — дейди ўқитувчи Зулфия Абдуллазизова. — Бизнинг ҳам болаларимиз боғчаларга боришини, хорижий тилларни ўрганишини хоҳлаймиз. Қуриб турганингиздек, боғча қуриш учун мактаб ёнида жой бор. Лекин уни қурайдиган инсон йўқ. Бу бўйича ҳам бир неча бор тегишли ташиқлотларга мурожаат қилганмиз. Лекин натижа бўлмаётти.

Ўрганишлар асосида англаб етганимиз шунки, бундай ишларга кимдир бироз эътибор қаратиб, одамлар дардига кулоқ солса, ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Энг муҳим гап — давлат раҳбари одамларни рози қилиш учун қўяётган вазифалар моҳиятини англаб етишда...

Ўйлаймизки, мутасаддилар муаммоларга ечим топишда аҳолига яқиндан кўмак беради. Биз эса мавзуга яна қайтамиз.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»



Самарқандда 3600 гектар боғ яроқсиз деб топилди.

# ИЖОДКОР ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛМАСА ҲАМ ДАРС БЕРИШИ МУМКИН(МИ)?

**С**анъат борки, дунёни гўзалликлар орқали англаймиз. Инсон бадий тафаккури маҳсули ўлароқ яралган санъат асарларида асл ҳақиқатни кўра-миз, маънавий юксалиш сари қадам кўямиз. Шунинг учун ҳам дунёда бадий ижодга ҳар доим эҳтиёж бор, инсониятнинг санъатга чанқоқлиги асло сўнмайди.



## Ўзбекистон Бадий академияси тизимида қандай ўзгаришлар юз бермоқда?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижод аҳлига алоҳида эътибор қаратиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, бекаму кўст таълим олишлари ва фаолият юритишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратишда ташаббус кўрсатиб келмоқда. Ўтган йиллар домида Ўзбекистонлик ижодкорлар бундай илиқ муносабатга яраша қандай натижаларга эришдилар? Ўзбекистон Бадий академияси томонидан қандай изланишлар олиб борилмоқда? Юртимизнинг тасвирий ва амалий санъати оламида айни пайтда қандай янгиликларга қўл урилди? Шу каби саволлар билан Ўзбекистон Бадий академияси Бош илмий котиби Феруза Обиджоновга мурожаат қилдик.

### Иктидорга эътибор қаратилмас...

— Бадий академия тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишларини ривожлантириш, академик бадий таълимнинг изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш учун ваколатли давлат муассасасидир. — деди Феруза Обиджонova. — Бадий академия мутасаддилари, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, шахсий ва ижодий кўргазмалар учун кенг имкониятлар яратиш бериш, ижодкорларнинг бадий салоҳиятини ошириш борасида изланиб келаётган. Бунда жаҳондаги етакчи бадий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташиқлотлар, атоқли маданият ва санъат арбоблари билан илгўр таърибани алмашиш мақсадида ҳар томонлама ижодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган.

Ижодкорлар ва истеъодли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ҳам муассасанинг бош мақсадларидан.

дан. Иктидор, истеъод бу — инъом, аммо уни тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш, исзиз гоийб бўлиши ҳечгапмас. Шу боис иктидорли ёшларни юзага чиқарсак, уларга имкон берсак, халқимизнинг бой маданий мероси, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн анъаналарини иктидорли ёшларимизга қанчалик чуқур ўргатсак, уларни қанчалик қўллаб-қувватласак, шунчалик ривожланиш, ўсишга эришамиз.

**Бугунги кунда Ўзбекистон Бадий академияси тизимида жами 16 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан битта институт (Қамолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти), 15 та ихтисослаштирилган санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатларида ёшларимиз санъат сирларини эгаллашмоқда.**

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори халқимизнинг нафис санъат турларига бўлган эстетик эҳтиёжини қондириш, мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, уларга шарт-шароит яратиш, бадий салоҳиятини оширишда муҳим қадам бўлди. Қолаверса, қарор билан замон талабларига мос бадий таълим тизимини кенг йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида қатор янгиликларга қўл урилди.

### Ижодий ишлар илмий мақолаларга тенглаштирилди

Жумладан, тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаларида тасвирий, амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ижодий ишлари илмий унвон олиш учун талаб этиладиган илмий мақолаларга, ижодий ишлари каталоги эса ўқув қўлланмага тенглаштирилди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг «Натурачилар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» (2019 йил 15 август) қарори қабул қилинган эса юқоридаги йўналишдаги таълим муассасаларида ўқитишнинг сифат даражасини оширибгина қолмай, ўқувчи-талабаларга пластик анатомияни мукамал ўзлаштиришлари учун шароит яратди, жонли натура меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштирди.

Бундан ташқари, Қамолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Музей педагогикаси, Музейшунослик: музей менежменти ва маданий туризм, Музейшунослик: музей предмети экспертизаси, консервациялаш ва таъмирлаш таълим йўналишлари янгидан ташкил этилди.

### Ноёб истеъод ва маҳорат эгалари учун имтиёз

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига олий таълим муассасаларининг таълим бериш жараёнига ноёб истеъодли ва маҳоратли мутахассисларни жалб этишга доир ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қарори билан институтда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб профессор, доцент, катта ўқитувчи,

ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаш учун ўтказиладиган танловда тасвирий ва амалий санъат соҳасида олий маълумотга эга бўлмаган, бироқ ўзининг ноёб истеъоди ва маҳорати билан танилиб, халқ эътирофига сазовор бўлган ёки «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми», «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонларига эга шахслар ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси академиклари истисно тариқасида катнаштирилиши мумкинлиги жорий этилди.

### Асл иктидорни тест орқали аниқлаш мумкинми?

Санъат алоҳида иктидор талаб этади. Мазкур соҳадаги олий ўқув юртига тест синовлари асосида талабаларни қабул қилиш салбий эффект берганини яширолмаймиз. 2017 йил 3 август куни Президентимизнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувида ушбу масала ўртага ташланди ва алоҳида иктидор талаб этиладиган олий ўқув юртидаги қабул жараёнида абитуриентлар учун тест топшириш тизими бекор қилиниб, бундай таълим муассасаларига фақат ижодий имтихонлар орқали қабул қилиш жорий этилди.

Президентимизнинг 2017 йил 16 ноябрдаги «Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибининг такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига асосан, абитуриентдан алоҳида иктидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусликий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилиш кириш тест синовларисиз, ижодий имтихонлар орқали амалга оширилиши белгиланди.

Институтда ўтказиладиган оралик ва якуний назорат имтихонларида бакалаврият таълим йўналишларига охириги икки йилда тест синовларисиз ижодий имтихонлар орқали қабул қилинган 1-, 2-курс талабалари тест синовлари орқали қабул қилинган 3-, 4-курс талабаларидан анча иктидорли, билимли ва салоҳиятли эканини соҳанинг профессор-ўқитувчилари ва етук мутахассислари алоҳида эътироф этишмоқда.

### Замонавий талаблар санъатнинг янги йўналишларини такозо этаётган

Бадий таълим ҳақида гап кетганда, бугунги кунда миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4 та факультети негизида 15 та кафедра фаолият юритаётганини эслаш ўришли. Иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари талаблари асосида эса 5 та янги таълим йўналиши ва 2 та янги магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Қўшма таълим дастурлари асосида Жанубий Кореянинг Кемён университети, Таиланддаги Чанатапана халқаро дизайн институти билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш давом этаётган.

Бир сўз билан айтганда, санъат соҳасига қаратилётган эътибор туфайли илмий-ижодий ишларда ҳам салмоклик ўсиш бўлди. Кейинги йилларда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишдаги ижодкорларнинг миллий ўзликни англаш гоъларини тараннум этувчи юксак даражадаги ёрқин санъат асарларини яратиш, тарихий-маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлган ноёб санъат турларини сақлаб қолиш ҳамда авлодларга етказишда катта қадамлар қўйилди.

Юлдуз ХОЖИЕВА  
«Mahalla»

Ҳаж зиёрати учун йиққан пулини маҳалладошлари учун сарфлаган аёл мукофотланди.

## Қиличбек ТОЖИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

«Эл олдига қўшиқ куйлаш  
учун чиққан ҳар қандай  
хонанда жонли овозда  
куйлай олиши шарт»



**Б**аҳор элчиси Наврўзи олам кунлари эди. Шу муносабат билан жойларда халқ сайиллари, байрам кечалари ўтказиш анъанага айланган. Истироҳат боғига ўрнатилган катта саҳнада хонандалар навбат билан қўшиқ куйламоқда:

Ўзимга яраша ҳолим бор,  
Бировлар меҳримни билмайди.  
Йигитман кўксимда орим бор,  
Бировга ўхшагим келмайди...

Қўшиқ авж олгани сари атрофдаги гала-говур аста-секин тинди. Ҳамма ўзига хос оҳангда куйланаётган тарона ва куй сеҳрига монанд жим қолди.

Бу воқеанинг бўлганига ҳам чорак аср бўлди. Аммо хонанда ижросида айтилган қўшиқлар сеҳри ўз жозибаси, тароватини асло йўқотгани йўқ. У куйлаган ижод намуналари хануз давраларда қайта-қайта куйланмоқда.

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қиличбек Тожиев** ижодий фаолиятида халққа манзур бўлган қўшиқлар гулдастаси кўп. «Бировга ўхшагим келмайди», «Аллоҳ берасеради», «Сезиб турсанг, бас», «Ўсма», «Ота ризо бўлмаса» сингари сара қўшиқлар гулдастаси уни элга танитди.

### «Бировнинг қўшиқларини эмас, ўз овозинг, созинг билан куйла»

— Оиламизда санъат, қўшиққа шинаванда кишилар кўп бўлган, — дейди Қиличбек Тожиев. — Шу боис болалигимданок, мусика мактабидаги рубоб тўғарагига қатнаганман. Санъат йўлидаги фаолиятим давомида мактаб кучоғида олган илк назарий ва амалий билимларим хануз менга кўп келади.

Кейинчалик Фарғона давлат педагогика институтида тахсил олдим. Олийгоҳни тамомлаб, Олтиариқ туман маданият саройида ишлаб юрган кезларимда Ўзбекистон халқ ҳофизи Қобилжон Юсупов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солижон Маматовлар билан «Устоз-шогирд» анъаналари асосида ишладим, изландим. Айниқса, Фарғона филармониясида устоз санъаткор, Ўзбекистон бунбуди Таваккал Қодиров билан ҳамкорлик ижодий фаолиятимнинг олтин даври бўлди, десам муболага қилмаган бўламан. Устоз ўта талабчан эди. «Бировнинг қўшиқларини эмас, ўз овозинг, созинг билан куйла» деб талаб қўярди. Бу ўғит ва маслаҳатларга қулоқ тутиб, сира кам бўлмадим. Баралла

айта оламан, мен улардан соҳа сир-асрорларини пухта эгаллашга ҳаракат қилдим. Бу амалий сабоқлар эса куй-қўшиқ яратиш жараҳида қулоқларим остида жаранглаб туради.

### Бугун иқтидорли шогирдлар даврасидаман

— Халқимизда «Яхшидан боғ қолади деган» нақл бор. Халқона тилда айтилган бу ҳикмат замирида жуда катта маъно мужассам. Ҳар қандай одам ўзи билган хунара ва ишни ёшларга ўргатиши эзгу амаллардан ҳисобланади. Оддий қишлоқ боласи, ажойиб овоз соҳиб Охунжон Мадалиев билан устоз-шогирд асосидаги ижодий ҳамкорлигимиз ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Элимиз севган марҳум санъаткор изланиш, меҳнат қилишдан сира қочмасди. Ҳар қандай ҳолат бўлса-да айрилган жойга келиб, қўшиқ тинглаб, қўшиқ айтиб кетарди. Мен ўз овози, сози билан элнинг меҳрини қозонган Охунжондек шогирдим, укам бўлгани билан фахрланаман. У ўзининг қиска умри давомида халқимизга манзур бўлган сара қўшиқлар яратди, ўз овози, ижро мактабига асос солди. Бу ҳар қандай устоз учун фахр-ифтихор.

Бугун ҳам мана шундай иқтидорли шогирдлар даврасидаман. Абдужалил Кўқонов, Фарход Абдуллаев, Қиличбек Мадалиевлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб келяпман.

### Устозлар йўлидан бориш, уларга тақлид қилиш керак, дегани эмас

— Ҳар қандай ёш санъаткор ижодий фаолиятининг илк давларида устозлар йўлидан бориши табиий. Лекин бу ипдан-игнасиғача унинг ижросига тақлид қилиш керак, дегани эмас. Устозлар йўлида яратилган қўшиқларни куйлаш орқали санъаткор ўз йўли, имкониятларини топиши ва шунга монанд ўз устида изланиши, ўз овози, қўшиқ яратиш услубига эга бўлиши лозим. Қолаверса, кўп китоб мутулаа қилмасдан, шоир ва ёзувчи, мухлис ва шинавандалар билан

юзма-юз мулоқот қилмай туриб, элга манзур қўшиқлар яратиб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, истеъдод, қизиқиш, изланиш талаб этилади. Ҳозирда ўзи шеър ёзиб, ана шу сўзларга мослаб куй яратиб «ижод» қилаётганлар бор. Буни нима билан изоҳлашни ҳам билмайсан, киши. Бу ўзибўларчилик, манманлик, дангасалиқдан бошқа нарса эмас. Шу боис олдимга қўшиқ юзасидан маслаҳат сўраб келган ёш ижодкорлардан, аввало, қайси шоирлар билан ҳамкорлик қилаётгани, қандай китоб ўқийётгани билан қизиқаман. Биласизми, китоб мутулаа қилган ҳар қандай одамнинг тафаккури, ўй ва фикрларида теранлик, самимийлик балкиб туради. Демак, у изланишда эканлигини илғаб оламан ва ўз устида ишлашга даъват этаман, қўллаб-қувватлайман.

### Яратган қўшиқларини бошқалар куйласа...

— Яқинда Сардор Мамадалиев «Ота ризо бўлмаса», Ботир Қодиров «Адашдим», Алишер Файз «Маъқул» қўшиқларини куйлашди. Бундан сира хафа бўлганим йўқ. Чунки бу қўшиқлар яратилганига анча бўлди. Аммо тароналарим хануз тингловчиларга манзур бўлиб катта саҳналарда ижро этилаётгани унинг умрбоқийлигидан далолат беради. Тўйларга борганимизда устоз санъаткорлар томонидан яратилган сара қўшиқларни айтиб беришимизни сўрашади. Улар бунга ҳақли. Халқ хизматида бўлган киши бу таронани билмайман, дейишга ҳаққи йўқ. Чунки санъаткор мухлислар соғинган қўшиқларни билиши ва куйлаши зарур. Қолаверса, созанда ва хонанда томонидан яратилган ҳар қандай қўшиқ ижро этилган кундан бошлаб ҳаммангил мулкига айланади. Шу боис яратган қўшиқларини ҳеч кимдан қизганмайман.

Яна бир гап. Кўпчилик мендан фонограммага муносабатимни сўрашади. Тўғриси айтсам, фонограмманинг ҳам ўзига хос ижобий жиҳатлари бор. Айниқса, катта ва оммавий тадбирларда

### МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Қиличбек Тожиев 1959 йил Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ишчилар оиласида дунёга келган. 2000 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланган. Оилали, 4 нафар фарзанднинг отаси.

ундан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Лекин ундан ҳар жабҳада фойдаланиш ялқовликка олиб келади. Баъзи концерт дастурларини кўриб, сакраб қўшиқ айтаётган хонанда ҳаракатларини кузатиб, ҳайрон бўламан. Ким, кимни алдаяпти? Аммо эл олдига қўшиқ куйлаш мақсадида чиққан ҳар қандай хонанда жонли овозда куйлай олиши шарт. Бу мухлислар ҳаққи-хурмати, шинавандалар олдидаги ҳисобот бўлади.

### Наврўз шодиёналари аллақачон бошланган

— Айни кунда Олтиариқ туманидаги 14-болалар мусика ва санъат мактабига раҳбарлик қилиб келяпман. Бу ерда 6 та йўналишда 350 нафардан ортик ёшлар санъат сир-асрорларини пухта ўрганмоқда. Ўтган йил мақом, академик хонанда йўналишларида янги гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Айни кунда водийликларга хос бўлган аскиячилик, лапарчилик гуруҳларини ташкил этиш устида иш олиб боряпмиз. Мактабимизда устозлар ва иқтидорли ёшлардан иборат «Назм ва наво» миллий ансамбль фаолият кўрсатиб келади. Тадбиркор, уста дехқонлар юрти Олтиариқда Наврўз шодиёналари аллақачон бошланиб кетган. Мактабимизнинг иқтидорли ўғил ва қизлари бу шодиёналарда ўз чиқишлари билан фаол иштирок этмоқда. Ишонаманки, келажакда улар орасидан ўзбек санъатининг фидойилари, дарғалари етишиб чиқади.

«Mahalla» муҳбири  
Расул КАМОЛ Ёзиб олди.

**Б** угунги кунда инсонлардаги аксарият касалликларнинг юзага келишига нотўғри овқатланиш сабаб бўлмоқда. Хусусан, семизлик, камқонлик, қандли диабет, юрак-қон томир, жигар, буйрак касалликларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида ушбу муаммо асосий омилдир.

# НОТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ – ЎЛИМГА ЕТАКЛАЙДИ... (МИ?)

БУ ОДАТ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАМАКИ ЧЕКИШДАН КўРА ЖИДДИЙ ХАВФ ТУҒДИРАДИ. МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, НОТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ТУФАЙЛИ ҲАР ЙИЛИ ЕР ЮЗИДА 11 МИЛЛИОН КИШИ ВАФОТ ЭТАДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра, нотўғри овқатланиш туфайли ҳар йили ер юзиде 11 миллион киши вафот этади. Ваҳоланки, тамаки истеъмоли билан боғлиқ касалликлардан 8 миллион инсон ҳалок бўлади. Энг аҷиблариси, сўнгги вақтларда Ўзбекистон аҳолиси ўртасида кузатилаётган аксарият хасталиклар ҳам айнан нотўғри овқатланиш туфайли келиб чиқмоқда.

Ўтган йили Германиянинг Фридрих Шиллер номидаги университет олимлари нотўғри овқатланиш сабаб юз берадиган ўлим ҳолатлари даражаси бўйича ўрганишлар олиб борди. Эътиборлиси, зарарли овқатланиш оdatлари туфайли энг юқори ўлим даражаси МДХ мамлакатларида қайд этилди. Афсуски, Ўзбекистон анти рейтингнинг юқори ўринларини «забт этиди».

Бу салбий ҳолатнинг олдини олиш учун ортиқча туз, шакар ва ёғ истеъмоли оқибатида келиб чиқадиган салбий ҳолатларга қарши курашиш, бу борада кенг миқёсда тиббий-профилактика тадбирларини амалга ошириш зарур.

## 67 фоиз одам сабзавотларнинг фойдасидан беҳабар

Инсон саломатлигида, унинг аклан ва жисмонан шаклланишида тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Узок умр кўриш, эрта қаримаслик, касалликларга тез чалинмаслик учун тўлақонли,

сифатли маҳсулотларни ўз вақтида ва меъёрида истеъмол қилиш зарур.

Тўғри овқатланиш – гигиена, физиология, биокимё фанлари ютуқлари асосидаги овқатланиш тартиби бўлиб, одам тановул қилаётган озука маҳсулотлари таркиби организмнинг физиологик талабларига, егуликнинг микдори эса у сарф қиладиган энергияга мос бўлишни тақозо этади. Шунингдек, таом тайёрлашда унинг таркиби ва сифатини сақлашга доир талабларга, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, таянлашга бўлган кўрсатмаларга қатъий амал қилиш зарур.

Биламизки, серкўёш заминимизда пишиб этиладиган мева-сабзавотлар дармондориларга бой бўлиб, инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги ўрни бекиёс. Шу боис Ўзбекистонда етиштирилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дунё аҳолиси севиб истеъмол қилади. Бироқ ачинарлиси, шундай бетакрор юрт одамларининг 67 фоизи кунига 400 грамм мева-сабзавот истеъмол қилиш мустаҳкам соғлиқ гарови эканидан беҳабар. Натيجада улар орасида юқумли бўлмаган, яъни, гипертония, юрак касалликлари, темир танқислиги анемияси каби хасталиклар эрта ўлим ҳолатларига сабаб бўлмоқда.

## Мавсумга мос таомланиш лозим

Тўғри овқатланиш учун, аввало, озиқ-овқатларнинг таркибий мутаносиблиги, тановул қилаётган егулик

танага қанчалик фойдали эканидан хабардор бўлиш зарур. Яъни эрталаб тўйиб овқатланиш, тушиқда сал камроқ, кечки вақт эса имкони борича мева ва сабзавотлардан тановул қилиш – соғлом ҳаётнинг муҳим шартларидан саналади.

Озиқ-овқатлар таркибига кўра оксиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар, микроэлементлар, витаминлар ва ферментлар деб аталувчи биологик фаол моддалардан иборат. Оксиллар тана аъзоларининг яхши ривожланиши жараёнида қатнашади, углеводлар ҳамда ёғлар кишини ҳаракат фаолияти учун зарур бўлган энергия билан таъминлайди. Шунингдек, минерал тузлар ва микроэлементлар тана тизимлари ҳамда аъзоларининг таркибий қисмларини ташкил этиб, улардаги ҳаётий жараёнларда қатнашади. Витамин ва ферментлар эса организмга тушган егуликнинг парчаланиши ҳамда моддалар алмашинуви жараёнини тартибга солади.

Минерал тузлар, микроэлементлар, витаминлар ва ферментлар, асосан, полиз маҳсулотлари, кўкатлар, меваларда кўп учрайди. Агар киши истеъмол қиладиган овқатлар таркибида юқоридаги моддаларнинг бирор бир тури етишмаса организм касалликларга тез чалинади. Шу боис озуқанинг таркибий мутаносиблиги ва турли-тумандлигини таъминлаш

учун бир кунда 0,5-0,7 хисса оксил, 0,3-0,5 хисса ёғ, 4-5 хисса углевод бўлишига эътибор қаратиш, мавсумга хос (бахорда кўкатлар, ёз-куз фасллариде мевалар, қишда қуритилган мевалар, ҳамма фаслларда полиз маҳсулотлари – сабзавотлар, гўшт, сут ва дон маҳсулотлари билан) овқатланишни ташкил қилиш лозим.

Шунингдек, тўй, байрам, меҳмондорчиликда истеъмол қилган ортиқча таомларнинг хисобига 1-2 кун фақат салатлар, мева, шарбатлар билан чегараланиш. Яъни қисқа муддатли очлик ўтказинг. Оғирлигининг назорат қилиниши оdat қилинг. Тана вазнингиз ортса, қундалик егулигингиз таркибидан юқори калорияли ва ёғли овқатларни камайтириб, кам қувватли овқатларни кўпайтиринг.

Тартибли овқатланишни ташкил қилиш учун кун давомида истеъмол қиладиган егуликнинг умумий микдорини эрталаб 20-25 фоиз, тушиқда 45-50 фоиз, кечкурун эса 20-25 фоиз қилиб белгилаш, эрталабки нонуштадан олдин жисмоний меҳнат ёки бўғимларни ҳаракатлантирувчи, тана аъзоларини уйғотувчи машқлар билан шуғулланиш лозим. Қолаверса, кечки овқатни ухлашда 2-3 соат олдин истеъмол қилиш, ухлашдан 30-40 дақиқа аввал мева шарбати, ёғсизлан-тирилган катик ёки асалли сув ёки чой қабилир билан чегараланиш мақсадга мувофиқ.

## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Мева ва сабзавотларни кам, тузли овқатларни жуда кўп истеъмол қилиш овқатланиш билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг ярмини ташкил этади.

## Суяқликни овқатланишлар оралиғида ичиш зарур

Овқатланиш вақтида чой, ширин ичимликларни ичмаслик керак, чунки, бу суяқликлар ошқозон ширасини суялтириб, меъдага йиғилган ширани ўзи билан ташқарига олиб чиқиб кетади. Таомланишдан кейин ҳам 30 дақиқа чой ичмасликни оdat қилиш керак. Ичимликларни кун давомидаги овқатланишлар оралиғида истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, аччиқ чой, кофе, какао каби кучли қўзғатувчи ичимликларни чегараланган микдорда ёки умуман истеъмол қилмаслик лозим. Боис улар организмда қислотали муҳитнинг кўтарилишига шароит яратади.

Тозаланган озиқ-овқат маҳсулотлари – олий навли ундан тайёрланган булочка, печенье, торт ҳамда макарон қабилир чегаралаш лозим. Чунки, улар организмда тиклма (хилт) ҳосил бўлишига ва бўғимлар, организмнинг бўшлиқлари ва ички аъзоларида тўпланиб, касалликларга сабабчи бўлади. Уларнинг ўрнига кўпроқ янчилган ун ва ундан тайёрланган егуликларни, асал, ширин мева ва полиз маҳсулотларини истеъмол қилишни оdat қилиш ўринли. Энг муҳими, кунлик истеъмол қилинадиган ош тузи микдорини 5 грамм (бир чой қошиқ) гача чегаралаш мақсадга мувофиқ.

Азиза ШИРИНОВА,  
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси мутахассиси.

## ДАРВОҚЕ...

### ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ РУҲИЙ ХАСТАЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Олимлар ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, нотўғри овқатланиш инсонда оғир руҳий ҳолатни юзага келтириши, тўғри овқатланиш эса, аксича, руҳий хасталиклардан сақланишда ёрдам бериши маълум бўлди.

«Science World Report» журналида айтилишича, тадқиқотда ўртача ва оғир руҳий сиқилиш ҳолатидаги 67 киши иштирок этиди. Улар икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ аъзолари нотўғри тартибда овқатланди, бироқ иккинчи гуруҳ олиб турди. Иккинчи гуруҳ эса фойдали моддаларга бой бўлган мева ва сабзавотлар, ёғсиз гўшт билан парҳез қилди.


Тегишривлардан сўнг иккинчи гуруҳ иштирокчиларида руҳий сиқилиш даражаси 30 фоизга, биринчи гуруҳ қатнашчиларида эса бор йўғи 8 фоизга камайгани аниқланди.

Андижонда шифокорга тажовуз қилган фуқарога жиноят иши очилди.

# Давлат тилида иш юритиш сифати ошадими?



Давлат хизматчилари орасида ўзбекчани мутлақо билмайдиган ёки чала биладиганлар учраши, улардаги давлат тилида матн тузишга нўноқлик сабаб баъзи ҳолларда ҳужжатларнинг рус тилида тайёрланиши, ўзбек тилидагила-ри эса имло хатоларию ғализ жумлаларга тўлиб-тошиши бор ҳақиқат. Бунинг устига, тадбирларда сўзга чиқадиغان раҳбарларнинг ўзбекчани ғаройиб аҳволга солиб сўзлашларига ҳам кўникиб қолганмиз. Бирор-бир мавзуда сўз юритаётиб мантиқсиз фикрларни гапириб қўйиш, яъни «қовун тушириш»лар-нинг туб сабаби ҳам нутқ маданиятининг пастлигидан, десак, адашмаймиз.



Ўзбек тилига носоғлом му-носабат давлат идораларининг эмас, энг аввало, жамиятнинг муаммосидир. Чунки давлат хизматчилари ҳам халқ ора-сидан чиқиб боради. Демакки, юртдошларимиз ичида миллий тилимизни кадрлаш, ўрганиш ва мулоқот воситаси сифатида уни тўғри қўллаш кўнгилдаги-дек эмас. Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий но-мидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айни шу камчиликни бартараф эттишга қаратилган қатор чора-тад-бирларни ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Ҳужжат-га кўра, мазкур университетда хузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги давлат университетлари ҳамда педагогика институтлари хузу-рида ҳудудий бўлинмаларига эга Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ташкил эти-лиши кўзда тутилган. Хўш, ушбу муассаса ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётимизда ўзбек тилининг мавқеини янада кўтариш, мамлакатим-изда давлат тили ҳақидаги қонунчиликка тўлиқ риоя эти-лишини таъминлаш, идоравий ходимларнинг саводхонлиги ва нутқ маданиятини ўстиришда қандай ўрин тутаети? Юқоридаги муаммоларга тўлиқ ечим топиладими?

**АЙТИШ ЖОИЗКИ, НОТИҚЛИК КЕНГ ФИКРЛАШ ВА ФИКРНИ ЧИРОЙЛИ ҲАМДА ТУШУНАРЛИ ТАРЗДА ИФОДА-ЛАЙ ОЛИШ ХУСУСИЯТИ БЎЛИБ, ИН-СОННИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА ФАОЛ БЎЛИШИГА, ЮЗ БЕРАЁТГАН ЎЗГАРИШ-ЛАРГА ЎЗ ЎРНИДА МУНОСАБАТ БИЛ-ДИРИШИГА ЁРДАМ БЕРАДИ.**

*топириқлар) ишлаб чиқилган. Яъни, мустақил таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, марказнинг алоҳида сайти яратилмоқда. Унда тингловчилар учун асосий маълумотлар билан бирга, малака оширишнинг онлайн тизими учун электрон ма-териаллар жойланади. Тинг-ловчилар ишдан ажралмаган ҳолда малака оширганликлари сабабли бошқарув идоралари-даги ҳужжат намуналаридан машғулотларга олиб келинади ва реал вазиятлар орқали ўқи-тувчи раҳбарлигида камчилик-лар бартараф этилади.*

Марказда давлат ташкилот-лари ходимлари ташкилий, фармойиш, маълумот-ахборот ҳужжатлари, хизмат ва дипло-матик ёзишмаларни ўрганади. Тингловчиларнинг давлат ти-лини эгаллаганлик даража-си (тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, оғзаки ҳамда ёзма нутқ малакаси) 100 баллик мезон асосида баҳоланади. 55 ва ундан юқори балл олган тингловчиларга сертификат берилади. 55 дан паст балл тўплаган тингловчилар онлайн тарзда қайтадан малака оши-ришдан ўтади.

Айни пайтда марказ фао-лиятини белгилловчи барча ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар, жумладан, марказ Низоми, ўқув режалари, ўқув дастур-лари, тингловчилар учун мўл-жалланган махсус иш дафтари, ҳар бир мавзу бўйича тақдимот материаллари ишлаб чиқилди.

Марказ вилоятларда ташкил қилинаётган 13 та ҳудудий бўлинмага етакчилик қилади, улар учун илмий-методик таянч муассаса вазифасини ҳам ўтайди. Бу ерда педагоглар ва тингловчилар ҳамкорлигида

ўқув лойиҳалари, кейс-стадилар тайёрланади. Мазкур ўқув мах-сулотлари амалий ўзбек тилини эгаллашни такомиллаштириш, ўзбек тили функционал камро-вининг кенгайиши, ўзбек тили иш юритиш услубини такомил-лаштириш билан бирга, давлат тили таълимида фан-таълим-ишлаб чиқариш узвийлигини қарор топтиришга ҳам хизмат қилади. Ўқув машғулотлари 1 ой давомида (душанба-жума кунла-ри) кеч соат 16.00 дан 18.00 гача олиб борилади.

## Фақат хизматчилар эмас, аҳоли ҳам ўқитилади

Муассаса номига кўра фақат давлат хизматчилари учун мўл-жаллангандек таассурот уйғота-ди. Аммо бундай эмас. Қарорда кўзда тутилишича, у вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ходим-лари билан бирга, республикада доимий истикомат қилаётган бошқа тилларда сўзлашувчи аҳоли, шу жумладан, хорижий фуқароларга хизмат кўрсатади. Айни пайтда марказда бир гуруҳ тингловчилар — идора ва таш-килотларнинг кадрлар бўйича иш юритувчилари, девонхона ходимлари нутқ маданияти, нотиклик маҳорати ҳамда дав-лат тилида иш юритиш каби мавзулар бўйича ўқимокда. Курс 2 хил йўналишда — дав-лат ташкилотлари ходимлари ва кенг аҳоли қатлами учун ташкил қилинади. Давлат таш-килоти ходимлари учун ташкил этиладиган ўқув курси «Ўзбек адабий тили меъёрлари ва дав-лат тилида иш юритиш», аҳоли учун мўлжалланган ўқув курси «Ўзбек адабий тилининг ёзма нутқ меъёрлари» деб номланади.

## Нотиклик маданияти барчага керак

Ҳоким ва турли идоралар раҳбарларининг йиғилишлар-да сўқиниши, қўл остидаги ходимлар ва оддий одамларга нисбатан ҳақоратли сўзларни ишлатиши акс этган аудио ёзувлар ижтимоий тармоқлар-да тез-тез тарқалиб туради. Кўпчилиги нисбатан чора ҳам кўрилади. Лекин аҳвол сези-ларли ўзгаргани йўқ. Бунинг сабаблари кўп. Асосий са-бабларидан бири эса ўша раҳ-барларда инсоний маданият, жумладан, нутқ маданияти шаклланмаганлигидир. Улар одамлар, айниқса, ўзига бўй-сунувчи ходимларни бошқача услубдаги муомала орқали йўлга солиш, ўз ортидан эр-гаштиришга ноқобил. Бу ерда гап нимада? Бошқарувчилик, фикрини таъсирчан етказиш маданиятига эга бўлмаган мансабдорнинг халқ орасида хурмати бўлмайди. У нафақат ўзининг, давлатнинг обрўсига ҳам зарар келтиради, бу усул-да амалга оширилган иш эса юзаси, хўжақўрсинга бўлиб, эл-юрт учун фойдасиздир.

Марказ олдида қўйил-ган давлат хизматчилари ва аҳолининг нутқ маданияти ҳамда нотиклик маҳоратини ошириш борасидаги вазифа ижроси айни шу камчиликни бартараф этишга ҳам хизмат қилади. Аммо бу аҳолига нима учун керак? Айтиш жоизки, нотиклик кенг фикр-лаш ва фикрни чиройли ҳам-да тушунарли тарзда ифола-лай олиш хусусияти бўлиб, инсоннинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлишига, юз бераётган ўзгаришларга ўз ўрнида му-носабат билдиришига ёрдам беради. Унинг самараси хақи-да эса ортиқча сўзлаб ўтириш ҳолатсиз.

## Таълим харажатлари қайси манбалар ҳисобидан қопланади?

Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро

этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ходим-лари пулли шартнома асосида ўқитилади. Тингловчилар те-гишли олий таълим муасса-саларининг Ахборот-ресурс маркази электрон адабиётлар фондидан бепул асосда фой-даланади.

**Аҳоли учун ўзбек тилида ёзма ва нутқ маданиятини шакллантириш бўйича ташкил этиладиган бепул ўқув курслари харажатлари Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.**

Иш жойидан ажралган ҳол-да таълим олаётган тингловчи-лар учун ўқиш даврида асосий иш жойидаги лавозими ва ўр-тача ойлик иш ҳақи сақланади. Қарорда марказнинг ҳудудий бўлинмалари жойлардаги дав-лат университетлари ҳамда педагогика институтларининг биноларида жойлаштирилиши белгиланган.

## Хулоса ўрнида

Ўзбек тили миллатимиз-нинг, мамлакатимизнинг юзи ҳисобланади. Унинг мавқеи, обрўси масаласи ҳеч қачон бизни безътибор қолдирмасли-ги керак. Шу маънода Давлат тилида иш юритиш асослари-ни ўқитиш ва малака ошириш маркази ташкил этилиши она тилимиз нуфузини оширишда яна бир муҳим кадам бўлди. Энди асосий масала қарорда белгилаб берилган вазифалар-ни изчил ва самарали амалга оширишдир. Қолаверса, марказ фаолиятини кучайтиришда жа-моатчиликнинг фаол иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ  
«Mahalla»

# Коронавирус муолажаси

## Суннатга амал қилишдадир

**Шу кунларда бутун дунёда гапирилайётган муаммо – коронавирус. Деярли барча оммавий ахборот воситаларида шу мавзу. Ижтимоий тармоқларда ҳам шу вирус бўйича постлар, аудио-видео маълумотлар тарқалмоқда. У ерда унча одам шу вирусга чалинибди, бу ерда бунча одам шу вирусдан вафот этибди ва ҳоказо.**

### Дунёда бундан бошқа касаллик йўқми?

Дунёда касалликларнинг тури кўп. Коронавирус орқали юз берадиган касаллик шуларнинг бири, холос. Саратон, сил, жигар циррози, қандли диабет, юрак касалликлари, автохалокат ва ҳоказолардан дунёда ҳар куни ўн минглаб одамлар вафот этади. Лекин биз фақат коронавирус ҳақида бош қотираемиз. Унутманг, сизнинг коронавирусга чалиниб ўлиш эҳтимолингиздан кўра, уйкуга ётиб, қайта уйғонмаслик эҳтимолингиз анча юқоридир.

### Мусулмон одамнинг касалликларга муносабати қандай бўлиши керак?

Биз нафақат коронавирус тарқалган пайтда, балки барча касалликлар тарқалган кезларда: «Ҳар қандай касаллик Аллоҳнинг изни билангина етади. Аллоҳ ёзмаган бўлса, вируслар ўчоғида бўлса ҳам, атрофимдагиларнинг барчасига вирус теккан бўлса ҳам менга касаллик тегмайди» деган эътиқодда бўлишимиз керак.

### Касалликлардан сақланиш учун нима қилишимиз лозим?

#### Карантин

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар бир жойда вабо тарқалганини эшитсангиз, у ерга борманглар. Агар ўзингиз турган жойга вабо келса, у ердан қочиб чиқиб кетманглар!» деганлар.

Ушбу ҳадиси шарифга мувофиқ, вабо тарқалган жойдан қочиб чиқмаслик зарур бўлади.

Мўмин-мусулмон одам бундай пайтда ўзининг эҳтиётини қилиши, вирус кенг тарқалиб бораётган ҳудудга бормаслиги, имкон қадар хавфсиз жойда бўлишга интилиши зарур. Шу боис мазкур вирус тарқалаётган мамлакатларга сафар қилмай туриш тўғри бўлади.

#### Даволаниш

Аллоҳ таоло қайси бир касалликни туширган бўлса, унинг давосини ҳам туширган. Ҳар қандай касалликнинг шифосини фақат ва фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи беради. У Зот Куръони қаримда шундай деб марҳамат қилган: «Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг Ўзи» (Шуаро сураси, 80-оят).

Имом Аҳмад ривоят қилган бир ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам «Эй, Аллоҳнинг балалари, даволанинглар! Чунки Аллоҳ қайси касалликни туширган бўлса, унинг шифосини ҳам туширгандир. Фақат битта касаллик – кексаликнинг давоси йўқ» деганлар.

Мўмин-мусулмон одам ўзига теккан касалликка қарши курашиб, Аллоҳ таолодан қолми шифо сўраб, даволаш чораларини кўриши керак.



#### Дуолар

Динимизда ҳар бир ҳолат учун айтиладиган дуолар бор. Жумладан, касалликдан, турли зарарлардан сақланиш учун айтиладиган дуолар ҳам бор. Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ўз аҳлларида баъзиларга паноҳ тилаганларида ўнг қўллари ила силаб: «Аллоҳумма! Роббан-нааси! Изҳибил баъса. Ишфи. Анташ-шафийи. Лаа шифаъа иллаа шифаука. Шифаан лаа юғодирү сакман», дер эдилар.

Дуонинг маъноси қуйидагича: «Аллоҳим! Одамларнинг Робби! Шиддати кетказ! Шифо бер. Шифо берувчи Сенсан. Шифонингдан бошқа шифо йўқ. Ҳеч дардни қўймайдиган шифо бер!» («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан).

«Аллоҳумма инний аъзузу бика минал бароси вал жуноуни вал жузами ва мин саййиил аскоом». Маъноси: «Эй Аллоҳ, мени пес, жинилик, моҳов ва бедаво ёмон касалликлардан паноҳ бериб, сақлашингни сўрайман». (Абу Довуд ривояти саҳих ҳадис.)

Усмон ибн Аффон розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бирор бир банд ҳар тонда ва тунда: «Бисмиллаҳиллазий ла язурру маъасмиҳи шайун фил арзи ва ла фис саман ва хувас самийъул алийм», деб уч марта айтса, унга бирор нарса зарар бермайди», дедилар.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳнинг исми билан бошлайман. Унинг исми туйғайли еру омонда бирор нарса зарар бера олмайди. У эшитувчи ва билувчи Зотдир». (Имом Абу Довуд, Имом Термизий ривояти).

Демак, мўмин-мусулмон одам мазкур ҳадислардаги дуоларни ўқиб, Аллоҳ таолодан турли касалликлардан паноҳ беришини сўраши керак. Шу билан бирга касалликнинг олдини олиш чораларини ҳам кўриши, барча сабабларни ишга солиши лозим.

#### Покликка эътибор бериш

Бунинг учун инсон покликка қатта эътибор бериши керак. Мусулмон одам кун давомида беш маҳал намоз ўқийди. Бунинг учун эса таҳорат қилади. Таҳорат қилганда оғиз-бурнини, юзини, қўллари тирсақкача, оёқларини

тўпиклари билан қўшиб ювади. Кун давомида беш бора мана шу тарзда таҳорат оладиган инсонга вирус ва бошқа нарсалар яқин йўламайди.

#### Ҳалол лўқма ва шахсий гигиенага эътибор бериш

Шу билан бирга тиббиёт ниқобини тақиб юриш, турли инсонлар билан кўришгач, қўллари совунлаб ювиш ёки антисептик воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шахсий гигиенага амал қилиш, совун, тиш ювиш воситалари ва сочик каби нарсалардан фақат ўзи фойдаланиш, оила аъзолар учун ҳам бундай воситаларни олиб бериш, ейдиган таомларга эътиборли бўлиш, лўқмага қатта аҳамият қараши, танани ҳам, либосни ҳам пок тутишга, тез-тез алмаштиришга ҳаракат қилиш лозим бўлади.

#### Таомдан олдин ва кейин қўллари ювиш

Шунингдек, овқатланишдан олдин ва кейин қўллари совунлаб ювиш ҳам саломатлик омилларидандир. Салмон розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Мен Тавротда таомнинг баракаси ундан олдин қўлни ювишда эканини ўқидим ва буни Набий соллаллоху алайҳи ва салламга айтган эдим, у зот: «Таомнинг баракаси ундан олдин қўлни ювишдадир», дедилар» (Абу Довуд ривояти).

Демак, инсон таомдан олдин қўлни ювиши орқали таомни пок қўл билан ейишга замин ҳозирлаган бўлади. Таомдан кейин қўлни ювиш эса турли касалликлар ва вирусларга қулай шароит бўлиши ёғли муҳитдан қўлни тозалаган бўлади. Агар банд ва ишлари суннатга амал қилиш нияти билан қиладиган бўлса, савобга ҳам эришади. Ҳам савоб, ҳам саломатликни қўлга киритади.

#### Касалликни сўқмаслик, балки сабрли бўлиш

Мабодо инсон ўзида иситмалаш, бош оғриши, кўнгил айиниши ва ҳоказо холатларни сезса, дарҳол мутахассис шифокорга мурожаат қилиши, тезда даволаниш чораларини кўриши, безовталикдан сақланиши керак.

Бандага келадиган касаллик Аллоҳ таолонинг тақдири билан бўлади. Ўша касалликдан тузалиш ҳам Аллоҳ таолонинг тақдири билан амалга ошади. Касалликка чалинган одам бесабрлик

қилмаслиги, турли ақидага зид гапларни ва ишларни қилмаслиги, шифони ҳам ҳалолдан излаши шартдир.

Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Умму Соибнинг хузурига кирдилар ва: «Эй Умму Соиб, сента нима бўлди, қалтирагансан?» дедилар. «Иситма! Аллоҳ уни баракасиз қилсин!» деди у. «Иситгани сўқма. У одам боласининг хатоларини худди боскон темирнинг зангини кетказгандек кетказур», дедилар у зот». Муслим ривоят қилган.

Демак, мусулмон киши гуноҳларнинг кетишига сабаб бўладиган иситгани сўқмаслиги, балки тузалишни сабр билан олиб бориши керак экан.

### Шифони ҳалолдан излаш лозим

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам харом билан даволанишдан қайтарганлар. Абу Дардо розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Албатта, Аллоҳ дардини ва давоини туширган. Ва ҳар бир дардга даво қилиб қўйган. Бас, даволанинглар. Фақат харом ила даволанманглар», дедилар». Абу Довуд ривоят қилган.

Демак, тузалиш учун ҳам шариятда руҳеат беришдан тарзда тиббий чораларни кўриш керак. Турли туморлар осиб олиш, бўри, айиқ каби ҳайвонларнинг тиш-тирноқларини ўзи билан олиб юриш, фолбин, қожинларга бориш кешининг иймонига, ақидасига путур етказадиган ишлардандир. Чунки бундай ишларни қилган одам Аллоҳ таолони қўйиб, бошқадан шифо тилаган бўлади.

### Ваҳима, миш-миш тарқатмаслик

Бугун кимга қулоқ тутсангиз, «Бизда ҳам тарқалган эмиш. Ундай эмиш, бундай эмиш» деган миш-мишлар, ваҳимали гаплар юрибди. Мусулмон одам миш-мишлардан узок юради. Шу билан бирга инсон ўзини ўзи тушқунликка тушириш ўрнига саломатлик чораларини излаши ва шу ҳақида бош қотириши керак. Куруқ ва ваҳимали гаплардан фойда йўқ. Қолаверса, бу каби гаплар билан бошқаларни кўрkitиш ҳалол бўлмайди. Чунки мусулмон инсон тақдирга иймон келтирган. Барча нарса Аллоҳ таолонинг изни билан амалга ошишини билгани учун хотиржамликни қўлдан бермайди. Аллоҳ таолога дуо қилиб, барча сабабларни ишга солиб, чораларни кўриб, Аллоҳ таолонинг Ўзига тавоққул қилиш, Ўзидан омонлик, саломатлик, шифо сўраш керак.

Суннатга амал қилиш икки дунёда саодатга эришиш омилдир! Аллоҳ таоло барчамизни пок ва саломат қилиб, Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамазани чиройли қилсин!

**Нозимжон ҲОШИМЖОНОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси мутахассиси.

Таниқли эпидемиолог Ўзбекистонга коронавирусга қарши курашда ёрдам беради.





# Футбол бўйича мутлақо янги тизим яратилади

Шу кунларда эса ёш спортчиларни таълим олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, футбол бўйича мамлакат терма жамоаларига спорт заҳирасини тайёрлаш, мусобақалар тизimini янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокамага кўйилди.

Биз ушбу қарор лойиҳасидан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Равшан Эрматов** билан суҳбатлашдик:

## Халқаро майдонга йўл

— Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни, хусусан, миллионлар ўйини футболни жуда севишади. Шу боис соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз спортчиларини халқаро майдонларда муносиб иштирокини таъминлашга қатъи эътибор берилмоқда. Ушбу қарор асосида юртимиз футболни янги босқичга кўтарилди.

Белгиланган мусобақаларни ўтказишга Жисмоний тарбия ва спорт, Халқ таълими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бевосита масъул.

Келгусида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Мактаблар футбол лигаси», маҳалла ёшлари ўртасида «Маҳаллада футбол», «Футболмиз келажаги», болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва хусусий футбол мактаблари шуғулланувчилари ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда республика миқёсида «Спорт мактаблари футбол лигаси», «Бош вазир кубоги»,

«Ҳоким кубоги», «Раҳбар кубоги», ёшлар ўртасида «Чарм тўп», «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақаларини тизимли ташкил этиш белгиланган.

Шунингдек, «Жисмоний тайёргарлиги ривожланган энг яхши муассаса» кўрик-танлови, болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг ўқувчи-спортчилари ўртасида «Болалар спорт ўйинлари»ни ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

## Мусобақалар қандай молиялаштирилади?

— «Мактаблар футбол лигаси» мусобақалари туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ҳамда Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига ажратилган маблағлар доирасида, «Спорт мактаблари футбол лигаси», «Профессионал футбол мактаблари лигаси» Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилиши белгиланган. «Маҳаллада футбол», «Футболмиз келажаги» мусобақаларининг барча босқичлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, «Бош вазир кубоги», «Раҳбар кубоги», «Чарм тўп» мусобақаларининг республика финал босқичи Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маблағлари, «Ҳоким кубоги», «Раҳбар кубоги», «Чарм тўп» мусобақаларининг куйи босқичлари Қорақалпоғис-



тон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Қарор лойиҳасида футболни оммалаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида болалар-ўсмирлар спорт мактабларида аёллар футбол, футбол (мини-футбол) ва соҳил футбол гурuhlарини ташкил қилиш ҳамда улар ўртасида мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб боришни йўлга қўйиш ҳам назарда тутилган.

## Мусобақалар қай тартибда ўтади?

— «Мактаблар футбол лигаси» спорт мусобақаси Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг (жисмоний ёки психик ривожланишида имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар

Юртимизда футболни ривожлантиришга қатъи эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 4 декабрда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 24 январда «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар қабул қилинди.

бундан мустасно) 3-4-5-6-7-8-синф ўқувчилари ўртасида уч босқичда йилига икки марта (бахор-куз) ўтказилади.

«Маҳаллада футбол» минни-футбол спорт мусобақаси ҳам уч босқичда бўлади. Биринчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида истикомат қилувчи ёшлардан ташкил этилган жамоалар ўртасида маҳалла ва маҳаллалараро босқичи февраль ойининг учинчи ўн кунлигида, иккинчи, туман (шаҳар) босқичи мусобақанинг биринчи босқичида ғолиб бўлган жамоалар ўртасида март ойининг биринчи ярмида, учинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида март ойининг иккинчи ярмида ўтказилади. Унда яхши катнашган ўйинчиларни Ўзбекистон ёшлар ва ўсмирлар футбол терма жамоасига саралаш ва терма жамоалар бошқармасига тавсия қилиш ҳам кўзда тутилган.

«Футболмиз келажаги» кубоги мусобақасида 9-10, 11-12 ёш тоифасидаги маҳалла болалари ва ўсмирлардан ташкил топган жамоалар баҳалашади. Маҳаллаларда ташкил этиладиган ушбу футбол жамоалари ҳар бир ёш тоифаси бўйича битта, иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Яъни кўча, қўп қаватли уй ва ҳовли бўйича жамоалар тузилади. Жамоаларни фуқаролар йиғини раиси бошчилигида жамоатчи спорт тарбиячилари шакллантиради ва мураббийларни тайинлайди. Биринчи босқич маҳаллаларда (маҳалла биринчилиги) фуқаролар йиғини раислари, жамоатчи мураббий раҳбарлигида, иккинчи босқич (маҳаллалараро ва туман (шаҳар) босқичлари) мусобақалари

туман (шаҳар) ташкилий кўмиталар раҳбарлигида, учинчи босқич (худудий финал босқичлари) мусобақалари худудий ташкилий кўмиталар ва Республика ташкилий кўмитаси раҳбарлигида ўтказилади. Ҳар бир маҳалладан жамоалар иштирокини таъминлаш туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлим бошлиги зиммасига юклатилган.

Ёшлари ўртасида ҳам «Чарм тўп» анъанавий футбол мусобақалари тўрт босқичда ташкил этилади. Биринчи босқич маҳаллалараро, май ойининг шанба ва якшанба кунлари, иккинчи босқич туман (шаҳар) миқёсида, 17-21 июнь кунлари, учинчи босқич вилоят миқёсида, 5-9 август кунлари, тўртинчи босқич республика миқёсида (финал), октябрь ойи давомида ўтади.


«Спорт мактаблари футбол лигаси»нинг вилоят босқичи апрель-июнь ойларида, финали сентябрь-октябрь ойларида икки босқичда ўтади.

## Хулоса

Эътибор берсангиз, қарорда белгиланган барча мусобақалар хаваскорликдан профессионалликка қараб ривожлантирилган. «Профессионал футбол мактаблари лигаси» Ўзбекистон чемпионати мусобақаси бу фикримизга яққол исбот бўла олади. Мусобақа Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан амалга оширилади. Унда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасаруфидидаги футбол маҳорати мактаблари, Профессионал футбол клублари хузуридаги футбол академиялари ва футбол мактаблари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги хусусий профессионал футбол мактабларининг 2007, 2006, 2005, 2004 ва 2003 йилда туғилган (U-13, U-14, U-15, U-16, U-17) тарбияланувчиларидан ташкил топган жамоалар иштирок этиди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорда кўрсатилган мусобақалар биз мутахассислар учун ҳам маҳоратли ёшларни таълим олиш имконини беради.

Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
«Mahalla»



ДАРВОҚЕ...

Ўзбекистон Республикаси «Бош вазир кубоги» футбол мусобақаси (олимпия тизимида) 2020 йилнинг июль-август ойларида «Бунёдкор» футбол академиясига қарашли ўйингоҳларда, ярим финал ва финал босқичлари август ойининг учинчи ўн кунлигида «Миллий» стадионида ўтказилади.

Вазирлик, идора ва ташкилотлар (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ташқар)нинг марказий аппарати ходимлари ўртасида ўтказиладиган футбол бўйича «Раҳбар кубоги» ҳамда «Ҳоким кубоги» спорт мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жорий йилнинг март-апрель ойларида ўтказилади.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ АВТОМОБИЛЬ ХАРИД ҚИЛГАН МИРКОМИЛБОЙ КИМ БЎЛГАН?

**М**

**иркомилбой Мирмўминбоев ҳожи – андижонлик бой савдогар. У 1890 йили Андижон шаҳрида бой савдогар оиласида дунёга келган. Саноатчи, йирик ер-мулк эгаси, савдогар, жадидларнинг ҳомийси, бунёдкор шахс сифатида маълум ва машҳурдир. Шу боис ҳам бу ажойиб шахснинг эл-юрт манфаати йўлида қилган ишлари ҳали-ҳануз ватандошларимиз хотирасида сақланиб келмоқда.**

Миркомилбойнинг ҳаёт йўли ва қилган саховатли ишлари ҳақида халқ орасида турли гаплар юради. Аслида у қандай шахс бўлгани ва нима ишлар қилгани ҳақида Андижон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Рустам Шамсутдиновнинг Миркомилбой тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий Архивида сақланаётган материалларни таҳлил қилиб тўплаган маълумотларига асослансак, хато қилмаган бўламыз ва бор ҳақиқатни билиб оламиз.

## 300 та дўкон, 5 та завод...

Маколамиз қаҳрамонининг шахсий бойлиги ўша пайтда 15 миллион рублга яқин бўлиб, асосий савдо муомалаларини чет эллардаги йирик «Ака-ука Шлосберг», «Кноп», «Ака-ука Степун», «Москва ҳисоб банки», «Рус-Хитой банки», «Рус-Осиё банки» ва бошқа савдо-сотик фирмалари ва банклари билан олиб борган катта мулкдор бўлган. Унинг қарамонидagi бойлик ҳақида 1913 йил уезд бошлиғига берилган маълумотга кўра, Миркомилбойнинг 380 минг сўм нархга эга 5 та йирик заводи, 500 минг сўмлик 3 та сарой-растаси (Андижонда 2 та, Кўконда 1 та), Андижон бозорида нархи 1 000 000 сўм бўлган 300 та дўкони, ҳаммомлар, уйлар, йирик мевали боғлар, турли корхоналарнинг акциялари, кимматли қоғозлар ва нақд пуллари бўлган.

Шундай улкан мулк соҳиби бўлишига қарамай, Миркомилбой ўз замонасининг миллатпарвар кишиси бўлган. У Ватанимиз овоз қилганда кўришни орзу қилган ва ана шу йўлда курашган. Унинг бу фаолияти ва кураши чор Россияси мустамлакачиларининг нафрат ва ғазабини уйғотган эди. Шу боис унга қарши доний равишда тазйиқ, таъқиб олиб борилган. Ҳар бир қадами, ҳатти-ҳаракати чор маъмурлари кузатувида бўлган. 1911 йилда Туркистон район мухофаза бўлими ўзининг махсус ишлар бўйича ҳисоб рўйхатига Миркомилбой Мирмўминбоевни ҳам тиркаб қўйган. Унга олинган анкетада Миркомилбойнинг 52 ёшдалиги, машҳур

миллионер, пахта заводлари эгаси, мусулмон, Андижон шаҳриданлиги кўрсатилган. Анкетанинг орқа бетига Андижон уезди бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Ивановнинг 1911 йил 3 майда ўзининг Фарғона вилояти харбий губернатори номига йўллаган 133-сонли хати илова қилиниб, Туркистон район мухофаза бўлими бошлиғига йўллаган 136-сонли хати қайд этилган.

## Дўконлардан тушган маблағ таълим соҳасига йўналтирилган

Андижон уезди собик бошлиғи, подполковник Иванов Миркомилбойнинг кўчадаги номаъқулчиликлари учун 14 кунга ҳибсга олинишига топширик беради, бироқ у қамокка олинганга қадар яшириниб, арз билан Фарғона харбий губернатори Гиппиус хузурига келади. Бу иш бўйича тинтув ўтказиб махсус топшириқлар бўйича чиновник Крошкёвга топширилади. Яқунда подполковник Ивановнинг Миркомилбойни қамокка олиш тўғрисидаги қарори бекор қилиниб, ўзи лавозимини тарк этишга мажбур бўлади. Унинг ўрнига уезд бошлиғи этиб, полковник Ю.А.Бржезицкий тайинланади. Энг муҳими, янги бошлиқ Андижондаги маданий қурилиш, ободончиликка оид ишларни қўлаб-қувватлайди.

Миркомилбой 1913 йил 18 сентябрда Ю.А.Бржезицкийга ариза топширган эди. Унда мана бу сатрлар битилган:

*«Ўз она шаҳрим Андижоннинг маданий ривожланиши ва батамом тартибсиз аҳволда бўлган Гултепа майдонида маданий кўриниш бериш, майдон ҳам шаҳар кўрки бўлиш, ҳам аҳоли фойдалана олинсин деб, мен Миркомил Мирмўминбоев ўз ҳисобимдан Андижон шаҳрига тортиқ сифатида қуйидаги ишоотларни қуришни ўз зиммамга оламан:*

1. Турли миллат вакиллари эркак ва аёлларга мўлжалланган, қирқ ўринли намунали шифохона. Унда қуйидаги бўлимлар мавжуд бўлади: а) жарроҳлик; б) туберкулоз; в) ички касалликлар; д) элекцион камералар ва мурда сақлаш учун ертўла; д) дезинфекцион камера



ҳамда шифохона бошиқлари, ходимлари ва турли хизматчилар учун махсус бино; е) шифохона биносини марказий иситиш бўлими ҳамда сувларни биологик тозалаш хизмати.

2. 30 ўқувчига мўлжалланган интернат бўлган, мадраса ўқувчиларини рус тилига ўратиш бўлимига ҳамда зал ва ёрдамчи биноларга эга рус-тузем мактаби.

3. 100 та ўқувчига мўлжалланган мадраса ва хонақоҳи бўлган намунали мактабхона.

4. Европача нухадаги, ертўла ва қоровулхона, учта ҳожатхонаси бўлган учта дўконлар тизими. Мана шу дўконлардан келадиган фойда юқорида кўрсатилган муассасаларни таъминлаш ва таъмирлаш учун ишлатилади.

5. Маҳаллий халқ ва европаликлар учун алоҳида бўлимларга эга бўлган ҳаммом.

6. Шу бинолар атрофида йўлқалар очиб, ҳибдонлар барпо этиш, майдон марказида манзарали бог барпо этиш.

Кўрсатилган ишоотларнинг барини мен, Миркомил Мирмўминбоев, ўз назоратимда тузилган ва тегишли ҳокимият томонидан тасдиқланган лойиҳа ва смета асосида уч йил давомида қуриб битказишни ўз зиммамга оламан. Шу билан бирга юқорида кўрсатилган барча бинолар, ишоот ва жиҳазларни қуриш учун ўз шахсий маблағимдан 500 минг сўм ажратаман» (ЎзМДХ.ф.и. 19,1 ёзув, 27849 иш, 36-бет).

## Андижонга трамвай олиб келмоқчи бўлган

Аризада М.Мирмўминбоев ўзи тикламоқчи бўлган ишоотларнинг қарерда қурилишини, майдон ўлчами, жалб этиладиган оғамлар сони, уларга бериладиган маош миқдорини аниқ кўрсатган. Дўконлардан тушадиган фойда шифохона ва рус-тузем мактаб қурилишига етмаса, уч йил давомида ўз ҳисобидан маблағ билан таъминлашни зиммасига олган. Ушбу ишоотлардан даромад келадиган бўлса, уни шаҳар фондига топшираганини билдирган. Мусулмонлар намозхонаси ва мадрасани ўла-ўлгунча ўз ҳисобидан маблағ ажратиб, таъминлаб туришни,

вафот этган эса махсус васиятнома асосида маблағ қолдираганини баён этган. Ариза М.Мирмўминбоев томонидан 1913 йил 18 сентябрда Андижон уезди бошлиғи, полковник Бржезицкийга топширилган. Аммо унинг биринчи нухасидаги тактифлар уезд бошлиғига маъқул тушмаган. Шу боис М.Мирмўминбоевга аризани қайта кўриб чиқишни ва бир қатор ўзгартиришлар киритишни талаб қилган. Яъни, уезд бошлиғини хафа қилган жиҳат Миркомилбой шифохона ва ҳаммомдан фақат маҳаллий аҳоли фойдаланишни мўлжаллаган, дўконлар ва ҳаммомлардан тушадиган даромаднинг бир қисмини шаҳар бошқармаси ихтиёрига ўтказиб, қолган қисмини ўз эҳтиёжи бўйича шифохона ва мадраса харажатларига ишлатишни кўрсатган.

Миркомилбой Бржезицкий талабларини тўлиқ қабул қилишга мажбур бўлади. Чунки ўша пайтда Туркистондаги маъмурият бу каби ишларга осонликча рухсат бермаслигини у яхши туншувар ва Бржезицкийнинг ҳар қандай шартларига кўниб бўлса-да, ишни юргизишга умид қилар эди.

Шаҳар хўжалик бошқармасидаги ўтган мажлис қизгин бўлганлиги, қатнашчиларнинг баъзи фикрларидан ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, шаҳар депутатлари – Ординев ва Куровский Миркомилбойнинг бунёдкорлик ишларига қатъий қарши чиқди. Аммо шаҳар хўжалик бошқармаси раиси Бржезицкий уларнинг фикрларига қўшилмайди. Ниҳоят, масала қайта кўриб чиқиш учун Фарғона вилояти харбий губернатори ихтиёрига жўнатилади.

Миркомилбой Андижон шаҳрига трамвай олиб келишга ҳам ҳаракат қилган. У бу масалада давлат билан шартнома тузишга қўл ҳаракат қилди. Айрим ҳужжатларда у ўз ёрдамчилардан бири Абдул Махсумни 1913 йилда чет элга – трамвай бозорига, транспорт нархи ҳамда ўз қуриш учун керакли нарсаларнинг баҳосини билиб келгани юборгани айтилади. Шунингдек, унинг Туркистон ўлкасида хоржидан енгил автомобиль харид қилган биринчи одам бўлганлиги қўлчиликка ёқмаган. Шу боис Миркомилбой 1918 йилда бошлениклар томонидан отиб ўлдирилган.

## Хулоса ўрнида

Юртимиздан чиққан халқпарвар, ватанпарвар, саховатпеша, тadbиркор, ишбилармон инсонларни чор Россияси, Совет ҳукумати қўлаб-қувватлаш ўрнига уларни йўқ қилишган.

Шундай экан, истиклол берган имконият тўғрисида ўтмишда Миркомилбой каби маърифатпарвар болаларимиз ва уларнинг ҳаёти ҳақида халқимизга ҳолис ва аниқ маълумотларни етказишимиз, улар қилган эзу ишларни кўрсатишимиз керак. Бу бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

**Қосимжон БОЗОРОВ,**  
Андижон давлат университети  
катта ўқитувчиси.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ОТАСИДАН АЙРИЛГАН ФАРЗАНДЛАРГА  
ҚАНДАЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ?

**?** – Яқинда турмуш ўртоғим оламдан ўтди. Икки нафар фарзандим бор. Қизим 5 ёшда, ўғлим 1 ёшда. Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам давлат ишида ишламаганмиз. Турмуш ўртоғимсиз рўзгор тебратишга қийналяпман. Қонунчилигимизда фарзандларим учун бирор моддий кўмак кўрсатилиши белгиланганми?

**Ф.ОЧИЛОВА,**  
Қашқадарё вилояти.



**Даврон ПОЗИЛОВ,**  
Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан, давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатли бўлмаган аъзолари боқувчисини йўқотганлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга. Қолаверса, сиз ва фарзандларингиз «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 19-моддасига кўра, оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари жумласига кирасизлар.

Шу боис сиз юқоридаги қарордан келиб чиқиб, яшаш манзилингиздаги Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман ёки шаҳар бўлимларига зарур боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва боқувчисини йўқотган тақдирда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари) ҳужжатлар билан муурожаат қилишингиз лозим.

Шу тариқа, боқувчисини йўқотганлик нафақаси вафот этганнинг оила аъзоларига вафот этган фуқаро олган ёки олиш ҳуқуқига эга бўлган нафақага фоиз нисбатида оиланинг меҳнатга лаёқатсиз уч аъзосига – ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдорининг 100 фоизи (2019 йил 1 августдан бошлаб) берилиши белгиланади.

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

## ОЙЛИК МАОШ КЕЧИҚТИРИЛСА...

**?** – Узоқ йиллардан буён давлат ташиқлотиди ишлайман. Мана, икки ойдири, иш ҳақимиз кечиктирилмоқда. Ойликсиз кўлаб ишчилар қийналмоқда, бироқ улар иш жойидан ажралиб қолгандан кўрқиб, бирор жойга муурожаат қилишмаяпти. Бундай ҳолатда қимга муурожаат қилсак бўлади?

**Фарҳод БОТИРОВ,**  
Сурхондарё вилояти.

**Лайло ҲАСАНОВА,**

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутахассиси:

– Мазкур масала юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг ҳудудий бўлимларига ёки [dmi.mehnat.uz](http://dmi.mehnat.uz) сайти, 1176 – қисқа рақамли ишонч телефони ҳамда [@mehnatuqubot](https://t.me/mehnatuqubot) телеграм боти платформаларига муурожаат этишингиз мумкин. Шунингдек, вазирликнинг [www.facebook.com/www.mehnat.uz](http://www.facebook.com/www.mehnat.uz) расмий саҳифалари орқали ҳам боғланиш имконияти яратилган. Улар орқали муурожаатчиларнинг таклиф ва аризалари ўрганиб чиқилади.

Барча муурожаатлар ижроси таъминланади. Дастлаб юқоридаги рақам ва манзилларга келган муурожаатлар олингандан сўнг давлат меҳнат инспекцияси томонидан тегишли ҳудуддаги инспекцияга жўнатилади. Ҳудудий инспекциялар томонидан эса фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари қай тартибда бузилганлиги аниқланади. Ҳуқуқлар бузилган ҳолатда тегишли чора қўлланилади.

## ТАЪЛИМ

ПУЛ ТЎЛАБ ФОРМАСИЗ МАКТАБГА КЕЛИШ  
ҲАҚИДАГИ ХАБАР АСОСИЗ

– Ижтимоий тармоқларда *Mening Yurtim* телеканалининг «Марказий студия» дастурида «Энди таълим муассасасига ўқувчилар мактаб формасида келиши шарт эмас. Бунинг учун 2 млн. 230 минг сўм тўланиши кифоя» мазмундаги лавҳа намойиши этилди. Бу қанчалик ҳақиқатга тўғри?

**Гулжамол МУРОДОВА,**  
Тошкент шаҳри.



**Ихтиёр МАХМАТҚУЛОВ,**  
Халқ таълими вазирлиги мутахассиси:

– Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур хабарлар нотўғри эканлигини маълум қилади.

Вазирликнинг бундай «ташаббус» ҳақида хабари йўқ.

Эслайтиб ўтамир, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги «Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий мактаб формаси билан таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 666-сонли қарори билан давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасини жорий этиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Мазкур Низомда ўқувчининг ташқи кўринишига бўлган талаблар келтириб ўтилган. Барча ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўқув йили бошида ушбу талаблар билан таништирилиб, ўқув йили давомида ўз фарзандининг Низом талабларига мос равишда умумтаълим мактабларига келишини таъминлашга масъул ҳисобланади.

## БОЖХОНА

ЮРТИМИЗГА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРДАН МАИШИЙ  
ТЕХНИКАЛАР ОЛИБ КЕЛСА БЎЛАДИМИ?

– Кейинги йилларда қўшни давлатлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб, одамлар ўтиб-қайтиши учун чегаралар очилди. Натижада узоқ йиллардан бери кўришмай юрган қариндош-уруғлар, қўда-андалар борди-келди кўпайди. Мен ҳам қўшни Қозғистон ва Тожикистон Республикасидаги қариндошларимизникига тез-тез бориб келаман. Айтмиш-чи, у ёқдаги исталган маиший техникаларни харид қилиб, олиб келсам бўладими?

**Акмал ЖУМАОБОВ,**  
Тошкент вилояти.

**Жавохир КАРАМАТОВ,**  
Давлат божхона кўмитаси  
Ахборот хизмати катта инспектори:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ,

жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг автоўли (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг миқдор нормалари тасдиқланган. Меъёрдан ортган маиший техника буюмларидан белгиланган тартибда божхона тўловлари ундирилади.



Демак, маиший техника буюмларини қарор талабларига мувофиқ, ҳар 6 календарь ойда бир донадан олиб киришингиз мумкин.

Агар сиз қўшни давлатлардан ҳаво транспортида кириб келсангиз, у ҳолда 2 минг АҚШ долларига қийматдаги маиший техника буюмларини шахсий эҳтиёжингиз учун олиб кира оласиз ва бунда юқоридаги 6 ой даврийлик бўйича чеклов тадбир қўйилмайди.

## СОЛИҚ

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР ДАРОМАД  
СОЛИГИДАН ОЗОД ЭТИЛДИМИ?

– Жорий йилда II гуруҳ ногиронлари ойлик иш ҳақидан даромад солигини тўлашдан озод этилганми?

**Воҳид АБРАЕВ,**  
Фарғона вилояти.



**Дилдора ХОШИМОВА,**  
Давлат солиқ кўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

– Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 380-моддасига

асосан, болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар қисман, яъни даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5723-сонли Фармонида мувофиқ, 634 880 сўм) миқдорининг 1,41 баравари (634 880\*1,41=895 180,8 сўм) миқдориди даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан озод этилади. Бунда ушбу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.